

АБУ БАКР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ФАЗЛЛАРИ

20:06 / 21.04.2017 17869

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга хутба қилиб: «Албатта, Аллоҳ бир бандага ё дунёни, ё Ўзининг ҳузуридаги нарсани танлаш ихтиёрини берди. Ҳалиги банда Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани ихтиёр қилди», дедилар.

Шунда Абу Бакр йиғлади. Биз унинг йиғисидан ажабландик. Кейин билсак, ихтиёр берилган зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эканлар. Абу Бакр ичимизда буни энг яхши биладиганимиз экан.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамлар ичида мен учун суҳбатида ва молида энг ишончлиси Абу Бакрдир. Агар мен ўзим учун Роббимдан бошқани халил тутадиган бўлсам, албатта, Абу Бакрни тутар эдим. Лекин Ислом биродарлиги ва муҳаббатидир. Масжидда ҳеч бир эшик қолмасдан ҳаммаси беркитилсин. Илло Абу Бакрнинг эшиги бундан мутасно», дедилар».

Бошқа бир ривоятда: «Агар умматимдан халил тутадиган бўлсам, албатта, Абу Бакрни тутар эдим. Лекин у биродарим ва соҳибимдир. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизнинг соҳибингизни халил тутгандир», дейилган».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилган

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ислом умматининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг афзал шахси эканликлари яққол кўриниб турибди.

Шу билан бирга Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу саҳобаи киромларнинг ичларида энг илмли ва энг зеҳни ўткирлари эканлиги ҳам кўриниб турибди.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга хутба қилиб:

«Албатта, Аллоҳ бир бандага ё дунёни, ё Ўзининг ҳузуридаги нарсани танлаш ихтиёрини берди. Ҳалиги банда Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани ихтиёр қилди», дедилар».

Аллоҳ таоло бир бандага ёки бу дунёни танлаб унда яшайвер, ёки Менинг ҳузуримдаги нарсани танлаб бу дунёни тарк эт. Ихтиёр ўзингда, депти. Ўшанда мазкур банда Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги нарсани танлаб бу дунёни тарк этишга рози бўлибди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам анашу маънодаги гапларни ўз

хутбаларида айтганларида кўпчилик, бу бўлиб ўтган бир ишнинг хабари бўлса керак, деган маънода ортиқча эътибор бермаптилар.

«Шунда Абу Бакр йиғлади».

У киши гапнинг асл маъносини англаб етганларидан йиғ-лаган эдилар.

«Биз унинг йиғисидан ажабландик. Кейин билсак, ихтиёр берилган зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эканлар. Абу Бакр ичимизда буни энг яхши биладиганимиз экан».

У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари яқинлашиб қолганини билганидан йиғлаётган экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз хутбаларида давом этдилар.

«Одамлар ичида мен учун суҳбатида ва молида энг ишончлиси Абу Бакрдир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг саҳобаликлари ҳеч бир иккиланишсиз эканлигига тўлиқ ишонганларидан мана шу гапни айтганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху дину диёнат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган садоқат йўлида жонларини фидо қилишга ҳар лаҳзада шай бўлиб турганларидан у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапни айтганлар. Ана ўша эътибордан:

«Агар мен ўзим учун Роббимдан бошқани халил тутадиган бўлсам, албатта, Абу Бакрни тутар эдим. Лекин Ислом биродарлиги ва муҳаббатидир».

Бу гапдан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун дўст тутиш маъносида Аллоҳ таолодан кейин иккинчи ўринда турадиган зот эканлари келиб чиқади. Халил дегани энг ишончли дўст маъносини англатади.

«Масжидда ҳеч бир эшик қолмасдан ҳаммаси беркитилсин. Илло Абу Бакрнинг эшиги бундан мутасно», дедилар».

Ушбу жумланинг маъносини тўлиқ ва тўғри англашимиз учун ўша пайт воқеълигига қайтишимиз лозим бўлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжиди шарифлари қурлгандан кейин, у зотга ҳужралар ҳам қурилди. Мазкур ҳужраларининг эшиклари масжид томондан очилган эди. Эшикни очиб масжидга кирилар эди. Ҳужраларга кир-моқчи бўлган одам масжид орқали кирар эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олиб саҳобаи киромлар ҳам масжид атрофига ўзлари учун ҳужралар қурдилар. Мазкур ҳужраларнинг эшиклари ҳам масжид томондан очилган эди. Шундоқ қилиб кўпчилик масжид орқали ўз уйига кириб чиқадиган бўлиб қолди. Бора-бора бу нарса масжид ишига халал берадиган бўлиб қолди. Ана ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги гапларни айтиб Абу

Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан бошқа саҳобаи киромларга масжиддан бошқа тарафдан эшик очишни амр қилдилар.

Бу қилинган истисно ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ҳурматлари ниҳоятда юқори эканлигига ёрқин далилдир.

«Агар умматимдан халил тутадиган бўлсам, албатта, Абу Бакрни тутар эдим. Лекин у биродарим ва соҳибимдир. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизнинг соҳибингизни халил тутгандир».

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халил тутгани ҳақида узотнинг сийратлари ҳақидаги китобда батафсил сўз юритилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу баёнотлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг у зотнинг умматлари ичидаги энг афзал шахс эканликларини кўрсатади.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдим. Бирдан Абу Бакр кийимининг бир тарафини кўтариб олган ҳолда келиб қолди. Ҳатто тиззасини ҳам очиб олган эди.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аммо соҳибингиз шиддатга тушибди», дедилар.

У келиб салом берди ва:

«Мен билан Ибн ал-Хаттобнинг орасида бир гап ўтган эди. Сал тезлик қилиб қўйдим. Сўнгра надомат қилиб мени кечиришини сўрадим. У бош тортди. Энди сизга келдим», деди.

У зот уч марта:

«Аллоҳ сени мағфират қилур, эй Абу Бакр», дедилар.

Кейин Умар ҳам надомат қилди ва Абу Бакрнинг уйига бориб:

«Абу Бакр борми?» деди.

«Йўқ», дейишди.

Бас, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб салом берди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари (ғазабдан) бошқача бўла бошлади. Ҳаттоки Абу Бакр кўрқиб кетди ва чўккалаб олиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки мен икки карра золимроқ бўлган эдим», деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам икки марта:

«Аллоҳ мени сизларга юборганда сизлар менга, ёлғон айтдинг, дедингиз. Абу Бакр, рост айтдингиз, деди. Ўзи сизлар менга ўз соҳибимни тарк қиласизларими, йўқми?!» дедилар. Шундан сўнг унга ҳеч озор берилмади».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Саҳобаи киромларнинг, жумладан, катта саҳобаларнинг ораларида ҳам гоҳида баъзи бир ушбу ривоятда баёни келганганга ўхшаш гаплар ўтиб турар эди. Бу табиий бир ҳол. Саҳобаи киромлар ҳам оддий одамлар. Қолаверса уларнинг бошқларга ўрнак бўлишлари лозимлиги эътиборидан бунга ўхшаш ишлар содир бўлганда ўзини қандоқ тутиш лозимлигини бошқаларга таълим бериш учун ҳам керак.

Ушбу ўрганган ривоятимизда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг яхшилик қилишга, ўзидан ўтган хатони тезроқ тузатишга Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ҳам ҳарисроқ эканликлари яққол кўриниб турибди. У кишининг анашунга ўхшаш фазийлатлари Ислом умматининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан энг афзал кишиси даражасига кўтарган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг уйларига узр сўраб боришлари, у киши узрни қабул қилмагач ташвишга тушиб, қаттиқ қўрққан ҳолларида нажот излаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига шошилишлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларига ориз бўлган мушкил борасида нажот излаб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилганларида, ана ўша фазийлатлар юзасидан:

«У зот уч марта:

«Аллоҳ сени мағфират қилур, Эй Абу Бакр», дедилар».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапни уч марта такрорлашлари ўта кучли таъкидлашни билдиради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни, албатта, мағфират қилишига ишончлари комил бўлганларидан бу гапни айтганлар. Бу эса ўз навбатида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазллари қанчалик улуғ эканлигини кўрсатади.

Энди масаланинг қолганини ўрганайлик. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳам бўлган ҳодисадан кеч бўлсада афсусланиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни уйларига излаб бориб топа олмаганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон равона бўлдилар.

«Бас, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб салом берди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари (ғазабдан) бошқача бўла бошлади».

Бу Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан айтишгани ва у кишининг узрларини қабул қилмагани учун бўлаётган эди. Ўта ҳалим бўлган зот Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу даражада ғазабланишлари жуда ҳам ташвишли эди.

«Хаттоки Абу Бакр қўрқиб кетди ва чўккалаб олиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки мен икки карра золиброқ бўлган эдим», деди».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қўрқишлари Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга бирор оғир ҳолат бўлиб қолмасин деган фикрларидан келиб чиққан эди. У киши менинг сабабимдан Умарга бирор нарса бўлиб қолмасин деган ташвишда эдилар. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлбориб айбни ўзларига ола бошладилар. Бу ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазийлатларидир.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг мазкур ёлборишларидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аччиқларидан тушдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуни итоб қилмадиларда, гапни умумлаштириб туриб икки марта:

«Аллоҳ мени сизларга юборганда сизлар менга, ёлғон айтдинг, дедингиз. Абу Бакр, рост айтингиз, деди. Ўзи сизлар менга ўз соҳибимни тарк қиласизларими, йўқми?!» дедилар».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч қандай иккиланишсиз иймон келтирган зот Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эдилар. Юқоридаги жумлада ана ўша ҳақиқат ўз йўли ила баён қилинмоқда. Бу гапларда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг афзалликлари ҳеч шубҳа қодирилмай очиқ-ойдин ва бўрттириб кўрастилмоқда. Шунин учун ҳам:

«Шундан сўнг унга ҳеч озор берилмади».

Ҳамма-ҳамма ўша ҳодисадан кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ким эканликларини яхши билиб олди. У киши билан бўладиган муомалаларида ўзларини билиб ҳаракат қилишадиган бўлдилар. Биров у кишига озор беришга ботина олмай қолди.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирди. Бас, У зот унга:

«Сен Аллоҳнинг дўзахдан атийқисан-(озод қилгани)», дедилар. Ўша кундан бошлаб у «атийқ» деб номлана бошлади».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг очиқ-ойдин, Аллоҳ сени дўзахдан озод қилгандир, деб эълон қилишларининг ўзи Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазлларнинг фазлидир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абу Бакр ичида бўлган қавмга ундан бошқа имом бўлиши мумкин эмас», дедилар».

Термизий ривоят қилган

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг саҳобаи киромлар ичида энг афзаллари эканлигига равшан далилдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳузуримга Жиброил алайҳиссалом келди ва қўлимдан етаклаб бориб менга умматим кирадиган жаннатнинг эшигини кўрсатди», дедилар.

Шунда Абу Бакр:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳам сиз билан бўлиб уни кўришни жуда ҳам истадим», деди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Бакр, умматим ичидан жаннатга биринчи кирувчи, албатта, сен бўласан», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бир одам учун бундан ортиқ фазл бўлмаса керак. Аллоҳ таоло барча умматларга гувоҳ қилган, охирги ва энг афзал уммат бўлган уммати Муҳаммадиянинг ичидан биринчи бўлиб жаннатга кириши Аллоҳ таолонинг охирги ва энг афзал пайғамбари томонидан таъкидланган одамдан ҳам афзал одам бўлиши мумкинми?

Хўш, шунчалик фазлларга эга бўлган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ким ўзи?

У кишини бунчалик олий даражага кўтарилишининг сабаби нима?

Бунчалик фазлга эга бўлиб, пайғамбари охири замон алайҳиссаломнинг таҳсинларининг турлисини жамлашга қандоқ қилиб эришди у одам?

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу нима сабабдан Аллоҳнинг атийқидўзахдан озод қилган бандаси бўлишга эришдилар?

Ушбу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб топиш учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ҳаётларини қўлдан келганича ўрганиб чиқишга ҳаракат қилайлик.

У КИШИНИНГ НАСАБЛАРИ

У кишининг тўлиқ исмлари қуйидагича:

Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳофа Усмон ибн Омир ибн Амр ибн Каъб ибн Маъд ибн Тайм ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ал-Қураший ат-Таймий. У кишининг насаблари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Муррада бирлашади.

У КИШИНИНГ ИСМЛАРИ ВА ЛАҚАБЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу куняси исмидан машҳур бўлиб кетган шахслардан биридир.

«Абу Бакр» у кишининг куняларидир.

Исмлари эса Абдуллоҳдир.

Баъзи ривоятларда айтилишича у кишининг аввалги исмлари Абдулкаъба бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳга алмаштирган эканлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг оталари ҳам кунялари билан машҳур бўлган. У киши Абу Қуҳофа номи билан машҳур бўлганлар. Асл исмлари эса Усмон бўлган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг энг машҳур лақаблари «Сиддиқ»дир.

У кишининг бу лақабнинг олишларига ҳар бир нарсада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тасдиқлашга шошилганлари сабаб бўлган. Шу билан бирга Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу доимо ўзларига содиқликни лозим тутганлар. Ислом-иймон масаласида у кишида бирор марта ҳам, салгина бўлса ҳам иккиланиш ёки сустлик сезилмаган.

Ушбу ва бунга ўхшаш кўпгина ҳолатлар у кишини «Сиддиқ» лақабини олишларига сабаб бўлган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг иккинчи лақаблари «Атийқ» бўлган. У кишининг бундоқ лақабни олишлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифлари орқали бўлган. Буни юқорида имом Термизий Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадиси шарифдан ўргандик. Яна шу маънодаги бошқа ҳадиси шарифлар ҳам бор.

ТУҒИЛИШЛАРИ ВА УЛҒАЙИШЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлидларидан икки йилу бир неча ой кейин дунёга келдилар.

У кишининг оталари Абу Қуҳофа Усмон ибн Омир эди.

Оналари эса, Умму Хойр Салмаа бинти Соҳр ибн Амр бўлиб, Абу Қуҳофа розияллоҳу анҳунинг амакиларининг қизи эдилар.

У киши Маккаи Мукаррамада ўсиб улғайдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу муқаддас шаҳардан фақат тижорат учунгина ташқарига чиқар эдилар. У киши ўз тижоратларидан катта молу мулк топган эдилар.

Шу билан бирга Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу хайру эҳсон ва мурувватлари билан ҳам жоҳилият аҳли орасида ном чиқарган эдилар. У киши Қурайшнинг раҳбарларидан бўлиб, маслаҳат машварат ишларидан

доимо иштирок этиб кишиларнинг муҳаббатини қозонган эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга Қурайшнинг дия ва қарз тўлаш ишлари топширилган эди.

Жоҳилият даврида арабларнинг марказлашган давлатлари бўлмагани учун Макка аҳли турли вазифаларни турли қабилаларга бўлиб қўйган эди. Бир қабила кишиларни меҳмон қилишга масъул бўлса, бошқаси Каъбага қарашга, учинчиси мажлис ўтказишга масъул эди. Ана ўша тақсимда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қабиласига дия ва қарзлар иши топширилган эди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳам жоҳилиятда, ҳам Ислолда шарафли бўлган ўн кишининг биридирлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу жоҳилият одамлари ичида энг ифбатли кишилардан бири эдилар. У киши ўз ихтиёрлари билан ўзларича ҳамр ичишни тарк қилган эдилар. Шунингдек шеър айтиш билан ҳам машғул бўлмаганлар.

У КИШИНИНГ СИФАТЛАРИ

Ибн Саъд ривоят қиладилар:

«Бир киши Оишага, «менга Абу Бакрни сифатлаб беринг», деди. Бас, у киши:

«У оппоқ, озғин, ёноқлари кичик, бир оз эгилган, изори икки ёнбошида турмай сирпалиб кетадиган, юзи ичига кирган, кўзлари чуқур, пешонаси дўнгроқ ва қушдек енгил одам эди. Унинг сифати ана шундоқ», деди.

Бошқа бир ривоятда Оиша онамиз:

«Абу Бакр (соч соқолини) ҳинно ва катм билан бўяб юрарди», деганлар.

Яна бошқа бир ривоятда Анас розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида у зотнинг саҳобалари ичида Абу Бакрдан бошқа соч соқолига оқ тушгани йўқ эди. У ҳинно ва катм билан бўяб юрарди», деганлар.

ИСЛОМГА КИРИШЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу табиатан сезгир ва хайриятга моил бўлганларидан жоҳилиятда ҳам иложи борича ёмонликлардан қочиб, яхшиликларга ёндошиб юрар эдилар. Шу билан бирга жоҳилият ботқоғидан чиқиш мумкинми, деган саволга жавоб ахтарган бўлсалар ҳам ажаб эрмас.

Ибн Асокир Ийсо ибн Язиддан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ айтди:

«Мен Каъбанинг ҳовлисида ўтирган эдим. Зайд ибн Амр ибн Нуфайл ҳам

Ўтирган эди. Унинг олдидан Умаяя ибн Абу Солт ўтиб қолди ва:

«Қандоқсан? Эй яхшилиқ ахтарувчи!» деди.

«Яхшиман», деди у.

«Уни топдингми?» деб сўради Умаяя.

«Йўқ», деди у.

«Қиёмат куни Аллоҳ амр қилмаган ҳамма динлар ёмондир. Анави кутилаётган набий бизданми, сизданми?» деди Умаяя:.

Мен бундан олдин кутилаётган ва юбориладиган набий ҳақида эшитмаган эдим. Варақа ибн Навфалнинг олдига чиқдим. У осмонга кўп назар соладиган, ичида бир нарсаларни пичирлаб юрадиган одам эди. Уни топиб бўлган гапни айтиб бердим.

«Ҳа, эй биродаримнинг ўғли, биз китоблар ва илмлар соҳибимиз. Ана ўша кутилаётган набий арабларнинг энг яхши насабидан бўлади. Мен насабларни биламан. Сенинг қавминг арабларнинг энг яхши насабидан», деди у.

«Эй амаки, набий нима дейди?» дедим.

«Ўзига нима айтилса, шуни айтади. Фақат у зулм қилмайди. Унга ҳам зулм қилинмайди. У зулмга аралашмайди ҳам», деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юборилганларида у зотга иймон келтирдим ва тасдиқ қилдим».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам у зот билан дурустгина алоқалари бор эди. У киши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ростгўйликлари, омонатга хиёнат қилмасликлари, мурувватликлари ва бошқа барча ахлоқи ҳамидаларини жуда яхши билар эдилар.

Ибн Исҳоқ қуйидагиларни зикр қилади:

«Бир куни Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни учратиб қолди ва:

«Эй Муҳаммад, Қурайшнинг сизнинг олиҳаларимизни тарк қилганингиз, ақлларимизни паст санаётганингиз, оталаримизни кофирга чиқараётганингиз ҳақида айтаётган гаплари тўғрими?» деб сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа! Мен Аллоҳнинг Расули ва Набийсиман. У зот мени Ўз рисоласини етказиш учун юборди. Сени ҳақ ила Аллоҳга даъват қиламан. Аллоҳга қасамки, У зот ҳақдир. Эй Абу Бакр, сени ёлғиз, шериги йўқ Аллоҳга, Ундан ўзгага ибодат қилмаслигинга ва Унинг тоатида доим бўлишга даъват қиламан», дедилар.

Сўнгра унга Қуръон қироат қилиб эшитдирдилар. У иқрор ҳам, инкор ҳам қилмади. Дарҳол Исломига келди. Санамларга куфр келтирди. Шерикларни

отди. Ислом ҳаққини иқрор қилди. Абу Бакр мўмин ва мусоддиқ бўлган ҳолида қайтиб кетди».

Ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусойн ат-Тамимийдан қилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Кимни Исломга даъват қилсам, албатта, тўхташи ва иккиланиши бўлди. Фақатгина Абу Бакр кутиб турмади ва иккиланмади».

Бу Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазлларига фазл қўшадиган улкан гувоҳликдир.

Аммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни у зот билан бешта қул, икки аёл ва Абу Бакргина борлигида кўрдим».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳолат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дастлаб пайғамбар бўлганларидаги ҳолат эди. У зотга биринчи бўлиб иймон келтирганлар шулардан иборат эди.

Бешта қул; Билол ибн Рабоҳ, Зайд ибн Ҳориса, Омир ибн Фуҳайра, Абу Фукайҳа (Сафвон ибн Умайянинг қули) ва Убайд ибн Зайд ал-Ҳабаший эдилар.

Икки аёл; Хадижа онамиз ва Умму Айман розияллоҳу анҳолар эдилар.

Улар билан бирга, ягона ҳур эркак, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бор эдилар. Тўғрироқ қилиб айтсак, балоғатга етган эркаклардан биринчи бўлиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирган зот Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эдилар. Бунга барча тарихчилар ва Ислом уммати иттифоқ қилганлар. Бу ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг энг афзал саҳобий эканликларини кўрсатади.

Барча Ислом уммати катта кишилардан биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу иймонган келганларига иттифоқ қилганлар.

ИСЛОМГА ДАЪВАТ ҚИЛИШЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзлари мусулмон бўлишлари билан дарҳол бошқаларни ҳам даъват қилишга ўтдилар.

У киши Қурайш қабиласида катта обрўга эга эдилар. Ўткир ақликлари, мурувватлари, адолатликлари ва бошқа олий сифатлари учун кўпчилик ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳуни яхши кўрар ва ҳурмат қилар эди.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўзлари иймонга келганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нима иш қилиш кераклигини сўрадилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам, одамларни Исломга даъват

қил, дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг дастлабки даъвати самараси ўлароқ ўша пайтда Қурайшнинг ашрофларидан бўлган, кейинчалик саҳобаларнинг улуғларига айланган ва жаннатга киришларига башорат берилган ўн кишининг бешталари; Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн ал-Авом, Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Аби Ваққос ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳумлар иймонга келдилар.

ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Исломнинг дастлабки пайтларида, мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озор беришганда У зотнинг ёнларидан туриб жонфидалиқ қилган кишидирлар.

Бир куни мушрикларнинг бошлиқлари каъбаи муаззаманинг ёнида гаплашиб ўтирар эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб Байтуллоҳни тавоф қила бошладилар. Кофирлар эса У зотни масхара қилиб устиларидан кула бошладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтаб қаттиқроқ гап айтган эдилар, улар бемазагарчиликларини йиғиштирдилар.

Эртасига яна ўша ерда ўтирган эдилар, Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб қолдилар. Шунда кофирлар бирдан ёпирилиб туриб У зотни ўраб олдилар. Улардан бири Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёқаларидан тутиб судрай бошлади. Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўртага тушдилар ва йиғлаб туриб:

«Аллоҳ-Роббим, дегани учун бир одамни ўлдириб юборасизларми?» деб ажратиб олдилар. Аммо кофирлар Абу Бакрнинг ўзининг бошини ёрдилар ва соқолидан ушлаб тортдилар.

Бир куни Абу Бакр одамларни Аллоҳ таолонинг динига даъват қилаётган эди. Мушриклар бирдан унинг устига ёпирилдилар. Улар Абу Бакр розияллоҳу анҳуни оёқлари остига олиб тепкилай кетдилар. Аёвсиз калтаклардилар. Утба ибн Робийъа бўлса икки кавуши билан у кишининг юзига тушира бошлади. Оқибатда Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг юзини таниб бўлмайдиган ҳолга келди.

Қариндошлари келиб у кишини кўтариб кетишаётганда ўлганига шубҳалари йўқ эди. Аммо кун кечкирганда Абу Бакр розияллоҳу анҳу хушларига келдилар. У киши хушларига келишлари билан:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нима бўлди?» деб сўрадилар. Қариндошлар бу гап учун Абу Бакрни маломат қилдилар ва сўкдилар. Шунда мусулмон аёллардан Умму Жамил у кишига яқинроқ келди. Абу

Бакр ундан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида сўради. У бўлса:

«Мана, онанг, сенинг гапларингни эшитиб турибди, деди.

«У билан ишинг бўлмасин», деди Абу Бакр.

«Саломатлар. Тинчлар», деди Умму Жамил секингина, Абу Бакрнинг ўзи эшитадиган қилиб. У орадаги сирни кофир қариндошлар билиб қолмаслиги учун тиришар эди.

Абу Бакр бўлса:

«Аллоҳ учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларга бормагунимча таом ҳам емайман, шароб ҳам ичмайман», деди.

Икки аёл қулай пайт пойлаб турдилар. Одамлар тарқалиб, атрофга сукунат ҳоким бўлганда уни икки томонидан суяшиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб боришди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрнинг ҳолини кўриб кўп ачиндилар ва унинг ҳаққига ҳам, онасининг ҳаққига ҳам дуо қилдилар. Онасини динга даъват қилган эдилар, у аёл иймонга келди.

ҲАБАШИСТОН ҲИЖРАТИГА ҲАРАКАТ

Мушрик ва кофирларнинг оз сонли мусулмонларга бўлган тазйиқлари кундан кунга ортиб борар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонларнинг сабр қилишдан бошқа чоралари йўқ эди. Аллоҳ таоло ўша вақтда уларга ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳам куч ишлатишга изн бермаган эди.

Мусулмонлар қанчалик сабр қилсалар ҳам мушриклар уларга бўлган тазйиқни борган сари ортдириб боравердилар. Бора-бора ҳимоячиси бўлмаган, заифҳол мусулмонларнинг дину диёнатлари, соғлигу ҳаётлари муаккад таҳдид остида қолди. Ана шундоқ оғир бир ҳолатда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига:

«Агар Ҳабашистон ерига чиқсангиз яхши бўларди. У ерда бир подшоҳ борки, унинг олдида бировга зулм қилинмас. У ер садоқат еридир. Аллоҳ ҳозирги ҳолатни енгиллаштириб қолса ажаб эрмас», дедилар.

Шунда бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистон ерига ҳижратга отландилар. Ушбу ҳижрат Исломдаги биринчи ҳижрат эди. Биринчи муҳожирлар ўн тўрт киши бўлиб, уларнинг ўнтаси эркаклар, тўрттаси аёллар эдилар. Уларнинг ичида Усмон ибн Аффон ва у кишининг аёллари, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқаяя розияллоҳу анҳолар ҳам бор эди. Мазкур муҳожирларга Усмон ибн Мазъун розияллоҳу анҳу амир эдилар.

Кейин бошқалар ҳам имконини топиб ҳижрат қилишга ўтдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳам ўзлари ҳижрат қилишга уриниб кўрдилар.

Бу уринишни Имом Бухорий Оиша онамиз розияллоху анҳодан қуйидагича келтирадилар:

«Эсимни таниб, ота-онамни билибманки икковларини Ислом динини дин тутганларини биламан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизникига ҳар куни; эртаю кеч келар эдилар. Мусулмонлар балога учраганларида Абу Бакр Ҳабашистон ерига ҳижрат қилмоқчи бўлиб чиқди. У Баркул Ғимодга етганда йўлида Ибн ад-Дуғанна учради. У ал-Қорра қабиласининг улуғи эди. У:

«Қаёққа бормоқчисан, эй Абу Бакр?» деди.

«Мени қавмим қувиб чиқарди. Ер юзида кезиб юриб Роббимга ибодат қилмоқчиман», деди у.

«Эй Абу Бакр, сен кабилар чиқмаслар ва чиқарилмаслар. Албатта, сен йўқсилга ато берасан. Силаи раҳм қилурсан. Заифга ёрдам берурсан. Одамлар қилмаган яхшиликларни қиласан. Меҳмонга зиёфат берасан. Фалокатга учраганларга ёрдам берасан. Мен сенинг кафилингман. Ортингга қайтиб, ўз юртингда Роббингга ибодат қилавер», деди Ибн ад-Дуғанна.

Бас, у қайтди. Ибн ад-Дуғанна ҳам у билан бирга борди. Кечқурун Ибн ад-Дуғанна айланиб Қурайш ашрофлари билан учрашди ва:

«Албатта, Абу Бакр кабилар чиқмаслар ва чиқарилмаслар. Йўқсилга ато берадиган, силаи раҳм қиладиган, заифга ёрдам берадиган, одамлар қилмаган яхшиликларни қиладиган, меҳмонга зиёфат берадиган, фалокатга учраганларга ёрдам берадиган бир одамни чиқарасизларми?!» деди.

Қурайш Ибн ад-Дуғаннанинг кафиллигини ёлғонга чиқармади. Улар унга:

«Абу Бакрга айт, Роббисига ўз уйида ибодат қилсин. У ерда хоҳлаганича намоз ўқиб, қироат қилсин. Ўшаниси билан бизга озор бермасин. Ўшаниси ошкор қилмасин. Биз аёлларимиз ва болаларимизни фитнага солишидан хавсираймиз», дедилар. Ибн ад-Дуғанна ул гапларни Абу Бакрга етказди.

Абу Бакр шунга биноан Роббисига ўз уйида ибодат қилиб турди. Намозини ошкора қилмади. Уйдан бошқа жойда қироат қилмади. Кейин Абу Бакрга ўз ҳовлисида масжид бино қилиш ёқиб қолди. У ўша ерда намоз ўқиб қироат қиладиган бўл-ди. Мушрикларнинг аёллари ва болалари унинг олдида тўпланадиган бўлдилар. Улар унга назар солишар ва ажабланишар эдилар. Абу Бакр йиғлоқи одам бўлиб, Қуръон ўқиса кўзларини тута олмас эди. Бу нарса мушриклардан Қурайш ашрофларини ташвишга солди. Улар Ибн ад-Дуғаннага одам юбордилар. У етиб келди. Улар унга:

«Биз Абу Бакрга кафил бўлишингга унинг Роббисига ўз уйида ибодат қилиши шарти ила рози бўлган эдик. У ҳаддидан ошиб ҳовлиси саҳнига

масжид қуриб олди. Намоз ўқишни ва қироат қилишни ошкора қилди. Батаҳқиқ, биз хотинларимиз ва болаларимизни фитнага солишидан қўрқиб қолдик. Сен уни қайтар. Агар Роббисига ўз уйидагина ибодат қиладиган бўлса, қилаверсин. Агар бош тортадиган бўлса, кафиллигини қайтариб беришини сўра. Албатта, биз сенга берилган аҳдни бузишни ёқтирмадик. Абу Бакрнинг ошкоралигига иқрор эмасмиз», дедилар.

Ибн ад-Дуғанна Абу Бакрнинг олдига бориб:

«Сен учун келишган аҳдимни ўзинг биласан. Ёки ўшанга амал қил, ёки аҳдимни ўзимга қайтар. Араблар менинг бир одамга аҳд бериб туриб аҳдим бузилгани ҳақида эшитишини истамайман», деди.

«Мен сенинг кафиллигини ўзингга қайтариб бераман ва Аллоҳ азза ва жалланинг кафиллигига рози бўламан», деди Абу Бакр унга».

ДИН ЙЎЛИДА МОЛ САРФЛАШЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ислом дини йўлида биринчи бўлиб бору будирини сарфлаган киши десак муболаға қилмаган бўламиз. У киши бой бўлишлари билан бирга ўта сахий ҳам эдилар. Айниқса дину диёнат йўлида ҳеч нарсани аямас эдилар.

Барча уламоларимиз «Валлайли» сурасидаги ушбу оятлар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ва у кишининг Аллоҳ таоло йўлида мол сарфлашлари ҳақида тушганлигига иттифоқ қилганлар:

«Ва албатта, ундан тақводор банда четда қоладир». (17)

Яъни, иймонли-ихлосли тақводор банда дўзахга кирмай ундан четда қолади.

«У бойлигини сарфлайдир ва ўзини поклайдир». (18)

Яъни, ўша дўзахга кирмай, ундан четда қоладиган банда ҳаёти дунёда моли-дунёсини Аллоҳ таолонинг йўлида сарфлайди. Куфр, ширк, нифоқ, гуноҳ ва ёмонликлардан ўзини поклайди. Шунинг учун ҳам охиратда дўзахдан четлайди.

«Бирор кишининг унда қайтарилиши лозим яхшилиги йўқ эди». (19)

Яъни, ўша тақводор инсон ўзи қиладиган яхшиликларни бировнинг яхшилигига яхшилик қайтариш учун эмас, холис, Аллоҳ учун қилади.

Ана ўша тақводор инсон барча яхшиликларни,

«Магарам ўзининг олий мақом Роббисининг розилигини сўраб қиладир». (20)

«Ва, албатта, тезда рози бўладир». (21)

Яъни, охиратда Аллоҳнинг бу қилган амалларига берган мукофотларидан рози бўлади.

Барча тафсирчиларимиз, аввал айтиб ўтганимиздек, бу оятлардаги

«атқо»–тақводордан мурод ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ дейишади. Яъни бу оятлар у киши ҳақида нозил бўлган, деб нозил бўлиш сабаби ҳақида қуйидаги қиссани ривоят ҳиладилар:

«Умайяту ибн Халаф Билол ибн Робох исмли қулини мусулмон бўлгани учун қаттиқ азоблай бошлади. Кун қаттиқ қизиган пайтда иссиққа олиб чиқиб, кўкрагига харсанг тош бостириб қўяр, Муҳаммадга куфр келтирасан, бўлмаса, ўлгунингча, шундоқ турасан, дер экан. Бир куни уларнинг олдидан Абу Бакр Сиддиқ ўтиб қолдилар ва Умайяга:

«Худодан қўрқмайсанми? Бу бечорани қачонгача азоблайсан», дедилар. Умайя бўлса:

«Буни сен буздинг, раҳминг келса, азобдан қутқариб ол!» деди.

Шунда Абу Бакр Сиддиқ ҳазрати Билолни сотиб олиб озод қилдилар. Шундан сўнг юқоридаги оятлар нозил бўлибди.

Абу Саъид ибн ал-Аъробий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Исломга кирган куни уйида қирқ минг дирҳами бор эди. Мадинага ҳижратга чиқаётганда эса беш мингдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. У бор будрини қул озод қилишга ва Исломга ёрдам беришга сарфлаган эди».

Юқоридаги ривоятда зикри келган сарфланмай қолган бешмингни Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўз эҳтиёжига ёки оиласи, яқинлари эҳтиёжига сарфлаган деб ўйлайсизми? Агар шундоқ ўйласангиз хато қиласиз. Ўша ўта нозик бир пайтда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга ўхшаш бутун вужудини Ислом-иймон йўлига тутган инсон умуман бошқача иш тутади. Қандоқ иш тутган дейсизми? Келинг бу борада у киши қандоқ иш тутганларини катта қизлари Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳудан эшитайлик.

Ибн Исҳоқ Асмаа розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зот билан бирга Абу Бакр розияллоҳу анҳу (ҳижратга) чиққанларида Абу Бакр ўзининг ҳамма молини; беш минг ёки олти минг дирҳамни кўтариб олди. Уларни ўзи билан олиб кетди. Кейин олдимизга бобом Абу Қуҳофа розияллоҳу анҳу кирди. Унинг кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган эди. У киши:

«Аллоҳга қасамки, менимча у сизни ўзи билан бирга молида ҳам фожеъага учратган бўлса керак», деди.

«Йўқ, бобожон! У бизга жуда кўп нарса қолдириб кетди», дедим ва отам молини қўядиган туйникка тошларни қўйиб туриб, устига ёпқич ёпдимда у кишининг қўлларидан тутиб олиб бориб:

«Бобожон! Манави молни ушлаб кўринга!» дедим.

У киши ушлаб кўрди-да:

«Ҳа, яхши! У сизларга шуни қолдириб кетган бўлса яхши қилибди. Бу сизга етади», деди.

Йўқ! Аллоҳга қасамки, у бизга ҳеч вақо қолдирмаган эди. Лекин мен чолни тинчлантирмоқчи бўлдим, холос».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Ислом йўлида ҳам жонини, ҳам молини бирданига тикишни кўриб қўйинг. Ўзи жонини фидо қилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳаёт мамот сафари ҳижратга чиқмоқда. Шу билан бирга бори будур, қолган қутган молу мулкини ҳам Ислом йўлида сарф қилиш учун олиб чиқмоқда.

Ибн Асокир Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан қилган ривоятда:

«Абу Бакр Аллоҳ учун азобланаётган саккиз кишини озод қилди», дейилган.

Ҳа, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзининг ҳадсиз ҳисобсиз молини энг керакли вақтда, ҳеч ким бирор нарса сарф қила олмайдиган вақтда Ислом йўлида сарф қилган эдилар.

Ислом йўлида мол сарфлаганлар кўп бўлган. Ислом йўлида сарфланган моллар ҳам кўп бўлган. Аммо Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг сарфлашларига ўхшаш сарфлаш бўлмаган. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг моли каби серманфаат мол бўлмаган. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг мол сарфлашларини алоҳида васф қилганлар:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бизга хайр қилган ҳар бир қўлнинг, албатта, мукофотини бермай қўймадик. Фақат Абу Бакр бундан мустасно. Унинг бизга қилган хайрлари бор. Унинг мукофотини қиёмат куни Аллоҳнинг Ўзи берадир. Ҳеч кимнинг моли менга Абу Бакрнинг моли манфаат берганидек манфаат берган эмас», дедилар.

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бунга ўхшаш ривоятлар жуда кўп уларнинг ҳаммасида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг улуғ фазлини ва Ислом йўлида ҳам жонни, ҳам молни фидо қилишга таёрилиги ўз аксини топган.

ҚУРЪОНГА КУЧЛИ ИШОНЧ

Мусулмонлар билан мушриклар орасидаги зиддият ҳаётнинг турли жабҳасида кенг тарқалган эди. Душманликка одатланиб қолган мушриклар мусулмонларга озор бериш учун ҳар бир фурсатдан

фойдаланардилар. Ўша вақтнинг икки етакчи давлати бўлмиш Рум ва Форс императорликлари орасида ўзаро тортишув, уруш-жанжал тинмай давом этарди. Уларнинг бу тортишувларини араблар ҳам кузатиб турар ва ўзларича тарафдорлик ҳам қилар эдилар. Румликлар аҳли китоб бўлганлиги туфайли мусулмонлар уларга тарафдор бўлишди. Мажусий форсликларга эса, динлари ўхшаш бўлган мушриклар тарафдорлик қилишди.

Ўша пайтдаги урушларнинг бирида Форс ғолиб келди. Бундан мушриклар чексиз хурсанд бўлдилар ва яқинда биз ҳам мусулмонларни, албатта, енгажакмиз, деб гапира бошладилар.

Аҳли китоб бўлмиш румликларнинг мағлубияти мусулмонларни қаттиқ хафа қилди.

Шунда Аллоҳ таоло Рум сурасининг аввалги оятларини индириб, румликлар санокли йиллар ичида ғалабага эришажаклари ва бундан мўминлар хурсанд бўлишлари ҳақида башорат берди. Бу башорат Қуръон мўъжизаларидан эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбарликларининг бешинчи йили (613 милодий) Рум ва Форс императорликлари орасида жуда катта ва қонли уруш рўй берди. Ўша пайтда Форсга Хусрав II, Румга Ҳеракл подшоҳлик қиларди. Бу икки давлатнинг ўзига яраша ерлари, аскарий куч-қувватлари бор эди. Ўша даврда Фаластин, Сурия, Миср, Ироқнинг бир қисми ва Кичик Осиё Румга тобеъ эди.

Мазкур урушда форсликлар Румга икки томондан ҳужум қилдилар. Дажла ва Фурот дарёлари бўйлаб Сурия ерларига, Озарбойжон ва Арманистон тарафдан Кичик Осиёга бостириб кирдилар. Форс лашкарлари Рум кучларини икки жабҳада ҳам енгиб, денгизгача таъқиб этиб бордилар. Улар Суриядаги насороларнинг барча муқаддас шаҳарларини эгалладилар. 614 милодий йилида бутун Фаластинни, жумладан, Қуддусни ҳам қўлга олдилар. Уруш давомида барча канисалар йиқитилди, диний бинолар хароб этилди. Форсликлар йигирма олти минг яҳудийни ва олтмиш мингдан зиёд христианни қиличдан ўтказдилар. Форс подшоҳи саройига ўлдирилган одамлардан ўттиз мингининг калласи келтирилди.

Уруш ҳаракатлари Мисрга ҳам етиб борди. 616 милодий йилида форсликлар Нил водийсини ишғол қилдилар. Сўнгра Искандарияга юриш этдилар. Бошқа томондан эса, бутун Кичик Осиёни қўлга киритиб, ўша пайтдаги Рум пойтахти Кустантанияга (Константинополга) унинг олдидаги бўғозга етиб келдилар. Форсликлар қаерни босиб олсалар, у ерда оташпарастлик ибодатхонаси қураар ва шу йўл билан христианлик ўрнига оташпарастликни жорий қилар эдилар.

Бу катта мағлубиятдан сўнг Рум императорлигига қарашли бир қанча вилоят ва ўлкаларда марказий давлатга қарши исён кўтарилди. Африқо ва Оврупадаги бир қанча ўлкалар, ҳатто пойтахтга қўшни баъзи ўлкалар ҳам империя қарамоғидан чиққанларини эълон қилди. Қисқаси, шарқий Рум императорлиги парчаланди. Лашкар тарқалиб кетди. Хазина бўшаб қолди. Император Ҳеракл пойтахтни тарк этиб, Қартажага қочди.

Ғалабадан сархуш бўлган форсликлар бирқанча шартларни қўйдилар. Император форсликларга, жумладан, минг юк тилло, минг юк кумуш, минг юк ипак, минг от, мингта аёл бериши шарт эди. Рум императорлиги бу талабларнинг ҳаммасини сўзсиз қабул қилди. Ўзаро шартнома имзоланди.

Румликларнинг вакиллари тўловларни тўлашга розилиklarини билдириш учун Хусравнинг олдига кирганларида, у:

«Бу етарли эмас, Император Ҳеракл ўзи занжирбанд ҳолда келиб, хочга осилган худосини қўйиб, оташга ва қуёшга топинишини истайман», деди.

Мана шунақа ишлар бўлиб ўтди.

Хуллас, румликларнинг мағлубиятини эшитган Макка мушриклари чексиз қувондилар ва мусулмонларга:

«Сиз ва румликлар аҳли китобсизлар, биз ва форсликлар аҳли китоб эмасмиз, бизнинг шерикларимиз сизнинг шерикларингизни енгди, энди биз ҳам сизларни енгамиз», дедилар.

Ана шунда Аллоҳ таоло Рум сурасининг аввалги оятларини нозил қилди.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

«Алиф. Лам. Мийм.

Рум мағлуб бўлди.

Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар.

Санокли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир.

Ўша кунда мўминлар шодланурлар.

Аллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу роҳиймдир».

Яъни, Рум Форсдан енгилди. Бу ҳодиса арабларга яқин ерда бўлди. Рум ва Форс ерлари Арабистон ярим оролига бевосита чегарадошдир. Ва румликлар бу мағлубиятларидан кейин тезда, санокли йиллар ичида қайтадан ғолиб бўлажаклар. Румликлар ғолиб бўладиган кунда мўминлар Аллоҳнинг нусратидан шодланадилар. Аллоҳ хоҳлаганига нусрат беради. Ва У зот азиз (барчадан ғолиб) ва раҳм-шафқатлидир.

Форс ва Рум давлатлари орасидаги қирғинбарот уруш натижаларидан кейин бундай гапларни Аллоҳ таоло айтмаса, одам боласи журъат қилиб айта олмас эди. Ҳар қандай одамга, шунчалар қақшатқич зарбага учраган,

тилка-пора бўлиб кетган Рум давлати қандай қилиб бир неча йил ичида қудратли Форс давлатини енга олади, деган фикр келиши турган гап эди. Шундай бўлди ҳам. Мушриклар қуръоний хабарни масхара қилиб кула бошлашди. Улар манзарани ўз қаричлари билан ўлчашар, аммо Аллоҳ таолонинг ўлчови бошқа экани хаёлларига келмасди.

Ушбу ҳодиса ҳақида бир қанча ривоятлар келган. Шулардан бири улуғ муфассир ва тарихчи Имом ибн Жарир Табарийнинг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларидир:

«Мушриклар форсликларнинг румликлардан устун бўлишини орзу қилар эдилар. Мусулмонлар эса, румликларнинг форслардан устун бўлишини орзу қилар эдилар. Чунки улар аҳли китоб эдилар. Уларнинг динлари ўзаро яқин эди.

«Алиф. Лам. Мийм. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар. Саноқли йилларда» оятлари нозил бўлганида, мушриклар:

«Эй Абу Бакр! Сенинг оғайнинг, Рум саноқли йилларда Форсдан устун бўлади, демоқда-я?!» дейишди.

«Тўғри айтади», деди Абу Бакр.

«Биз билан гаров ўйнайсанми?», дейишди.

Етти йил муддатга тўрттадан туяга гаров ўйнадилар. Етти йил ўтди. Ҳеч нарса бўлмади. Бундан мушриклар шодланишди. Мусулмонлар маҳзун бўлишди. Абу Бакр бўлиб ўтган гапни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизнингча, «бизъу» (саноқли йиллар) қанча?» деб сўрадилар.

«Ўндан оз», деб жавоб қилди Абу Бакр.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бор, гаровнинг устига яна зиёда қил ва муддатни икки йилга ошир», дедилар.

Икки йил ўтмай туриб отлиқлар келиб, Рум Форс устидан ғолиб келганининг хабарини бердилар. Мўминлар бундан шодланишди!»

У вақтларда гаров ҳаром бўлмаган эди. Ояти каримада Рум «бизъа»-саноқли йилларда ғолиб келиши айтилган эди. Демак, ўн йилдан оз муддатда, деганидир. Шунинг учун ҳам мушриклар етти йил ўтса ҳам бир гап бўлмаганидан хурсанд бўлдилар. Аммо Пайғамбаримиз алайҳиссалом ояти каримада айтилган нарса бўлишига тўла ишончда эдилар. Шунинг учун ҳам у зот ҳазрати Абу Бакрга гаров қийматини оширишни иршод қилдилар. Аллоҳнинг айтгани содир бўлди.

Бу ҳодисада Аллоҳ таолонинг каломига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига сиртдан воқеъликдан қанча узоқ бўлса Абу Бакр

Сиддиқ розияллоҳу анҳу яқиний равишда ишонишлари собит бўлди. Бунга ўхшаш қатъий ишончга молик бўлиш олий даражадаги фазийлатдир. Ҳа, Қуръони Каримда келган ҳар бир сўз, ҳар бир жумла ва ҳар бир хабарга комил ишонч билан ишонмоқ керак. Зотан Қуръони Каримдаги хабарга ишонмаслик куфрдир.

ИСРО ВА МЕЪРОЖ ТАСДИҒИ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам исро ва меърож қилганларида мушриклар бу гапларга умуман ишонмасдан масхара қилиб кулдилар.

Иймон келтирганлардан баъзилари муртад бўлиб, диндан қайтди.

Бир гуруҳ одамлар Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу олдиларига югуриб боришди. У киши хабарни эшитгандан сўнг:

«У зот шу гапларни айтдимми?» деб сўрадилар.

«Ҳа», дедилар.

«Агар у зот айтган бўлсалар, тўғри айтибдилар, мен бунга шоҳидлик бераман», деди.

«Шомга бир кечада бориб, яна Маккага тонг отмай туриб қайтиб келишига ишонасанми?!» дейишди.

«Мен у кишининг бундан ғариброқ нарсасини ҳам тасдиқлайман. Осмондан хабар айтишини ҳам тасдиқлайман», деди.

Шундан сўнг Абу Бакр «Сиддиқ»-ўта тасдиқловчи, деб атала бошладилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг жамиятдаги ўринлари юқори бўлганидан одамлар ихтилофли масалада у кишининг олдиларига югуриб борган эдилар. У киши бор гапни айтдилар, қўйдилар. Шу билан баъзи бир иккиланиб турганларни ҳам иймонда собит қолишларига сабаб бўлган бўлсалар ажаб эрмас.

ҲИЖРАТЛАРИ

Мушрикларнинг шиддатли тазйиқи остида қолган мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳижратга изн сўрай бошладилар. Чунки улар Ясрибда ўз диндошлари уларга ёрдам беришларини яхши билар эдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга:

«Менга ҳижрат диёрингиз кўрсатилди. У хурмозор экан. Икки ҳарра (қора тошли майдон) орасида экан», дедилар. Бас, ким хоҳласа Мадина томон ҳижрат қилди. Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан кўплари Мадинага қайтиб келдилар. Абу Бакр ҳам Мадина томон таёргарлик кўрди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен шошилма. Мен ўзимга ҳам изн берилишини умидидаман», дедилар.

Абу Бакр:

«Ота-онам сизга фидо бўлсин. Шундоқ умид қилурмисиз?!» деди.

«Ҳа», дедилар У зот.

Бас, Абу Бакр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлиш учун ўзини тутиб турди. Тўрт ойгача ўз ҳузуридаги икки уловни Самарнинг тўкилган барги ила парвариш қилди.

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар:

«Бир куни ҳаво роса қизиган пайтда Абу Бакрнинг уйида ўтирган эдик.

Биров Абу Бакрга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларини тўсган ҳолларида келмоқдалар», деб қолди.

Одатда бундоқ вақтда У зот бизни келмас эдилар. Абу Бакр:

«Ота-онам У зотга фидо бўлсин. Аллоҳга қасамки, У зотни бу соатда муҳим иш олиб келган бўлса керак», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб изн сўрадилар. У зотга изн берилди. У зот кирдилар ва Абу Бакрга:

«Олдиндагиларни ташқарига чиқар», дедилар.

«Отам сизга фидо бўлсин. Эй Аллоҳнинг Расули. Булар ўз аҳлингиз, холос», деди.

«Менга чиқиш учун изн берилди», дедилар. Абу Бакр:

«Ҳамроҳликми? Отам сизга фидо бўлсин. Эй аллоҳнинг Расули», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар. Абу Бакр:

«Эй Аллоҳнинг Расули, анави икки уловимдан бирини олинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўз баҳосига», дедилар.

Оиша айтади: «Икковларини чиройли қилиб жиҳозладик. Бир қўйни қовуриб мешга жойладик. Опам Асмаа белбоғидан йиртиб мешнинг оғзини боғлади. Шунинг учун у «Зотуннитоқ»-белбоғ эгаси деб номланган. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Савр тоғидаги бир ёрга етиб бордилар. Унинг ичида уч кеча беркиниб ётдилар. Икковларининг олдларида Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ҳам тунни бирга ўтказар эди. У ёш, сезгир ва ўткир зеҳнли эди. У икковларининг олдларидан тонг қоронғусида чиқиб, тонгни Қурайшнинг ҳузурида, Маккада худди ўша ерда тунагандек отдирар эди. У икковлари ҳақида қилинган ҳар бир гапни яхшилаб эшитиб олиб, зулумат тушиши билан олдларига келиб унинг хабарини етказар эди. Абу Бакрнинг мавлоси Омир ибн Фухайра бўлса, уларнинг устида қўй боқар эди. Хуфтон вақтидан бир оз ўтганидан кейин у қўйларни икковлари устида роҳалантирарди.

Икковлари тузуккина таом; офтобда иситилган идишдаги қўйларининг сутига, Омир тонг қоронғусида у(қўй)ларни қичқириб хайдагунча, эга бўлар эдилар. У бу ишни мазкур уч кечанинг ҳар бирида қилар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Бани Дайлдан бир моҳир кишини ижарага йўл бошловчи қилиб олдилар. У Осс ибн Воил ас-Саҳмийнинг аҳли ила аҳднома учун қўл ботирган эди. У Қурайш кофирлари динида эди. Икковлари унга ишонишди. Уловларини унга бериб, уч кечадан сўнг ғор оғзида учрашишга келишишди. У учинчи кечанинг тонгида уловларни олиб икковлари олдиларига келди. Икковлари билан Омир ибн Фуҳайра ҳам юриб кетди. Йўл бошловчи пастқам йўлларни танлади».

Йўл бошловчининг исми Абдуллоҳ ибн Урайқит эди. Ўша вақтда аҳдлашганда қўлини қонгами ёки бошқа бир рангли нарсагами ботириб туриб аҳдлашиллар эди. Юқорида «аҳднома учун қўл ботирган эди» дейилган жумлада ўша маъно кўзда тутилган.

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Савр тоғидаги ғорда мушриклардан беркиниб турганларини «Тавба» сурасида қуйидагича васф қилган:

«Агар сиз унга ёрдам бермасангиз, батаҳқиқ, Аллоҳ унга, куфр келтирганлар уни икки кишининг бири бўлган ҳолида чиқарганларида, нусрат берди. Улар икковлон ғорда турганларида, у шеригига, хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан, деди. Бас, Аллоҳ унинг устидан Ўз сокинлигини нозил қилди ва сиз кўрмаган лашкарлар билан қўллади. Куфр келтирганлар калимасини паст қилди. Аллоҳнинг калимаси эса, ўзи юқори. Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли зотдир», деган».

Эй мўминман деб юрганлар, агар сиз бу сафар Пайғамбарга ёрдам бермасангиз, ҳечқиси йўқ, сизга ёмон бўлади. Аллоҳ Ўз Пайғамбарига ёрдам бериши турган гап. Уни Маккада кофирлар ўлдирмоқчи бўлиб, гапни бир жойга қўйганларида ҳам Аллоҳ унга нусрат берган. Аллоҳ кофирларнинг ёмон ниятларини унга билдирган ва унга чиқиб кетишни амр қилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ билан бирга ҳижратга чиққанлар. Мушриклар кўп эдилар, Аллоҳ Пайғамбарига ёрдам берган. Ҳа:

«Агар сиз унга ёрдам бермасангиз, батаҳқиқ, Аллоҳ унга, куфр келтирганлар уни икки кишининг бири бўлган ҳолида чиқарганларида, нусрат берди».

Ўшанда Аллоҳ унга ёрдам бермаса, ҳеч ким ёрдам бера олмас эди. Мушриклар орқаларидан етиб келиб қолган эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шериклари Абу Бакр Сиддиқ У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга ёмонлик етишидан кўрқиб, агар мушриклардан бирортаси оёғи остига қараса, бизни кўриб қолади, деб титраб турардилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, хотиржам эдилар.

«...икковлон ғорда турганларида, у шеригига, хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан, деди».

Пайғамбаргагина хос бўлган хотиржамликдир бу. Чунки у Аллоҳнинг доимо ўзи билан бирга эканини сезиб туради.

«Бас, Аллоҳ унинг устидан Ўз сокинлигини нозил қилди ва сиз кўрмаган лашкарлар билан қўллади».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Қуръони Каримда ишоратан зикр қилинган жойларидан бири ушбу ояти каримадир. Бундай шарафга ҳеч ким муяссар бўлмаган. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ғорда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлишлари у кишига улкан шараф бўлганини қуйидаги ҳадиси шарифдан ҳам яққол аён бўлади.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга:

«Сен менинг ҳавздаги соҳибимсан ва ғордаги соҳибимсан», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳижрат пайтида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга соҳиб бўлишлик, душман қувиб келган оғир дамларда ғор ичида туриб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамкор бўлишлик Абу Бакр розияллоҳу анҳуга улкан фазийлат ва шараф келтирганини ушбу ҳадиси шарифдан билиб олсак ҳам бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига бу дунёда ўзларига ғорда соҳиблик қилганлари учун охиратда жаннатдаги соҳибликни ваъда қилмоқдалар.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ғордан чиқиб Мадинага қараб юришни бошлаганларида ҳам ажойиботлар содир бўлганини айтадилар.

Имом Бухорий Барро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Абу Бакр Озибдан эгар сотиб олди. Уни мен кўтариб бордим. Озиб ундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (ҳижрат) юришларидан сўради. У:

«Бизни пойлаш бошланди. Биз кечаси чиқдик. Биз кечамизни ҳам кундузимизни ҳам то қоқ пешин бўлгунча уйқусиз ўтказдик. Сўнгра бизга бир харсанг кўтарилди. Бас, биз унинг олдига келдик. Унинг сояси бор эди. Мен ўзим билан олиб олган чопонни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тўшаб бердим. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ёнбошладилар. Мен у зотнинг атрофларидаги нарсаларни тозалай

бошладим. Бирдан кўзим бир қўра қўйларини ҳайдаб биз томон келаётган чўпонга тушди. У харсангдан биз хоҳлаган нарсани хоҳлар эди.

Мен ундан: «Сен кимнинг ғуломисан?» деб сўрадим.

У: «Фалончиникиман», деди.

Мен: «Қўйингда сут борми?» дедим.

У: «Ҳа», деди.

Мен: «Сен соға оласанми?» дедим.

У: «Ҳа», деди ва қўйлари ичидан бир совлуқни тутди.

Мен: «Елинни ийдир», дедим.

У бир ҳовучча сут соғди. Менда устига латта боғланган сув идиш бор эди.

Ундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун сутнинг устига қуйдим. Сутни ост қисми совиди. Сўнгра уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келдим. У зотга, «ичинг, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг рози бўлишим учун ичдилар. Кейин юриб кетдик. Қуваётганлар ортимиздан келишар эди».

Ҳижрат давомида йўлда бўлиб ўтган баъзи ҳодисаларни Суроқа ибн Молик ибн Жўшам ал-Мудлажий айтади:

«Бизга Қурайш кофирларининг элчилари келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакрни ким ўлдирса ёки асирга олса, икковларининг диясича мукофот борлигини айтдилар. Мен ўз қавмим Бани Мудлаж билан бир мажлисда ўтирган эдим. Бирдан улардан бир киши илгарилаб келиб қолди. Бошимиз устига келиб тўхтади. Биз ўтирибмиз. Бас, у:

«Эй Суроқа, мен ҳозиргина соҳилда одамлар қораларни кўрдим. Менимча Муҳаммад ва унинг ҳамроҳлари бўлса керак», деди. Суроқа айтади:

«Мен дарҳол ўшалар улар эканлигини англадим. Лекин, улар бўлмаса керак, сен фалончи ва фалончиларни кўрган бўлсанг керак. Ҳозиргина кўз олдимизда ўтиб кетишувди, дедим. Сўнгра мажлисда бир муддат ўтирдим. Кейин ўрнимдан турдим уйга кирдим. Жориямга отни олиб чиқиб, ушлаб туришни амр қилдим. У тепалик ортида эди. Найзамни олиб уни пастлатиб, ерга судраб уйнинг орқа томонидан чиқдим. Отимнинг олдига келиб уни миниб учуриб кетдим. У оёқларини тенг ташлаб чошиб мени уларга яқинлаштирди. Шунда отим қоқилиб, мен қулаб тушдим. Ўрнимдан туриб ўқдонимдан фол очиш чўпларини олдим. Уларга зарар етказаманми йўқми, деб фол очдим. Менга ёқмаган нарса чиқди. Фол очиш чўпларига исён қилдимда, отимни миндим. У мени уларга яқинлаштирди. Ҳаттоки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қироатларини эшитдим. У зот атрофга қарамас эдилар. Абу Бакр тез-тез атрофга қарар эди. Бирдан отимнинг олдинги оёқлари тиззасигача ерга ботиб кетди. Мен унинг

устидан қулаб тушдим. Сўнгра отни қистадим. У ўрнидан турди. Олдинги оёғини чиқара олмай, чираниб зўрға чиқарди. У ўзини тиклаши билан олдинги оёқлари ўрнидан тутунга ўхшаш чанг отилиб чиқди. Фол чўплари ила фол очдим. Менга ёқмаган нарса чиқди. Мен уларга омонлик сўраб нидо қилдим. Улар тўхтадилар. Отимни миниб олдиларига бордим. Мен улардан тўсилганимни ўйлаб кўнглимдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишлари тезда зоҳир бўлиши ўтди. Бас, У зотга:

«Албатта, қавмингиз сиз учун дия миқдорида мукофот эълон қилдилар», дедим.

Кейин одамлар уларга қарши нима қилмоқчи эканлари ҳақида хабар бердим. Уларга зод ва матоъ бермоқчи бўлдим. Улар мендан ҳеч нарса олмадилар. Улар мендан ҳеч нарса сўрамадилар ҳам. Фақат, биз ҳақимиздаги гап махфий қолсин, дедилар. Мен У зотдан омонлик китоби ёзиб беришларини сўрадим. У зот Омир ибн Фухайрага амр қилдилар. У бир парча терига ёзди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юриб кетдилар».

Сууроқа ортда қолганидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр ва бошқа ўз ҳамроҳлари билан ҳижрат сафарини давом этдирдилар.

Ибн Шихоб айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир гуруҳ мусулмон отлиқлар билан келаётган Зубайрга йўлиқдилар. Улар Шомдан келаётган тожирлар эдилар. Бас, Зубайр Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Абу Бакрга оқ кийим кийгазди. Мадинадаги мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан чиққанларини эшитдилар. Улар ҳар куни эрталаб ҳаррага чиқиб У зотни интизор бўлиб кутар эдилар. Токи пешиннинг иссиғи уларни қайтаргунча турар эдилар. Бир куни интизорлари чўзилиб кетгандан сўнг ортга қайтдилар. Улар уйларига кирганларидан кейин яҳудийлардан бир киши қўрғонларидан бирининг устига ўз иши билан чиқди. Бас, унинг кўзи оппоқ бўлиб саробда кўриниб-йўқолиб келаётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва У зотнинг ҳамроҳларига тушди. Яҳудий ўзини тута олмай баланд овоз билан:

«Эй араблар жамоаси! Сизлар интизор бўлиб кутаётган бобонгиз ана!» деб қичқирди. Мусулмонлар силоҳларига отилдилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳарранинг юқорисида кутиб олдилар. У зот уларниг ўнг томонларида юриб келиб Бани Амр ибн Авфникига тушдилар. Ўшанда Рабиъул аввал ойи, душанба куни эди.

Абу Бакр одамларни кутиб олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жим ўтирар эдилар. Ансорлардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламни кўрмаганлари учун Абу Бакрга салом беришар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қуёш тушиб қолганида Абу Бакр У зотни ридоси билан соя қилиб тўсди. Ана шунда одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни танидилар.

Имом Бухорий қилган ривоятда Анас розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Набиюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага Абу Бакрни мингаштирган ҳолларида кириб келдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш кўринар ва танилган эмасдилар. Абу Бакр шайх ва танилган эди. Унга учраган киши:

«Эй Абу Бакр, олдиндаги одам ким?» деб сўрарди. Абу Бакр бўлса:

«Бу мени йўлга ҳидоят қиладиган», дер эди. Эшитган йўлни тушинар эди. У эса яхшилик йўлини қасд қилар эди...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳарранинг бир томонига тушдилар. Бас, У зот ансорийларга одам юбордилар. Улар келиб У зотга салом бердилар ва:

«Икковингиз омонликла ва итоат қилинган ҳолда маркабга миниглар», дедилар. Набиюллоҳ ва Абу Бакр миндилар. Улар силоҳлар билан иккиларини ўраб олдилар. Мадинада, Набиюллоҳ келдилар! Набиюллоҳ келдилар! дейилди. Улар интилиб назар солишар ва:

«Набиюллоҳ келдилар! Набиюллоҳ келдилар!» дейишарди. У зот юриб бориб, Абу Айюбнинг ҳовлиси ёнига тушдилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аҳлимизнинг уйларида қай бири энг яқин?» дедилар. Абу Айюб:

«Меники, эй Набиюллоҳ! Манави ҳовлим, манави эшигим», деди. У зот:

«Сен бориб биз учун кундузиги уйқуга жой ҳозирла», дедилар. У:

«Икковингиз Аллоҳнинг баракаси ила ўрнингиздан туринглар», деди».

Ушбулардан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларида нафақат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўзлари балки бутун оила аъзолари ва хизматкорлари ҳам фаол иштирок этганлари кўриниб турибди. Энг оғир ва нозик пайтларда энг садоқатли ва ишночли кишиларга суянилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз ҳижратлари вақтида, инсоният тарихидаги энг ҳаяжонли онларда, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ва у кишининг оиласига суянганлари уларнинг фазлини кўрсатади.

У КИШИНING СУХБАТЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳеч ажрамаган, ҳамма жойда бирга бўлишга ҳаракат қилган

саҳобаи киромлардандир. Агар ажраб бирор бир ҳодисада иштирок эта олмай қолган бўлсалар ҳам бўлсалар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг топшириқларини бажариб юрган бўлганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратдан кейин бошлаган ишларида ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу фаол қатнашганлар. Масжиди набавийни қуришда ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу жон куйдириб меҳнат қилдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжиди шарифлари қурлгандан кейин, у зотга ҳужралар ҳам қурилди. Мазкур ҳужраларининг эшиклари масжид томондан очилган эди. Эшикни очиб масжидга кирилар эди. Ҳужраларга кирмоқчи бўлган одам масжид орқали кирар эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олиб саҳобаи киромлар ҳам масжид атрофига ўзлари учун ҳужралар қурдилар. Мазкур ҳужраларнинг эшиклари ҳам масжид томондан очилган эди. Шундоқ қилиб кўпчилик масжид орқали ўз уйига кириб чиқадиган бўлиб қолди. Бора-бора бу нарса масжид ишига ҳалал берадиган бўлиб қолди. Ана ўшанда саҳобаи киромларга масжиддан бошқа тарафдан эшик очишни амр қилдилар:

«Масжидда ҳеч бир эшик қолмасдан ҳаммаси беркитилсин. Илло Абу Бакрнинг эшиги бундан мутасно», дедилар».

Бу қилинган истисно ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ҳурматлари ниҳоятда юқори эканлигига ёрқин далилдир.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўз қўшнилари билан биргаликда келишиб олиб, навбат ила Пайғамбаримиз ҳузурларида турганликлари, У кишининг ўзидан ривоят қилинган. Бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор гап чиқсаю биз беҳабар қолмайлик деган маъно бор эди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган суҳбатлари у кишининг Исломга келган лаҳзаларидан бошланиб У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам рафиқи аълога интиқол қилгунларича ана шундоқ тарзда давом этган. Ҳар доим Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида парвона бўладиган саҳобаи киромлардан бири Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эдилар.

Бу ҳолат айниқса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари иштирок этган ғазотларда яққол кўзга ташланган.

БАДР ҒАЗОТИ

Имом Баззор ўзларининг Муснад номли китобларида келтирган ривоятда қуйидагилар келтирилади:

«Али розияллоҳу анҳу:

«Менга одамларнинг энг шижоатлиси ким экани ҳақида хабар беринг», деди.

«Сенсан», дедилар.

«Мен ким билан мубораза қилсам, албатта, ундан интисоф қилганман. Лекин сизлар менга энг шижоатли одам ҳақида хабар беринглар», деди.

«Билолмадик, ким ўзи?» дедилар.

«Абу Бакр! Бадр кунида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қапа қилдик. Ва, ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлади? Тағин мушриклардан бирортаси у зотга ҳужум қилиб қолмасин, дедик. Аллоҳга қасамки, Абу Бакрдан бошқа ҳеч ким яқинлаша олмади. У қиличини ялонғочлаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларида-турди. Бирортаси ҳужум қилгудек бўлса, унга ташланар эди», деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан Бадр томон йўлга чиққанларида Рамазон эндигина кирган эди. Мусулмонларда бор-йўғи етмишта туя бўлиб, навбат билан миниб келишар эди.

Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар ва Абдууроҳман ибн Авф учовлон яна бир туяни навбат ила минишар эди.

Бадрга яқинлашганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қурайшликларнинг ҳам шу ёққа келаётганликлари ҳақида хабар етди. У зот асҳоби киромлар билан маслаҳат қилдилар.

Дастлаб Абу Бакр розияллоҳу анҳу туриб чиройли гаплар айтдилар.

Икки тараф бир-бирига яқинлашди, Расулуллоҳ саҳобаларига буйруқ бўлмагунча жилмасликни амр қилдилар.

«Агар улар яқинлашиб келсалар, камондан ўққа тутинглар», деб тайинладилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафларни яна бир бор тўғрилаб, қапага қайтдилар. У киши билан бирга фақат Абу Бакр розияллоҳу анҳу кирдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан нусрат юборишини, ваъдасининг устидан чиқишини сўраб дуо қилдилар:

«Эй бор Худоё! Агар бугун ушбу жамоа ҳалок бўлса, ер юзида Сенга ибодат қиладиган одам қолмайди», деб Роббиларидан мадад сўрар эдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қапа ичида турганларида бир мудроқ босгандай бўлди. Сўнг кўзларини очиб:

«Суюнавер, Абу Бакр! Аллоҳнинг нусрати етди. Ана, Жаброил отининг жиловидан тутиб келмоқда», дея марҳамат қилдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Ҳазрати Умар розияллоҳу

анхудан қуйидаги ривоятни келтирганлар:

«Тўқнашув бўлган куни Аллоҳ мушрикларни мағлуб этди. Улардан етмиш киши ўлдирилди ва етмиштаси асир олинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр, Умар ва Али розияллоҳу анҳуларга асирлар тўғрисида маслаҳат қилдилар.

Абу Бакр:

«Эй Аллоҳнинг Расули, улар амакивачча, қабиладош ва ёки биродар одамлар, менимча, улардан тўлов олсангиз, яхши бўларди. Улардан олинган маблағ биз учун кофирларга қарши қувват бўлади. Ажаб эмаски, Аллоҳ уларни ҳам ҳидоятга солиб, бизга елкадош бўлсалар», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен нима маслаҳат берасан, эй Ибн Хаттоб?» дедилар.

«Аллоҳга қасамки, мен бу Абу Бакрнинг гапларига қўшилмайман. Фикрим шуки, менга агар изн берсангиз, фалончининг (Умарнинг қариндошларидан бири) бўйнини узсам, Алига изн берсангиз, акасини бўйнини узса, токи Аллоҳга қалбимизда мушрикларга нисбатан юмшоқлик йўқлигини кўрсатайлик. Булар мушрикларнинг бошлиқлари ва йўлбошчиларидир», дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрни айтганларига мойил бўлдилар, менинг гапларимни ёқтирмадилар. Улардан тўлов олдилар. Эртасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакрнинг олдиларига борсам, икковлари йиғлаб ўтирибдилар.

«Сизни ва соҳибингизни нима йиғлатди? Агар йиғлайдиган нарса бўлса, мен ҳам йиғлай. Йиғланмайдиган нарса деб билсам, сизлар учун мен ҳам ўзимни йиғлаганга солай», дедим.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Соҳибларинг тўлов олиши сабабидан менга сизнинг азобланишингиз анави дарахтдан ҳам яқинроқ қилиб кўрсатилди ва Аллоҳ таоло:

«Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши яхши эмас эди...» дан то «Бас, ўлжага олган нарсаларингиздан ҳалоли-пок бўлгани ҳолда енглар» гача нозил қилди, дедилар».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Бадр уруши куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига назар солдилар. Улар уч юздан зиёдроқ эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қиблага қарадилар, эгниларида ридо ва иштон бор эди.

Сўнгра:

«Эй бор Худоё, менга берган ваъдангни юзага чиқар. Эй бор Худоё, бугун мана шу Ислом жамоаси ҳалок бўлса, Сенга ер юзида бошқа ибодат

қилинмайди», дедилар.

У зот Роббиларидан мадад сўраб дуо қилар эдилар. Ҳатто елкаларидан ридолари тушиб кетди. Абу Бакр келиб ридони олиб, эгниларига ташлаб қўйди-да, орқаларида турди. Сўнгра:

«Эй Аллоҳнинг Пайғамбари Роббингизга ёлборганингиз етар. У сизга берган ваъдасини, албатта, амалга оширади», деди.

Шунда Аллоҳ таоло қўйидаги оятни нозил қилди:

«Ўшанда Роббингиздан мадад сўраганингизда, сизни (сў-ровингизни) ижобат қилиб: «Албатта, Мен сизларга кетма-кет келадиган мингта фаришта ила мадад берувчиман», деди».

УҲУД УРИШИДА

Уҳуд ғазоти мусулмонлар учун ғоятда оғир кечгани ҳаммага маълум. Ўша оғирликларнинг энг оғири жанг давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳалок бўлди деган хабар тарқагани эди. Ана шундоқ оғир бир пайтда, мусулмонлар ўзларига етган оғир зарба тасирида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўз ўнгларида йўқотиб қўйиб ёлғон хабар тарқаган бир пайтда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу биринчилардан бўлиб ўзларига келдилар.

Бу ҳақда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг ўзлари шундай ҳикоя қиладилар:

«Уҳуд уруши куни Расулуллоҳ одамлардан ажраб ёлғиз қолганларида, мен биринчилардан бўлиб, у киши томон юрдим. Қарасам, бир одам у кишининг олдиларида ҳимоя қилиб уруш қилмоқда:

«Толҳа бўлса эди. Отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин! Толҳа бўлса эди. Отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин!» деб бориб турсам, орқамдан Абу Убайда худди қушдек учиб келиб қолди. Биргалашиб етиб борсак, Расулуллоҳнинг олдиларида Толҳа йиқилиб ётган экан.

Расули акрам алайҳиссалату вассалом:

«Биродарингизга қаранг, у ҳақлидир», дедилар.

Шу пайт Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёноқларига бир нарса келиб тегиб, дубулғанинг ҳалқасини киритиб юборди. Уни Пайғамбар алайҳиссаломдан чиқариб олиш учун борган эдим, Абу Убайда:

«Аллоҳ хайрингни берсин, Абу Бакр, менга қўйиб бер», деди ва оғзи билан у кирган нарсени чиқара бошлади. Пайғамбар алайҳиссаломга озор бермаслик учун тиши билан чиқаришга ҳаракат қилди ва чиқариб олди. Абу Убайданинг олд тиши тушди. Сўнгра мен кейингисини олишга уринган эдим, Абу Убайда яна:

«Абу Бакр, Аллоҳ хайрингни берсин, менга қўйиб бер», деди. Яна тиши билан чиқариб олди. Абу Убайданинг яна бир тиши тушди. Кейин

Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Биродарингизга қаранглар, у ҳақлидир», дедилар.

Биз Толҳанинг жароҳатларига қарай бошладик. Унга ўндан ортиқ ўк, қилич, найза теккан экан».

Мана бу ҳолат ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ҳар қандай оғир ҳолатларда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажрамаслик учун ҳаракат қилганларини кўрсатади.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг мусулмонлар ичида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин туришларини мушриклар ҳам яхши билишар эди. Шунинг учун ҳам Уҳуд жанги тўхтаганидан кейин ўзини ғолиб сезган мушриклар бошлиғи Абу Суфён тоғ устига чиқиб мусулмонларга хитоб қилиб қуйидагича қичқирган эди:

«Ичингизда Муҳаммад борми?!» деб бақирди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Унга жавоб берманглар», дедилар. Абу Суфён:

«Ичингизда Ибн Аби Қуҳофа (Абу Бакр) борми?!» деб бақирди».

Кўрдингизми, Абу Суфён Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин Абу Бакр розияллоҳу анҳуни сўрамоқда. Бу уларнинг ҳузурда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу мусулмонларнинг иккинчи одами эканлигини кўрсатади.

ИФК ҲОДИСАСИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ҳаётларини ўрганар эканмиз у кишининг ақл заковати, илми, тадбиркорлиги, уддабуронлиги ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларини йўқотиб қўймасликларига қоил қоламиз. Айниқса у кишининг бундоқ фазийлатари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга боғлиқ ишларда яна ҳам очиқ-ойдин зоҳир бўлади.

Аммо бир ҳодисада Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўзлари нима қилишни билмай қолганларини ўз тиллари билан иқрор бўлиб айтадилар. Ўша ҳодисада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шарафлари масаласи ўртага қўйилган эди. Ўша ҳодисада Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг оиласи бир тараф эди. Шунинг учун ҳам у киши нима қилишни билмай лол қолган эдилар.

Бу ҳодиса «ифк» ҳодисаси эди. Бу ҳодиса Бани Мусталақ ғазотидан қайтишда бўлган эди. Мунофиқлар бўҳтон йўли ила Оиша онамизни Сафвон ибн Муъттал розияллоҳу анҳу билан зинода айблаб гап-сўз тарқатган эдилар. Ана ўшанда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг бошларига оғир мусибат тушган эди. У киши ўз қизлари туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тўхмат бўлганидан ғоятда оғир

ҳолатда қолган эдилар.

Келинг ҳодисанинг худди шу мавзуга тегишли парчасини Оиша онамизнинг ўзларидан эшитайлик:

«...Ўша кунни ҳам йиғлаб ўтказдим. Кўзимдан ёш тинмади, уйқум яна келмади. Сўнгра кечаси билан ҳам йиғлаб чиқдим. Кўзимдан ёш қуйилаверди, уйқум ҳам келмади. Ота-онам олдимда эдилар. Икки кечаю бир кундуз йиғладим. Йиғлайвериб, жигарим ёрилиб кетса керак, деб ўйлаган эдим.

Ота-онам олдида йиғлаб турган чоғимда ансорлардан бир аёл киришга изн сўради. Унга изн бердим. У ҳам ўтириб, менга қўшилиб йиғлай бошлади.

Биз шу ҳолатда турганимиз устига Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кириб келдилар. Ўтирдилар. Менинг ҳақимда гап-сўзлар айтилгандан бери ёнимга ўтирмаган эдилар. У кишига бир ой менинг ишим ҳақида ваҳий келмай туриб қолди. Ўтирганларидан кейин ташаҳхуд айтдилар ва ундан сўнг:

«Менга сенинг ҳақингда шу-шулар етди. Агар сен беайб бўлсанг, Аллоҳ таоло, албатта, сени оқлайди. Агар гуноҳга яқинлашган бўлсанг, Аллоҳга истиғфор айт, Унга тавба қил. Чунки банда гуноҳини эътироф этиб, тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул этади», дедилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам гапларини тамом қилишлари билан кўз ёшим таппа-тақ тўхтади. Отамга:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга айтган гаплари учун жавоб беринг», дедим. У киши:

«Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга нима дейишимни ҳам билмайман», дедилар. Кейин онамга:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг гапларига жавоб беринг», дедим. Онам:

«Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга нима дейишимни ҳам билмайман», дедилар.

Мен ҳали ёш эдим, Қуръондан ҳам кўп ўқимасдим, ўзим гап бошладим:

«Аллоҳга қасамки, билишимча, менинг ҳақимда одамларнинг гапларини эшитдинглар. У гаплар кўксингизда жойлашиб қолди. Унга ишондингизлар ҳам. Агар мен сизларга, мен беайбман, десам, бунга ишонмайсизлар. Агар мен бир ишни эътироф қилсам, Аллоҳ билиб турибдики, мен беайбман, сиз буни тасдиқ этасиз. Аллоҳга қасамки, мен билан сиз ҳозир худди Юсуфнинг отасига ўхшаймиз, у айтган гапларни эсланг:

«(Менинг ишим) гўзал сабр қилишдир. Сизлар васф қилаётган нарсада эса, Аллоҳнинг Ўзи ёрдам сўралгувчидир», дедим.

Сўнгра бориб жойимга ётиб олдим. Ҳолбуки, ўша пайтда Аллоҳга қасамки,

Ўзимнинг беайб эканимни, албатта, Аллоҳ мени оқлашини, билар эдим. Лекин Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло менинг ҳақимда тиловат этиладиган ваҳий туширишини гумон ҳам қилмаган эдим. Ўзимча, менинг ишим Аллоҳ таоло тиловат қиладиган нарсага арзимайдиган иш деб ўйлардим. Лекин, ўзимча, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир туш кўрсалару ўшанда Аллоҳ мени оқласа, дердим. Аллоҳга қасамки, у зот жойларидан қимирламай, аҳли байтдан бирортаси ташқарига чиқмай туриб, Аллоҳ Пайғамбарига ваҳий нозил қилди. У зот ваҳий келганда тушадиган ҳолатга тушдилар. Сўнгра кулиб, оддий ҳолатларига қайтдилар. У зотнинг биринчи айтган гаплари менга:

«Эй Ойиша! Аллоҳга ҳамд айт! У сени оқлади!» дейишлик бўлди. Шунда онам менга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўрнингдан тур!» дедилар. Мен: «Аллоҳга қасамки, мен у кишига ўрнимдан турмайман. Аллоҳдан ўзгага ҳамд ҳам айтмайман. Менинг оқловимни нозил қилган зот Удир», дедим».

Тарихда «Ифк ҳодисаси» номи ила машҳур бўлган бу ҳодисадан дунё ларзага тушган. Ифк-гапни бошқа томонга буриш, ифво, бўҳтон, тухмат уйдириш ана шундай ёмон нарса. Мунофиқларнинг тўқиган ифки туфайли нималар бўлмайди дейсиз!

Ифк ҳар қандай шахсни ҳам, ҳар қандай жамиятни ҳам катта ташвишга солади. Ифк катта-кичикни ажратиб ўтирмайди, кимга нисбатан уюштирилса, ўшани ташвишга солади. Хаёлини паришон қилади.

Дунёдаги энг пок аёллардан бири, энг вафоли ёстиқдошлардан биттаси, мўминларнинг онаси, Сарвари Оламнинг суюкли жуфти ҳалоллари, Сиддиқнинг қизи сиддиқа Ойиша онамиз ифкка учраб, гап-сўз бўлдилар, ўзларининг покликларини очиқ-равшан билиб турганларига қарамай, бу бўҳтондан юрак-бағрилари тилка-пора бўлди. Икки кечаю бир кундуз тинмай йиғладилар, агар Расули акрам келиб, гап бошламасалар, Аллоҳ билади, яна қанча йиғлар эдилар.

Бу ифк Абу Бакр Сиддиқдек саҳобийни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўстларини ҳам паришон қилди. Жигаргўшалари Ойиша онамиз йиғлаб келганларида нима қилишни билмай қолдилар. Ҳолбуки, у киши ҳаммага маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб юрган одам эдилар. Ойиша онамиз у кишига мурожаат қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларига жавоб беришни сўраганларида, нима дейишимни билмайман, дедилар.

Ҳа, ифк-ифво, бўҳтон, тухмат ана шундай ёмон нарса, ҳар қандай одамни нима дейишини билмайдиган ҳолга солиб қўяди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳеч бўлмаса Ойиша онамиз розияллоҳу

анҳонинг оқловлари Қуръони Карим орқали собит бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга табрик учун ҳам бўлса бирор оғиз сўз айтишлари мумкин эди. Лекин шуни қила олмадилар. Чунки ўша гапнинг чиқишининг ўзи, қисқа муддатга бўлса ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташвишга солишининг ўзи у кишининг тилини боғлаб қўйган эди. У зотнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари анашу даражада эди.

Ифк ҳодисаси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг яна бир фазийлатининг юзага чиқишига сабаб бўлган. Бу фазийлат Аллоҳ таолонинг розилиги учун ҳар нарсага тайёр туришдир. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларининг бундоқ тайёргарликларини Мистоҳ ибн Асоса розияллоҳу анҳуга бўлган муносабатларида кўрсатдилар. Авваллари у киши қариндош бўлгани ва фақирлиги учун Мистоҳ ибн Асосага нафақа бериб турардилар. Ифк ҳодисаси бўлганда оз сонли кишилар қатори Оиша онамиз ҳақида ножўя гаплар айтганлар орасида бўлдилар.

Келинг яна Оиша розияллоҳу анҳога қулоқ осайлик. У киши бу ҳақда қуйидагиларни айтадилар:

«Аллоҳ таоло мени оқлаш учун ушбу оятларни нозил қилганида Абу Бакр: «Аллоҳга қасамки, Оиша ҳақида қилган гапи учун Мистоҳга абадий ҳеч нарса бермайман», деди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) бермасликка қасам ичмасинлар, бас, авф этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳмли зотдир».

Абу Бакр розияллоҳу анҳу дарҳол:

«Ҳа! Аллоҳга қасамки, албатта, Аллоҳ мени мағфират қилишини хуш кўраман», дедилар ва Мистоҳга бериб юрган нафақаларини қайтадан жорий қилдилар. Сўнгра: «Аллоҳга қасамки, бу нафақани ундан ҳеч узмайман», дедилар».

Бошқа ривоятларда таъкидланишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу олдин Мистоҳ ибн Асоса розияллоҳу анҳуга хайри эҳсонни бировлардан бериб юборар эканлар, бу ҳодисадан кейин ўзлари шаҳсан олиб борадиган бўлган эканлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ана шундоқ бир зот эдилар. Кўпчилик бу ишларини қилишга ўзларида журъат топа олмайдилар. Айниқса қизларини гап-сўз қилганларга қарши оталарда алоҳида нафрат пайдо бўлади. У нафрат умр охиригача ҳам кетмай туради. Ўз қизини ноўрин гап-сўз қилган одамга унинг айби собит бўлгандан кейин аввалгидан ҳам зиёдароқ

яхшилиқ қилиш учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхудек одам бўлиш керак.

ҲУДАЙБИЯ СУЛҲИ ҲАҚИДА

Ислом тарихидаги энг ҳал қилувчи ҳодисалардан бири «Ҳудайбия сулҳи»да ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху фаол иштирок этдилар. У киши бу ишда ҳам Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга бўлган улкан муҳаббатлари ва чексиз ишончларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Умра қилиш ниятида Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бошчиликларида Маккага яқинлашиб Ҳудайбия номли жойга тушган мусулмонларни умра қилдирмаслик учун турли чораларни -кўраётган мушриклар у зотнинг ҳузурларига кетма-кет ўз элчиларини юбора бошлади.

Навбатдаги элси келиб кетгандан сўнгра улар Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассалом ҳузурларига Урва ибн Маъсуд Сақафийни юборишди. У жўнашдан олдин:

«Эй Қурайш одамлари, мен кўриб турибманки, кимни Муҳаммаднинг олдига юборсангиз, қайтиб келгандан кейин унга ёмон сўзларни айтиб, қўпол муомала қиляпсизлар. Мени яхши биласизлар; Сизлар ота бўлсангизлар, мен болангизман. Ташвишингизни эшитиб, ўзимга эргашганларни тўплаб келдим», деди. Улар:

«Тўғри айтасан, сенга тухмат қиладиган еримиз йўқ», дейишди. Кейин уердан чиқиб Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига келди ва:

«Эй Муҳаммад! Турли-туман одамларни тўплаб, ўзингнинг тухумингни синдиргани олиб келдингми?! Қурайш ҳам ёшу қарисига йўлбарс терисини кийдириб олиб чиқибди. Аллоҳга қасамки, анавилар эртага сени ташлаб қочиб қолишадими, деб турибман», деди.

Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбар алайҳиссаломнинг орқаларида ўтирган эдилар. Урвани бўралаб сўқди ва:

«Биз уни ташлаб қочар эканмизми?!» деди.

«Бу ким, эй Муҳаммад?» деди Урва.

«Абу Қуҳофанинг ўғли», дедилар Расулуллоҳ.

Сўнгра унга ҳам аввалгиларга айтганларини айтиб, уруш учун келмаганликларини билдирдилар. Урва Расулуллоҳнинг ҳузурларида У зотга саҳобалар қандай муносабатда бўлаётганларини кўрди. Таҳорат қилсалар, сувни ерга туширмасдан илиб қолишарди. Сочларидан бирор тола тушса ҳам, талашиб кетишар эди. Бас, у Қурайш ҳузурига қайтиб бориб:

«Эй Қурайш одамлари, Кисрони ўз мулкида кўрдим, Қайсарни ҳам ўз

мулкида кўрдим, Нажошийни ҳам ўз мулкида кўрдим. Лекин, қасамки, ҳеч бир подшоҳни ўз қавмида Му-ҳаммадни саҳобаларининг ичида кўрганимдек кўрмаганман. Менимча, улар уни ҳеч нарсага алмашмайдилар. Билганингизни қилинг», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган улкан муҳаббатларигина Қурайш элчиси Урва ибн Маъсуд Сақафийни бўралаб сўкишга олиб келди. Бўлмаса у киши сўкинадиган одам эмас эдилар. Худди шу ишнинг айнан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан содир бўлиши ҳам у кишининг бошқа саҳобаи киромлардан кўра муҳаббатлари зўрлигини кўрсатади.

Иш охирига етиб, фақат сулҳни ёзишнигина қолганда, Умар ибн Хаттоб ўринларидан сакраб турдилар ва Абу Бакрнинг олдига келиб:

«У киши Расулуллоҳ эмасмилар?!» деди.

«Албатта Расулуллоҳлар!» деди Абу Бакр.

«Биз мусулмонмасмизми?!» деди.

«Албатта», деди Абу Бакр.

«Улар мушрик эмасмилар?!» деди.

«Албатта», деди Абу Бакр.

«Унда нима учун динимизни пасткашликка алмаштирамиз?!» деди.

«Эй Умар, у киши, албатта, Аллоҳнинг Расулидирлар», деди Абу Бакр.

«Мен ҳам шаҳодат келтираман, у киши, албатта, Аллоҳнинг Расулидирлар», деди.

Ҳа, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шу даражада ишонар эдилар. У кишининг қиладиган ишларининг барчасини заррача мулоҳаза қилмай тасдиқ қилар эдилар. Бу эса Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазлларига фазл қўшар эди.

Ибн Асокир ал-Воқидийдан қуйидагиларни нақл қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтиб юрарди: «Исломда Ҳудайбия фатҳидан кўра улуғроқ фатҳ бўлмаган. Лекин ўша куни Муҳаммад билан унинг Роббиси орасида бўлган нарсадан одамларнинг фикри қисқалик қилди. Бандалар шошиладилар. Аллоҳ бўлса ишларни Ўзи ирода қилганидек бўлишига етказмагунича бандалар шошилганидек шо-шилмайди. Видолашув ҳажида Суҳайл ибн Амрга назар солдим. У сўйиш жойида тик туриб олиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туяларни яқинлаштириб турарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлсалар уларни ўз қўллари билан сўяр эдилар. У зот сартарошни чақирдилар. У сочларини олди. Суҳайлга назар солдим. Суҳайл У зотнинг соч толаларини териб олиб икки кўзига суртар эди. Унинг бу ҳолини кўриб туриб, худди шу одам Ҳудайбия куни Бисмиллаҳир роҳманир

роҳимни ёзишдан, Муҳаммадун Расулуллоҳини ёзишдан бош торган эди, деб ўйладим ва уни Исломга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамд айтдим».

Ҳа, бунга ўхшаш пайтларда Аллоҳ таолонинг ҳикматини англаш учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга ўхшаш иймонга соҳиб бўлиш керак. У зотга ўхшаб Аллоҳ таоло нима деса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нима десалар чуну чаросиз таслим бўладиган банда бўлиш керак. Аллоҳ таолонинг Ўз Қуръони Каримда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида келган ҳар бир гапни ва маънони дарҳол тасдиқлайдиган банда бўлиш керак.

Худайбия сулҳи саҳобаи киромларга мағлубиятга ўхшаб кўринган эди. Баъзилари Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга ўхшаб ўз норозилиklarини ошкоро изҳор қилган ҳам эдилар. Фақат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳугина заррача шубҳасиз таслим бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гаплардан бошқа нарсани хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

МАККА ФАТҲИ КУНИ

Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккаи Мукаррамани фатҳ қилганда ҳам Абу Бакр розияллоҳу анҳу у зот билан бирга эдилар. Ҳа, ўшанда ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларининг маҳбуб пайғамбарлари атрофларида парвона эдилар.

Ўша улуғ кун ҳақида келган ривоятларда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қилган ишларидан бири ҳам ўз ўрнини топган.

Имом Тобараний ва имом Баззорлар Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Макка фатҳи куни Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўз отаси Абу Қуҳофа розияллоҳу анҳуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига етаклаб келди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қарияни ўз уйида тарк қилсанг бўлар эди. Биз унинг ҳузурига борар эдик», дедилар.

«Аллоҳ унга ажр беришини ирода қилдим. Мен ўз отамнинг Исломга келишидан кўра Абу Толибни Исломга келишидан кўпроқ хурсанд бўлар эдим. Бу ила кўзингиз қувонсин, эй Аллоҳнинг Расули,», деди Абу Бакр.

«Рост айтасан», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам».

Бошқа ривоятларда таъкидланишича Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўз отларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилаётганларини кўриб туриб йиғлаганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам, нимага йиғламоқдасан, деб сўраганлар. Бу савол жавобига Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху, агар унинг қўли ўрнида амакингиизнинг қўли бўлиб, у Исломга келиб сиз хурсанд бўлганингизда мен учун яхшироқ бўлар эди, деганлар.

Ҳа Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган муҳаббатлари, у зотнинг хурсандчиликларига бўлган ҳирслари ана шундоқ эди.

ҲУНАЙН ҒАЗОТИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Ҳунайн ғазотида ҳам ҳамма урушдан қочиб қолганда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида сабот ила турган оз сонли саҳобаи киромларнинг бири бўлдилар. Бу урушда кўпчилик орқасига қарамай қочиб қолди.

Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам собит турдилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам хачирларини душ-маннинг рўбарасига қараб солар эдилар. Хачирнинг юганини ўнг томондан Аббос, чап томондан Абу Суфён ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмуттолиб тутиб тортишар, унинг юришини секинлатишар эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эса, одамларни қайтаришга уриниб:

«Мен томонга, эй Аллоҳнинг бандалари, мен томонга! Мен Аллоҳнинг Расулиман! Менинг Пайғамбарлигим ёлғон эмас! Мен Абдулмуттолибнинг фарзандиман!» деб қичқирар эдилар.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам билан саҳобалардан юз кишича собит турдилар. Уларнинг ичида Абу Бакр, Умар, Али, Аббос, Фазл ибн Аббос, Абу Суфён ибн ал-Ҳорис, Айман ибн Умму Айман, Усама ибн Зайд ва бошқалар розияллоху анхум бор эдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам амакилари Аббосга баланд овоз билан:

«Эй дарахт соҳиблари», деб чақиришни буюрдилар. (Ҳудайбияда муҳожир ва ансорийлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга дарахт остида байъат қилган эдилар. Ана ўша кишиларни чақиришни амр этдилар). Аббос баланд овоз билан чақиришга тушди. Улар эса:

«Лаббайка, лаббайка», деб жавоб бериб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам томон қайта бошладилар. Баъзи кишиларнинг минган улови қайтмаса, совутини кийиб, уловидан тушиб, пиёда келди. Улардан бир гуруҳи Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларида тўплангандан сўнг, уларга сидқидилдан кучли бир ҳамла қилишга буйруқ бердилар. Шунда мушриклар енгилиб, пала-партиш қочишга тушди. Асирларни тўплаб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қошларига олиб келишгандагина, бошқа мусулмонлар ҳам қайтиб келишди.

ТАБУК ҒАЗОТИ

Мусулмонлар учун турли қийинчиликлар синови бўлган бу ғазотда ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида туриб ўзларининг ўта сезгирликлари ила кўпчиликка фойда кетирадиган ишга сабаб бўлдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга қийинчилик ҳақида савол берилди.

Шунда у киши:

«Табукка Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қаттиқ иссиқ пайтида чиқдик. Бир жойга тушганимизда жуда чанқадик. Ҳатто бўйинларимиз узилиб кетса керак, деб гумон қилдик. Одамлар сув излаб юриб-юриб ўлар ҳолатда қайтиб келишар эди. Баъзи одамлар туясини сўйиб, қорнини ёриб ичидаги ахлатни сиқиб ичишгача борди. Ортиб қолганини жигарига босар эдилар».

Шу вақт Абу Бакр:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ сизни яхши дуога одатлантирган. Бизга бир дуо қилинг», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шуни хоҳлайсанми?» дедилар.

«Ҳа», деди Абу Бакр.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб дуо қилдилар. У киши қўлларини туширмасдан туриб ёмғир қуя бошлади. Сўнгра тўхтамади. Одамлар идишларини тўлғазиб олдилар. Кейин бориб қарасак, аскар турган жойдан бошқа ерга ёмғир ёғмаган экан».

Ана шундоқ оғир бир пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу каби таклифни қилишни Аллоҳ таоло Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг кўнгилларига солгани ҳам бежиз эмас.

ЯХШИЛИКЛАРДА БИРИНЧИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни динимизда тарғиб қилинган барча яхши ишларни ҳаммадан биринчи ва ҳаммадан аъло даражада қилишга интилар эдилар. Кўпчилик саҳобаи киром у кишининг бу одатларига ҳавас қилишар эди. Баъзилари эса Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан олдинроқ бир хил амали солиҳларни қилишга ҳаракат ҳам қилар эдилар. Аммо суриштирилган вақтда барибир Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу биринчи бўлиб чиқаверар эдилар.

Фикримизнинг далили учун бир ҳадиси шарифни келтирамиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бугун ким рўзадор ҳолда тонг отдирди?» дедилар.

«Мен», деди Абу Бакр.

«Сизлардан бугун ким жанозага борди?» дедилар.

«Мен», деди Абу Бакр.

«Сизлардан бугун ким мискинга таом берди?» дедилар.

«Мен», деди Абу Бакр.

«Сизлардан бугун ким беморни кўргани борди?» дедилар.

«Мен», деди Абу Бакр.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

Булар кимда жам бўлса, у, албатта, жаннатга кирур», дедилар».

Муслим ривоят қилган

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг амали солиҳ қилишга қанчалар ўчликлари кўриниб турибди. Шу билан бирга у киши яна бир бор ўзлари учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан жаннат ваъдасини олмоқдалар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўзгаларга яхшилик қилиш ҳақидаги қайғуришлари қуйидаги ривоят ҳам у кишининг фазлларини яққол очиб беради.

Имом Муслим Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўғиллари Абдурраҳмондан ривоят қиладилар:

«Бизникига меҳмонлар келди. Отам кечаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан гаплашмоқчи эди. У киши кетаётиб:

«Эй Абдурраҳмон! Меҳмонларингга яхшилаб қара!» деди.

Кеч бўлганда уларнинг зиёфатларини олиб келдик. Улар бош тортдилар ва:

«Хонадоннинг отаси келмагунча ва биз ила таомланмагунча емаймиз», дедилар. Мен уларга:

«У киши темир одам. Агар буни қилмасангиз ундан менга озор етишидан қўрқаман», дедим.

Улар бош тортдилар. У киши келиши билан улардан бошқа нарса билан иши бўлмай:

«Меҳмонларингизга яхшилаб қарадингизми?» деди.

«Йўқ. Аллоҳга қасамки, қарай олмадик», дедилар.

«Абдурраҳмонга амр қилмаганмидим?!» деди. Мен ўзимни олиб қочдим. У киши:

«Эй Абдурраҳмон!» деди. Мен яна ўзимни олиб қочдим.

«Эй Жоҳил! Алоҳга қасамки, агар гапимни эшитаётган бўлсанг чиқ!» деди

у киши. Мен чиқдим ва:

«Аллоҳга қасамки, менинг гуноҳим йўқ. Анави меҳмонларингиздан сўранг. Мен уларнинг зиёфатларини олиб келдим. Аммо улар сиз кегунча уни емоқдан бош тортдилар», дедим. У киши уларга:

«Сизга нима бўлди? Биздан зиёфатингизни қабул қилмапсизлар? Аллоҳга қасамки, бу кеча мен таом емайман» деди. Улар ҳам:

«Аллоҳга қасамки, сен емагунингча биз ҳам емаймиз!» дедилар. У киши:

«Бу кечага ўхшаш ёмон кечани кўрганим йўқ. Шўрингиз қурисин! Сизга нима бўлди? Биздан зиёфатингизни қабул қилмапсизлар? Аввалги гап (емаслик ҳақидаги қасам) шайтондан. Зиёфатингизни олиб келинг», деди.

Таом келтирилди. У киши бисмиллоҳни айтиб еди. Бошқалар ҳам едилар. Эрталаб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, улар қасамларига содиқ қолишди. Мен қасамимга содиқ қолмадим», деди ва хабарни айтди. У зот:

«Балки сен уларнинг қасамида энг содиғисан ва энг яхшисисан», дедилар. Менга каффорот ҳақида гап етмади».

АБУ БАКРНИНГ ПАРҲЕЗКОРЛИГИ

Имом Аҳмад «Зухд»да Муҳаммад ибн Сийрийндан ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан бошқа одамни еган таомини ўзини мажбурлаб қусиб юборганини билмайман. Унга бир таом келтирилган эди, ундан еди. Кейин унга:

«Буни Нўмон розияллоҳу анҳу олиб келган эди», дейилди.

«Менга Ибн Нўмоннинг коҳинликдан топганини егиздингизми!?» деди-да, ўзини мажбурлаб қусиб юборди».

Абу Нуъайм «Ҳуля»да Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг бир қули бўлиб, у ишлаб бир нарсалар топиб келар эди. Бир кеча у таом олиб келди. У киши ундан бир луқма тановул қилди. Қул унга:

«Сенга нима бўлди? Ҳар кеча мендан сўрар эдинг. Бу кеча сўрамадинг?» деди.

«Бунга мени очлик мажбур қилди. Буни қаердан топдинг?» деди у.

«Жоҳилият пайтида бир қавм олдидан ўтиб, уларга дам солган эдим. Ўшанда улар менга бирор нарса беришни ваъда қилишган эди. Бугун уларнинг олдиларидан ўтиб кетаётсам, тўй бўлаётган экан ўша ваъда қилган нарсаларини беришди», деди қул. Абу Бакр:

«Мени ҳалок қилай депсан-ку!» деди ва қўлини ҳалқумига тикиб қусишга урина бошлади. У нарса чиқмай туриб олди. Унга:

«Бу нарса фақат сув билан чиқади», дейилди. У бир жомда сув чақирди-да,

ундан ичиб қусишга уринди. Охири у нарсани чиқариб ташлади. Шунда унга:

«Аллоҳ раҳмингни есин, бир луқмани деб шунчалик қиласанми?!» дейилди.

У эса:

«Агар бу жоним билан қўшилиб чиқадиган бўлганида ҳам, албатта, чиқарар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, «ҳаромдан ўсган ҳар бир жасадга олов ҳақлидир», деганларини эшитганман. Ушбу луқмадан жасадимда бирор ўсиш бўлиб қолмасин деб қўрқдим», деди.

АБУ БАКР ҲАЖ АМИРИ

Ҳаж ибодати Иброҳим алайҳиссалом даврларидан буён бўлиб келар эди. Тўққизинчи ҳижрий санада Аллоҳ таоло:

«Одамлардан йўлини топганларига Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ бурчдир», ояти ила мусулмонларга ҳам ҳаж ибодатини фарз қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша йили Абу Бакр розияллоҳу анҳуни ҳаж амири қилиб Маккага жўнатдилар. У киши мусулмонларнинг ҳаж ишларини бошқаришлари керак эди. Абу Бакр Розияллоҳу анҳу Ҳаж қилишни истаган уч юз киши билан ҳажга жўнаб кетдилар.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўз шериклари билан ҳажга жўнаб кетганларидан кейин «Бароат» сурасининг аввалида келадиган ояти карималар нозил бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳуни чақириб:

«Бароатнинг аввалидаги бу қисса ила чиқ, қурбонлик куни одамлар ичида эълон қил; Кофир жаннатга кирмас. Бу йилдан кейин мушрик ҳаж қилмас. Байтни ялонғоч тавоф қилмас. Кимнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида аҳди бўлса, у ўз муддатига етказилур», дедилар.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ал-Азбоо номли туяларини миниб йўлга тушдилар. Йўл давомида Абу Бакр Розияллоҳу анҳуга етиб олдилар. У кишини кўрган Абу Бакр:

«Амир бўлибми, маъмурми?» деб сўрадилар.

«Маъмур», дедилар ҳазрати Али.

Икковлари йўлда давом этдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳажга амирлик қилдилар. Қурбонлик куни бўлганда Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу туриб одамлар ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган нарсаларни эълон қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломдаги биринчи ҳаж мавсимида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни амир қилиб тайинлашлари ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Ислом уммати ичидаги олий

мақомларини яққол кўрсатади.

Бундоқ улуғ мақомга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг мос одам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эканлигини шундан ҳам билиб олаверсак бўлади.

Худди шунга ўхшаш мақом намоз ўқишда ҳам намоён бўлган эди. Бу маънода одатда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб қолганларида ўринларига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу намозга ўтишлари ҳақида амр қилганлари келтирилади. Аммо у зот соғлиқ пайтларида ҳам саҳобаи киромлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа ерда бўлсалар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни имомликка лойиқ кўришар эди.

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насайлар Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам Бани Амр ибн Авф (қабиласи)га уларнинг ораларини ислоҳ қилиш учун бордилар. Намоз вақти бўлиб қолди. Муаззин Абу Бакрнинг ҳузурига келиб:

«Иқомат айтсам одамларга намозга ўтиб берасанми?»-деди.

«Ҳа»-деди у.

Бас, Абу Бакр намоз бошлади. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам келиб намоз ўқиётганлар ичидан ўтиб сафга турдилар. Одамлар қарсак чалдилар. Абу Бакр намозда ҳеч нарсага назар солмас эди. Одамлар қарсакни кўпайтириб юборганларидан кейин назар солиб, Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламни кўриб қолди. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам унга, маконингда туравер, деб ишора қилдилар. Абу Бакр икки қўлини кўтариб Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам унга амр қилган нарса учун Аллоҳга ҳамд айтди. Сўнгра орқасига тисарилиб сафга турди. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам олдинга ўтиб намозини ўқиб битирдилар ва намоздан чиққанларидан сўнг:

«Эй, Абу Бакр, мен амр қилганимда сени собит туришдан нима манъ қилди?»-дедилар.

Абу Бакр:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Абу Қуҳофанинг ўғлига Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида туриб намоз ўқишга йўл бўлсин»-деди.

Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам:

«Не бўлдиким, қарсакни кўпайтириб юбордингиз? Кимнинг намозида бир нарса ташвишга солса тасбиҳ айтсин. Чунки, қачон у тасбиҳ айтса унга эътибор берилади. Қарсак чалиш аёллар учундир»-дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифни тўлиқ англашимиз учун бир оз шарҳга эҳтиёжимиз тушади. Келинг гапни бир оз батафсил қилайлик. Аслида гап қуйидагича

бўлган эди.

Бани Амр ибн Авф ансорийларнинг Авс қабиласидан бўлиб, Қубо тарафда истиқомат қилар эдилар. Уларнинг орасида жанжал чиқиб, муштлашув бўлган, бир-бирларига тош отишган эдилар. Ана ўшандан келиб чиққан ора бузилишини ислоҳ қилиш учун Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларига борган эдилар.

Аср намози бўлиб, ҳазрати Билол азон айтдилар. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам у кишига, агар намоз вақти бўлиб қолсаю, мен келмасам, Абу Бакрга айтгин одамларга жамоат намозини ўқиб берсин, деб кетган эдилар. Ҳазрати Билол бориб, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга бу гапни айтиб, иқома айтаверайми?-дедилар. У киши: «Ҳа»-дедилар. Намоз бошланди.

Шунда Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам етиб келиб сафларни ёриб ўтиб биринчи сафга турдилар. Кейин ушбу ривоятда зикр қилинган ҳодисалар ва гапу сўзлар бўлиб ўтди.

Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг уришиб қолганлар олдига боришларидан олдин намоздан кеч қолиши эҳти-моли борлиги учун ҳазрати Билолга, Абу Бакр имом бўлсин, деб таъйинлаб кетишлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг юксак мақомларини кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг мен кеч қолсам, Абу Бакр намозга ўтсин, дейишлари жуда катта гап. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин у кишининг халифа бўлишларига ишорат бўлган нарсалардан бири ҳам шу.

Бу ерда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламга бўлган юксак ҳурматлари ҳам яна бир бор намоён бўлмоқда.

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ БЕМОРЛИКЛАРИДА АБУ БАКРНИНГ ИМОМ БЎЛИШИ

Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги беморликларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Ислом уммати ичидаги фазллари яна бир бор ва ниҳойи равишда юзага чиқди. Келинг бу ҳақиқатни энг ишончли ривоятлар асосида ўрганиб чиқайлик.

Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб, оғирлашиб қолдилар. Бас, у зот:

«Абу Бакрга амр қилинлар одамларга намозга ўтсин»-дедилар. Оиша:

«У юмшоқ одам, агар сизнинг мақомингизга турса одамларга намоз ўқиб

бера олмайди-деди. У зот:

«Абу Бакрга амр қилинлар, одамларга намозга ўтсин-дедилар. (Оиша) яна гапани қайтарди. Бас, У зот (унга):

«Абу Бакрга айт. Одамларга намоз ўқиб берсин. Албатта сиз (аёл)лар Юсуфнинг соҳибаларисиз»-дедилар.

Бас, унга хабар келди ва у Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида одамларга намозга ўтди».

Ушбу ҳадисда ривоят қилинаётган ҳодисалар Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги беморликларида бўлиб ўтган. У зот соллоллоҳу алайҳи васаллам касаллари оғирлашиб, ўзлари намозга ўтишга қодир бўл-май қолганларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни ўринларига имом бўлишларини таъйинлаганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эса, кўнгли юмшоқ, намозда кўп йиғлайдиган киши эдилар.

Бу ҳолни яхши билган қизлари Оиша онамиз, мазкур васф соҳиби бўлган оталари ҳазрати Абу Бакрнинг Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг мақомларида туриб намозга ўтишлари мақсадга мувофиқ бўлармикан, деган мулоҳазага келдилар ва бу мулоҳазани Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламга айтдилар.

Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам худди Оиша онамизнинг гапларини эшитмагандек яна аввалги гапларини такрорладилар.

Оиша онамиз, Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам беморлик туфайли гапимни яхши эшитмадилар шекилли, деб ўйлаб, ўзларининг аввалги гапларини такрорладилар.

Шунда Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам мазкур ишни Оиша онамизнинг ўзларига топширдилар. Сен, Абу Бакрга айт. Одамларга намоз ўқиб берсин, дедилар. Шу билан бирга аёлларда шунга ўхшаш тасарруф олдиндан борлигини эслатиб, «Албатта сиз-аёллар Юсуфнинг соҳибаларисиз», дедилар.

Юсуф алайҳиссаломнинг қиссаларида аёлларнинг турли тасарруфлари ҳақида сўз кетган. Жумладан, Миср Азизининг хотини ва унинг тасарруфлари баён қилинган. Чунки ўша аёл зоҳирда бир ишни қилиб, ботинда бошқа нарсани кўзлагани бор. У зоҳирда уйига аёлларни чақириб меҳмон қилади. Аммо аслида уларга Юсуф алайҳиссалаомни кўрсатиб ҳайрон қилмоқчи бўлади. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ҳам бу мақомда, Абу Бакр юмшоқ кўнгил, демоқдалар, аммо аслида у имом бўлса, одамлар тарқаб кетармикан, деган гап бор эди.

Ушбу ҳадисдан ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг улуғ моқом эгаси эканликлари кўринмоқда. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг

Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғларида одамларга имом бўлиб намоз ўқиганлари ҳам собит бўлмоқда. Бу ҳол У зот соллоллоҳу алайҳи васаллам вафот этгунларича давом этган.

Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Пайғамбар салоллоҳу алайҳи васаллам беморлик чоғларида Абу Бакрга одамларга намозга ўтишга амр қилдилар. Бас, у уларга намозга ўтиб турди. Урва:

«Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларида енгиллик сезиб чиқдилар. У зот чиққанларида Абу Бакр имомлик қилаётган эди. Абу Бакр У зотни кўриб орқага тисарила бошлади. У зот унга, қандоқ бўлсанг, шундоқ туравер, деб ишора қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрнинг ёнига, унга тенглашиб ўтирдилар. Абу Бакр Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг намозларига, одамлар, Абу Бакрнинг намозига эргашиб намоз ўқидилар»-деди».

Ушбу ҳадисдан ҳам ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазийлатлари яққол билинади.

Имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам беморликларида Абу Бакрнинг орқасидан, кийимга ўраниб олиб, ўтириб намоз ўқидилар».

Насийнинг лафзида:

«Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам қавм ила ўқиган охирги намоз, Абу Бакрнинг ортида бир кийимга ўралиб олиб ўқиган намозларидир»- дейилган.

Имом Бухорий ва Муслимлар Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Абу Бакр Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги беморликларида одамларга намоз ўқиб берар эди. Токи, душанба куни келиб, улар намоз сафида турганларида, Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳужранинг пардасини очдилар ва тик турган ҳолларида бизга назар сола бошладилар. Юзлари худди мусҳафнинг варағига ўхшаш эди. Сўнгра табассум ила кулимсирадилар. Бас, Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васалламни кўриб хурсанд бўлганимиздан фитнага тушай, дедик. Абу Бакр сафга етиб олиш учун орқасига тисарилди. У Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам намозга чиқадилар, деб ўйлади. Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан, намозингизни тугатаверинг, деб ишора қилдилар ва пардани туширдилар. У зот ўша куни вафот этдилар».

Ушбу ҳадислардан Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдин у кишининг ўринларига Абу Бакр Сиддиқ намозга

ўтганликлари, баъзан Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам у кишининг ортида намоз ўқиганлари таъкидланмоқда. Бу у кишининг улуғ фазл эгаси бўлган саҳобий эканликларига ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин Ислом давлатига бошлиқ бўлишларига ишорат эди.

Бу шароитни биринчи бўлиб тушунган кишилардан бири ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу эдилар. Ҳазрати Умар Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин, саҳобалар ўртасида, ким халифа бўлиши ҳақида маслаҳатда, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг номзодларини қўллаб:

«Унга Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам динимиз учун рози бўлдилар. Биз қандоқ қилиб уни дунёмиз учун рози бўлмайлик?!»- дедилар.

Яъни, Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга намозимизнинг имомлигини ишониб топширдилар. Биз қандоқ қилиб унга давлат бошлиғилигини топширмайлик?!-деганлари.

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ВАФОТЛАРИ ВА АБУ БАКР

Вақта соати етиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида, бутун Ислом уммати бошига мисилсиз қайғу тушганда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу умматнинг қайғуси бошида туриш билан бирга унинг эс-хушини йиғишига ҳам сабаб бўлдилар.

Келинг ҳамма учун ғоят оғир бир дамларни ўша дамларнинг жонли иштирокчилари ила қайтатдан яшаб чиқайлик.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар. Абу Бакр Сунҳда эди. Умар туриб:

«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлганлари йўқ», деди. (Ўзи, Аллоҳга қасамки, ўшанда шундан бошқа нарса ақлимга келмаган эди. Албатта, Аллоҳ у зотни қайта тирилтиради ва одамларнинг қўллари ва оёқларини кесадилар, дер эдим, деган.)

Бас, Абу Бакр келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг очиб, у зотни ўпди ва:

«Ота онам сизга фидо бўлсин. Тирик ҳам, ўлик ҳам пок бўлдингиз. Жоним қўлида бўлган зот ила қасамки, Аллоҳ сизга икки ўлимни ҳеч татитмас», деди. Кейин ташқарига чиқди ва:

«Эй қасам ичаётган, бир оз жим тур», деди. Сўнгра Абу Бакр гапирди. Аллоҳга ҳамду сано айтди ва:

«Огоҳ бўлинглар! Ким Муҳаммадга ибодат қилаётган бўлса, батаҳқиқ, Муҳаммад ўлди. Ким Аллоҳга ибодат қилаётган бўлса, Аллоҳ тирикдир, ўлмас. Аллоҳ таоло, «Албатта, сен ҳам маййитсан, улар ҳам маййитдирлар» деган. Ва яна, «Муҳаммад ҳам бир Пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам Пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлар», деган», деди.

Одамлар йиғлашни бошладилар. Ансорийлар Бани соъиданинг шийпонига йиғилдилар. Улар, биздан бир амир, сиздан бир амир, дедилар. Бас, уларнинг олдига Абу Бакр, Умар ва Абу Убайда ибн ал-Жарроҳлар бордилар. Умар гап бошлаган эди, Абу Бакр уни тўхтатди.

Кейинчалик Умар, Аллоҳга қасамки, мен бу билан Абу Бакрга етмаган бўлса, деб қўрққанимдан ўзимга ёққан гапни тайёрлашни ирода қилган эдим, холос, деб юрар эди.

Сўнгра Абу Бакр гапирди. Гапирганда ҳам энг балоғатли одамларнинг гапини гапирди. У ўз гапида:

«Биз амирлармиз, сиз вазирларсиз», деди.

«Йўқ! Аллоҳга қасамки, ундоқ қилма! Биздан бир амир, сиздан бир амир», деди Хаббоб ибн ал-Мунзир. Абу Бакр:

«Йўқ! Лекин биз амирлармиз, сиз вазирларсиз. Улар арабларнинг энг яхши уйларидан. Ҳасаблари тоза араблардан. Умарга ёки Абу Убайдага байъат қилинглари!» деди. Умар:

«Йўқ! Сенга байъат қиламиз. Сен энг яхшимизсан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг маҳбубимизсан», деди ва унинг қўлини олиб байъат қилди. Одамлар ҳам байъат қилдилар. Шунда одамлардан бири, Саъд ибн Убодани ўлдирдингиз, деди. Умар. Уни Аллоҳ ўлдирди, деди».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: «Сунҳ» Мадинаи Мунаввара четидаги бир жойнинг номи. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўша жойда уйлари бор эди. Ансорийлардан бўлган Хорижа розияллоҳу анҳунинг қизлари бўлган аёллари ўша ерда турар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қабзи руҳ бўлганларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўша ерда эдилар. У киши машъум хабарни эшитишлари билан зудликла етиб келдилар ва ушбу ривоятда келтирилган ҳодисалар бўлиб ўтди.

Ушбу ривоятдан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу саҳобаи киромлар ичида энг етук зот эканлари равшан кўриниб турибди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари ҳеч кимнинг ақлига сиғмайдиган бир иш эди. Ҳатто Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудек забардаст бир инсон ҳам бу ҳодисани ақлига сиғдира олмас эди. Шунинг учун ҳам у киши:

«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлганлари йўқ», деди».

Бошқа ривоятларда айтилишича Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қиличларини ялонғочлаб олиб, ким Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлди деса, калласини оламан, деб ҳовлида айланиб юрганлар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу кейинчалик,

«(...Аллоҳга қасамки, ўшанда шундан бошқа нарса ақлимга келмаган эди. Албатта, Аллоҳ у зотни қайта тирилтиради ва одамларнинг қўллари ва оёқларини кесадилар, дер эдим, деган.)»

Бутун оламнинг сарвари бўлган зот, охириги илоҳий китобни Роббул оламийндан қабул қилиб олиб, умматга омонат билан етказган зот, ўша мўъжиз китобни ўз ҳаётларида татбиқ қилиб кўрсатган зот, омонатни адо қилиб бўлиб, рисолатни етказиб бўлиб, кичкина ҳужрада сокин ётар эдилар.

«Бас, Абу Бакр келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг очиб, у зотни ўпди ва:

«Ота онам сизга фидо бўлсин. Тирик ҳам, ўлик ҳам пок бўлдингиз. Жоним қўлида бўлган зот ила қасамки, Аллоҳ сизга икки ўлимни ҳеч татитмас», деди».

У зоти бобаракотнинг муборак юзларини кўриб Абу бакр Сиддиқ чидаб тура олмади. Энгашиб, пешоналаридан, юзларидан бўса олдилар. Чидай олмай, йиғладилар.

«Ота онам сизга фидо бўлсин!» дедилар.

«Аллоҳ сизга икки ўлимни ҳеч татитмас».

Бу гапларни ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга Аллоҳ таолонинг Ўзи илҳом қилган бўлса керак. Бўлмаса, оддий ҳолатда ҳеч ким бу гапни айта олмайди. Чунки, Аллоҳ билан оламини боғловчи ваҳийга эга бўлган зотнинг ўлиб қолишлари бировнинг ақлига сиғмас эди.

Ҳақиқатда ҳам Абу Бакр розияллоҳу анҳу бу гапларни айтаётган бир пайтда, бошқа саҳобалар бунга ишонмаётган эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ эса ҳақиқатни, бутун дунёнинг улкан қайғусини биринчи бўлиб англаб етган эдилар. У кишига Аллоҳнинг Ўзи илҳом берган бўлса керак, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни вафот этишларини Қуръонда айтиб қўйганини ҳам шу киши биринчи бўлиб эсга олдилар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг, Аллоҳ сизга икки ўлимни татитмас, дейишлари ҳам айна ҳикмат эди. Чунки, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга ўхшаб, Пайғамбар алайҳиссалом ўлганларидан кейин яна тирилиб келадилар, у киши вафот этдилар деган баъзи одамларнинг оёқ ва қўлларини

кесадилар, деювчилар ҳам бор эди.

Абу Бакр розияллоху анхунинг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг муборак юзларини очиб ўпишлари, ихтиёрсиз қилинган иш эмас эди. Бу шариятда рухсат берилган иш эди. Агар рухсат бўлмаса у киши бундоқ қилмас эдилар. Маййитнинг юзини ўпиш Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан собит бўлган эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху

«Кейин ташқарига чиқди ва:

«Эй қасам ичаётган, бир оз жим тур», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг бу хитоблари Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга қаратилган эди.

«Сўнгра Абу Бакр гапирди. Аллоҳга ҳамду сано айтди ва:

«Огоҳ бўлинглар! Ким Муҳаммадга ибодат қилаётган бўлса, батаҳқиқ, Муҳаммад ўлди. Ким Аллоҳга ибодат қилаётган бўлса, Аллоҳ тирикдир, ўлмас».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ушбу гаплари Ислом умматини фитнадан сақлаб қолди. Ҳаммининг хушини ўзига келтирди. Бу гаплар Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ўз фикри билан айтаётган гаплари эмас эди. У киши бу гапларни Қуръони Карим оятларига суяниб гапираётган эдилар. У киши ўз гаплари давомида:

«Аллоҳ таоло, «Албатта, сен ҳам маййитсан, улар ҳам маййитдирлар» деган. Ва яна, «Муҳаммад ҳам бир Пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам Пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлар», деган», деди».

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху кейинчалик, бу оятларни ўшанда Абу Бакр тиловат қилганда худди биринчи бор эшитаётгандек бўлдим, дейдилар. Ҳа, саҳобаи киромлар ўзлари такор-такрор ўқиб юрган оятларни мусибатнинг катталигидан унитиб қўйган эдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг гапларидан кейин ҳамма ўзига келди. Ҳақиқатни тушуниб етди.

«Одамлар йиғлашни бошладилар».

Ҳамма ўз ҳабиби ва йўлбошчиси, Пайғамбаридан ажраб қолганини англаб етган эди.

«Ансорийлар Бани соъиданинг шийпонига йиғилдилар. Улар, биздан бир амир, сиздан бир амир, дедилар».

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларини англаб етгандан сўнг у зотнинг ўзлари таълим берганларидек, бошлиқ сайлаш пайига тушилган эди. Асли Мадиналик бўлган саҳобалар Бани соъида

уруғнинг йиғилишлар ўтказадиган айвонига тўпланиб мажлис ўтказа бошладилар. Уларнинг фикрларича Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин Ислом давлатини бошқариш учун ансорийлардан битта, муҳожирлардан битта иккита амир бўлиши керак эди. Уларнинг мажлис ўтказаётганлари ҳақидаги хабар ҳар тарафга тарқади.

«Бас, уларнинг олдига Абу Бакр, Умар ва Абу Убайда ибн ал-Жарроҳлар бордилар».

Булар муҳожир мусулмонларнинг раҳбарлари эдилар. Айниқса Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу охириги оғир пайтдаги ўзларини тутишлари, бутун бошли умматни кўзини очгани туфайли кўзга кўринган йўлбошчига айланиб бўлган эдилар.

Ансорийларнинг ўзлари алоҳида тўпланиб олиб маслаҳат қилишлари ҳар хил талқинларга сабаб бўлмасин деган ният ила улар тўпланган ерга Умар ва Абу Убайда ибн ал-Жарроҳлар бордилар.

«Умар гап бошлаган эди, Абу Бакр уни тўхтатди.

Кейинчалик Умар, Аллоҳга қасамки, мен бу билан Абу Бакрга етмаган бўлса, деб қўрққанимдан ўзимга ёққан гапни тайёрлашни ирода қилган эдим, холос, деб юрар эди».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг хаёлларида шу мақомда айтиладиган яхши гап бор эди. У киши бу гап Абу Бакрнинг фикрида йўқ бўлса керак деб ўйлар эдилар. Агар мен шу гапимни айтсам вазият энгиллашиб иш осон кўчар деб хаёл қилар эдилар. Шунинг учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан олдин гап бошлаган эдилар. Аммо Абу Бакр розияллоҳу анҳу у кишини тўхтатиб ўзлари гап бошладилар.

«Сўнгра Абу Бакр гапирди. Гапирганда ҳам энг балоғатли одамларнинг гапини гапирди. У ўз гапида:

«Биз амирлармиз, сиз вазирларсиз», деди.

Чунки Бани Соъида мажлисхонасига келмасларидан олдин ансорийларнинг нима дейишаётганларини эшитган эдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг биз деганлари муҳожирлар, Маккаликлар, деганлари эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу гапни ўзларидан чиқариб айтмаган эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларида ўша вақтдаги барча омилларни эътиборга олиб Ислом давлатининг бошлиғи Қурайшдан бўлишини айтиб кетган эдилар.

«Йўқ! Аллоҳга қасамки, ундоқ қилма! Биздан бир амир, сиздан ибр амир», деди Хаббоб ибн ал-Мунзир».

Бундан ансорийлар ҳам ўз фикрларида анча қатъий эканликларини кўрсатади. Лекин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу ишни Пайғамбарнинг васиятларига биноан тўғри ҳам қилишга қасд қилган

эдилар. У киши яна ўз фикрларини таъкидладилар:

«Йўқ! Лекин биз амирлармиз, сиз вазирларсиз. Улар арабларнинг энг яхши уйларида. Ҳасаблари тоза араблардан. Умарга ёки Абу Убайдага байъат қилинглари!» деди».

Бу сафар Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ўзларининг аввалги фикрларини такрорлаш билан бирга аниқ номзодларни ҳам номларини тилга олдилар. Бундан у кишининг ўзларининг давлат бошлиғи бўлиш ниятлари йўқлиги кўринади.

Шу пайт Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўзларига келдилар ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг номзодларини кўрсатдилар.

«Умар:

«Йўқ! Сенга байъат қиламиз. Сен энг яхшимизсан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга энг маҳбубимизсан», деди ва унинг қўлини олиб байъат қилди. Одамлар ҳам байъат қилдилар».

Ана шу тариқа Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ўринларига Ислом давлати раҳбари бўлиб қолдилар.

«Шунда одамлардан бири, Саъд ибн Убодани ўлдирдингиз, деди. Умар. Уни Аллоҳ ўлдирди, деди».

Бу гап пичинг тариқасида айтилган гап эди. Ансорийлар, биздан ҳам бир амир бўлсин, деб турганларида Саъд ибн Убода розияллоху анхунинг номзодларини кўрсатиш ниятида эдилар. Аммо иш бошқачасига айланиб кетганда у кишининг номзодлари ўз ўзидан тушиб қолди.

Саҳобаи киромлар Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуни Ислом давлатига бошлиқ этиб сайлашиб жуда тўғри иш қилган эдилар. Чунки улар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўзларидан кейин айнан Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуни давлат бошлиғи бўлишини орзу қилганларини ва бу борада керакли ишларни ҳам қилган эдилар. Келгуси ривоятда ана ўша ишлардан бири ҳақида сўз кетади.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўз беморликларида:

«Менга отанг Абу Бакрни ва акангни чақиргин, бир мактуб ёзиб берай, бир умидвор умид қилиб, мен ҳақлироқман, деб юрмасин. Аллоҳ ва мўминлар Абу Бакрдан бошқага кўнмаслар», дедилар».

Муслим ривоят қилган

Шарҳ:Ушбу ҳадиси шарифда зикр этилаётган ҳолатлар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги хасталикларида бўлиб ўтган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ўзларининг ўринларига Ислом давлати бошлиғи бўлишлари тўғрисида мактуб ёздирмоқчи бўлганлару аммо бу иш амалга

ошмай қолган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари, Аллоҳ таоло ва мўминлар фақатгина Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Ислом давлатига бошлиқ бўлишларини хоҳлашлари у кишининг фазийлатлари ниҳоятда юксак эканлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам саҳобаи киромлар иттифоқ ила Бани Соъида шийпониди у кишига давлат бошлиғи сифатида байъат қилдилар. Бу иш ҳозирда сайлов, овоз бериш номлари билан аталмоқда. Бани Соъидага йиғилган ансорийлар ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг номзодларига қарши чиққанлари йўқ. Уларнинг бирдан бир гаплари, биздан ҳам битта амир бўлсин, дейишлик бўлди.

Бани Соъидадаги Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга қилинган байъат мажлисга тўпланган ансорий ва муҳожир саҳобаи киромларнинг байъати эди. Ҳозирги ибора билан айтсак парламент аъзоларининг байъати эди.

Ўшанда ўн биринчи ҳижрий сананинг Робийъул аввал ойининг ўн иккинчиси, душанба куни эди. Эртасига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга давлат бошлиғи сифатида мусулмонларнинг оммавий байъатлари бўлди.

ОММАВИЙ БАЙЪАТ

Ибн Исҳоқ розияллоҳу анҳу ўзларининг сийрат китобларида Зухрийдан, у киши Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилинади:

«Абу Бакрга шийпонда байъат қилинди. Эртасига Абу Бакр минбарга ўтирди. Умар туриб Абу Бакрдан олдин гапирди. У Аллоҳга ҳамду сано айтди. Сўнгра:

«Албатта, Аллоҳ сизнинг ишингизни сизнинг энг яхшингизга, Расулуллоҳнинг соҳиби, иккилари ғорда бўлганларида иккисидан бирига жамлади. Туринглар. Унга байъат қилинглар», деди.

Одамлар шийпондаги байъатдан кейин Абу Бакрга оммавий байъат қилдилар.

Кейин Абу Бакр гапирди. У Аллоҳга ҳамду сано айтди. Кейин:

«Мен яхшингиз бўлмасам ҳам сизга волий қилиндим. Агар яхшилик қилсам, менга ёрдам беринглар. Агар ёмонлик қилсам, мени тўғриланглар. Содиқлик омонатдир. Козиблик хиёнатдир. Сизнинг ичингиздаги заиф унинг ҳаққини олиб бергунумча, иншааллоҳ, менинг наздимда кучлидир. Сизнинг ичингиздаги кучли ундан ҳақни олгунумча, иншааллоҳ, менинг наздимда заифдир. Қайси бир қавм Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодни тарк қилса, албатта, Аллоҳ уларни хорлик ила урур. Қайси бир қавм ичида

фоҳиша тарқаса, албатта, Аллоҳ уларнинг оммавий балога йўлиқтирур. Модомики, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилар эканман менга итоат қилинглр. Қачон Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлсам, зиммангизда менга итоат қилиш йўқ. Намозингизга туринглр. Аллоҳ раҳим қилгурлар», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида қилган бу хутбалари янги сайланган давлат бошлиғининг сайловдан кейин, ўз вазифасини адо этишга киришидан олдинги унинг сиёсатини белгиловчи нутқи эди.

Кейинчалик Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг худди шу хутбалари барча мусулмон ҳукмдорларга қўлланма ва эслатма бўлиб қолди. Ўйлаб кўрадиган бўлсак бу хутбада ҳукмдорлар ўзларига лозим тутиши зарур бўлган ҳар бир нарса бор.

1-Камтарлик.

«Мен яхшингиз бўлмасам ҳам сизга волий қилиндим».

2-Давлат ишларида халқ оммасини фаъол қилиш; кўпчилик қўллаган ишларда халқдан ёрдам сўраш, хато содир бўлса халқнинг танқидини қабул қилиш.

«Агар яхшилик қилсам, менга ёрдам беринглр. Агар ёмонлик қилсам, мени тўғриланглр».

3-Ҳам ҳукмдор, ҳам халқ бир-бирларига содиқ бўлишлари.

«Содиқлик омонатдир».

4-Ҳам ҳукмдор, ҳам халқ бир-бирларини алдамаслиги.

«Козиблик хиёнатдир».

5-Ҳукмдорнинг заифҳол ватандошлар ҳаққи учун курашиши лозилиги.

«Сизнинг ичингиздаги заиф унинг ҳаққини олиб бергунумча, иншааллоҳ, менинг наздимда кучлидир».

6-Ҳукмдор золим ватандошларнинг адабини бериши лозимлиги.

«Сизнинг ичингиздаги кучли ундан ҳақни олгунумча, иншааллоҳ, менинг наздимда заифдир».

7-Ватан ҳимояси учун ҳар бир ватандош доим тайёр туриши лозимлиги.

«Қайси бир қавм Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодни тарк қилса, албатта, Аллоҳ уларни хорлик ила урур».

8-Ҳар бир ватандош ўз ватанида ёмонлик тарқамслиги учун курашмоғи лозимлиги.

«Қайси бир қавм ичида фоҳиша тарқаса, албатта, Аллоҳ уларнинг оммавий балога йўлиқтиради».

9-Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилган ҳукмдорга итоат қилмоқ лозимлиги.

«Модомики, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилар эканман менга итоат қилинглр».

10-Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга исён қилган ҳокимга итоат вожиб эмаслиги.

«Қачон Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлсам, зиммангизда менга итоат қилиш йўқ».

11-Мусулмон ҳукмдор ибодат ишларини йўлга қўйиб бориши лозимлиги.

«Намозингизга туринглр. Аллоҳ раҳим қилгурлар».

ЯНГИ РАҲБАР СИЙРАТИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўзлари халифаликка сайланганларида баён этган барномага бир умр содиқ қолдилар. У киши Ислom давлатининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги бошлиғи қандоқ бўлиши кераклигини амалда кўрсатдилар. Ўзларига байъат қилинган кундан бошлаб елкаларига юкланган оғир масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бордилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги баъзи бир ўта юмшоқлик бўлиб кўринган хислатлари ҳам давлат бошлиғига лозим бўлган тарафга кескин ўзгарди.

Авваллари Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу баъзи ишларда қаттиқлик қилиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу у кишини қайтарадиган бўлсалар, энди иш аксига айланди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётдалиқ чоғларида ҳар бир нарса У зотга, ваҳийга боғлиқ бўлиб давом этар эди. Энди эса, мусулмонлар ўзлари ижтиҳод қилишлари лозим бўлиб қолди. Бу ишларда, албатта, давлат бошлиғи энг аввалги шахс ҳисобланар эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу масалаларнинг барчасида талабга олий даражада жавоб бердилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг давлат бошлиғи сифатида қандоқ сийратга эга бўлганларини кўрган-билган кишилар аниқ васф қилганлар.

Ибн Саъд Ибн Умар, Оиша ва Ибн Мусаййиб розияллоҳу анҳумлардан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабз қилинган кунлари, душанба куни, Робеъул аввал ойидан ўн икки кун ўтганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларининг ўн биринчи йилида Абу Бакрга байъат қилинди.

Унинг манзили Сунҳда, Бани ал-Ҳорис ибн ал-Хазраждан бўлган хотини Ҳабиба бинти Хорижа ибн Зайд ибн Абу Зухайрнинг ҳузуринда эди.

У ўзига жундан ҳужра қилиб олган эди. Мадинадаги манзилига кўчиб келмагунича унга бирор нарса зиёда қилмади. Унга байъат қилинганидан кейин ҳам Сунҳда олти ой истиқомат қилди. Эрта билан пиёда Мадинага

келар эди. Гоҳида отини миниб олар эди. Устида изор ва бўялган ридоси бўларди. Мадинага келганда одамларга намозларни ўқиб берар эди. Хуфтонни ўқиганидан кейин Сунҳга, аҳли ҳузурига қайтар эди.

У ўзи ҳозир бўлса одамларга намозга ўтарди. У ҳозир бўлмаса, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу намозга ўтар эди.

Жума куни куннинг аввалида Сунҳда бўларди. Сочини ва соқолини ҳиннолар эди. Жума вақтида келиб одамларга жума ўқиб берар эди.

У ўзи тожир одам эди. Ҳар куни бозорга бориб олди-сотди қиларди. Унинг бир тўп қўйи ҳам бор эди. Гоҳида уларни ўзи боқарди. Гоҳида бировга боқтирар эди.

У бир маҳаллада одамларнинг қўйини соғиб бериб юрар эди. Унга байъат қилинганда ўша ерлик бир қиз:

«Энди бизнинг ҳовлимизнинг қўйлари соғилмайдиган бўлди», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу буни эшитиб:

«Йўқ! Умрим ҳаққи! Мен сизга уларни, албатта, соғиб бераман. Мен киришган нарса ўзимдаги бор хулқни ўзгартирмаслигини умид қиламан», деди.

У уларнинг қўйларини соғиб беришда давом этди. У ўша маҳалладаги қизчага:

«Эй қизча, сенга кўпиклик қилиб соғиб берайми, кўпиксиз?» дер эди. Қизча «кўпиклик» деса кўпиклик, «кўпиксиз» деса кўпиксиз қилиб соғиб берар эди.

Ана шундоқ қилиб Сунҳда олти ой турди. Кейин Мадинага тушиб, ўша ерда истиқомат қила бошлади. У ўз ҳолига назар солди. Сўнгра:

«Йўқ! Аллоҳга қасамки, тижорат ила одамларнинг ишини қўшиб олиб бориш тузук эмас. Уларга ажраб чиқилмаса бўл-майди. Уларнинг ташвишларини қилиш лозим. Аҳли аёлимга ҳам ўзига яраша нарса керак», деди».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларининг тижоратни ташлаш ҳақидаги фикрларини одамларга айтганларида улар давлат бошлиғига маош таъйин қилиш ҳақида маслаҳат қилдилар. Маслаҳат, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу йилига олти минг дирҳам олишга ҳаққи бор, деган қарор билан якун топди. Эҳтимол дунё тарихида биринчи марта давлат бошлиғининг маошини халқ таъйин қилиши шу бўлса керак.

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу давлат бошлиғи бўлишларидан олдин тавозуъли эдилар. У киши Ислом давлати бошлиғи бўлганларидан кейин ҳам тавозуъли ҳолларича қолдилар. Бир куни Мадинанинг бозорларида бирида пайдо бўлдилар. Елкаларида бир қўйнинг териси бор эди. Қариндошлари бундан ташвишга тушиб:

«Муҳожир ва ансорийлар орсиди бизни шарманда қилдинг-ку!» дедилар. У киши уларга:

«Нима сизлар мени жоҳилиятда жаббор подшоҳ бўлишимни ва Ислонда жаббор бўлишимни ирода қилган эдингларми?! Йўқ! Аллоҳга қасамки, Аллоҳ учун тавозуъ қилмасдан туриб, бу дунёда зоҳид бўлмасдан туриб Роббга тавозуъ қилиб бўлмас», дедилар.

Шунинг учун ҳам у кишининг ҳузурларида подшоҳлар ва келган ҳайъатлар ўзларининг такаббурларидан кейин тавозуъга, жабборликларидан кейин хокисорликка ўтдилар».

Имом Аҳмад Абу Бакр ибн Абу Маликадан ривоят қилади:

«Абу Бакрга «Эй Аллоҳнинг халифаси!» дейилди.

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифасиман ва шундан розиман», деди у».

Шундан бошлаб Ислон давлатининг бошлиғи «халифа» деб аталадиган бўлди.

УСОМА ЛАШКАРИНИ ЮБОРИЛИШИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз вафотларидан олдин Рум томонга юбориш учун Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу бошлиқликларида лашкар ҳозирлаган эдилар. Ўша пайтда Усома розияллоҳу анҳу 17-18 ёшлик йигитча эдилар. Лекин Пайғамбар алайҳиссалом унинг Румликлар билан Мўътада бўлган уришда шаҳид бўлган отаси Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳунинг хотирасига катта саҳобаи киромлардан ташкил топган лашкарга раҳбар қилган эдилар. Усома розияллоҳу анҳу ўз лашкари билан Мадинаи Мунаввара четида турганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этиб қолдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу халифа бўлганларидан кейин биринчи қилган ишлари Усома лашкари ишини охирига етказиш бўлди. У киши бу ишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қатъий васятлари сифатида қарадилар.

Ал-Байҳақий Урвадан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам беморликларида:

«Усоманинг лашкарини ижро қилинлар», дедилар. У юриб бориб Журфга етди. Шунда хотини Фотима бинти Қайс одам юбориб, шошилмай тур, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолдилар, деди. Кўп ўтмай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабз қилиндилар. У зот қабз қилинганларида у Абу Бакрнинг олдига қайти келиб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени юбораётганларида ҳозиргидан бошқа ҳолат эди. Мен арабларнинг кофир бўлишидан

хавфдаман. Агар улар куфр келтирсалар. Энг биринчи уруш очиладиганлар ўшалар бўлади. Куфр келтирмасалар кетавераман. Мен билан одамларнинг сараси ва энг яхшилари бор», деди.

Шунда Абу Бакр одамларга хутба қилди ва:

«Аллоҳга қасамки, албатта, мени қуш олиб қочиши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишларидан олдин бошқа ишни бошлашимдан кўра яхшироқдир», деди. Кейин уни юборди».

Дарҳақиқат, ўша пайтда аҳвол жуда нозик ва оғир эди. Миллатнинг сараси Усома розияллоҳу анҳунинг лашкарида эди. Усоманинг ўзи бўлса жуда ҳам ёш эди. Баъзи кишилар унинг ёшлигини айтиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан унинг ўрнига бошқа одамни қўйишни таклиф қилишди. Аммо Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таъйинлаган одамни бўшатиб ўрнига бошқани қўяманми, деб кўнмадилар.

Охири катта саҳобаи киромлардан бир гуруҳлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан алоҳида жиддий суҳбат қилишга қарор қилдилар. Имом Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ўзларининг «Фатҳул Борий» номли китобларида кетирадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари хабари арабларга етиб муртад бўлганлар Исломдан муртад бўлганда Абу Бакр Усомага:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сени йўллаган томонга жўна», деди. Одамлар чиқиб аввалги жойларга аскаргоҳ қурдилар. Бурайда байроқни олиб чиқиб аввалги жойига тикди. Бу аввалги муҳожирларнинг катталарига оғир ботди. Абу Бакрнинг олдига Умар, Усмон, Саъд ибн Абу Ваққос ва Саъид ибн Зайд розияллоҳу анҳумлар кирдилар ва:

«Эй Расулуллоҳнинг халифаси! Араблар сенга ҳар тарафдан бузулишди. Албатта, сен манави ёйилган лашкар билан бир нарса қила олмайсан. Сен уларни ридда аҳллари учун тайёрлаб қўй. Булар билан уларнинг кекирдагидан оласан. Аҳли Мадинанинг ғарот бўлиб қолишидан омонлигини ҳам ўйлаш керак. Унда бола-чақалар, аёллар бор. Ислом барқарор бўлгунча ва аҳли ридда ўзлари чиққан нарсага қайтгунларича ёки уларни қилич битиргунча Рум ғазотини ортга суриб турсанг. Ўшандан кейин Усомани юбораверар эдинг. Румнинг бизга ҳужум қилиб қолишидан ҳам эмин бўлар эдик», дедилар.

Абу Бакр уларнинг гапни яхшилаб эшитгандан сўнг:

«Сизлардан бирор киши яна бошқа гап айтмоқчимми?» деб сўради.

«Йўқ. Гапимизни ўзинг эшитдинг», дедилар.

«Нафсим қўлида бўлган зот ила қасамки, агар мени Мадинада йиртиқчлар

еб кетишига аниқ ишонсам ҳам ушбу лашкарни юбораман. Бундан аввал бошқани қилмайман. Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий нозил бўлиб турганда «Усоманинг лашкарини ижро қилинглари», деганлар-ку! Лекин бир гап бор. Уни Усомага айтаман. Унга Умарни абизнинг ҳузуримизда қолдириб кетишини ҳақида гапираман. Унга бизнинг ҳожатимиз бор. Аллоҳга қасамки, билмадим, Усома буни қилармикин ёки йўқ. Аллоҳга қасамки, агар бош тортса ҳам ёмон кўрмайман», деди.

Қавм унинг Усома лашкарини ижро қилишга азму қарор қилганини англади.

Абу Бакр Усоманинг уйига бориб, Умарни қолдириб кетиш ҳақида у билан гаплашди. Усома:

«Хўп», деди.

Абу Бакр унга:

«Чин кўнгилдан изн бердингми?» деди.

«Ҳа», деди у.

Кейин у унинг олдидан чиқди ва жарчисига, «Мен азм қилдимки, Усоманинг лашкарига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғларидан қўшилганлардан бирортаси ортда қолмасин. Агар ким у билан чиқишдан кечикса, мен уни ортларидан пиёда юбораман» деб жар чақиришга амр қилди. Усоманинг амирлиги ҳақида гап қилган муҳожирларга алоҳида одам юбориб уларни чиқишларига қаттиқ турди. Бирор киши ҳам чиқмай қолмади. Усома ва мусулмонларни кузатгани Абу Бакрнинг ўзи чиқди. Улар Журфдан отланиб жўнадилар. Ададлари уч минг киши эди. Мингта отлари бор эди. Абу Бакр Усоманинг ёнида пиёда юриб борди....

«....Усома унга:

«Эй Расулуллоҳнинг халифаси, ё сиз мининг, ё мен тушай», деди. Абу Бакр унга:

«Аллоҳга қасамки, сен тушмайсан! Аллоҳга қасамки, мен ҳам минмайман! Аллоҳнинг йўлида қадамимни бир оз чинг қилсам нима бўлибди. Ҳозирга ҳар бир босган қадами учун етти юз савоб ёзилади ва етти юзта хатоси ўчирилади» деди». (Канзул уммол)

Кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Усомага ва унинг одамларига тавсия сўзларини айтдилар:

«Хиёнат қилманглари. Бировни алдаманглари. Ўлжадан беркитиб олманглари. Ўлганларга тегманглари. Ёш болани ва қари кишиларни ўлдирманглари. Хурмоларни кесманглари ва куйдирманглари. Мевали дарахтни кесманглари. Қўй, сигир ва туяларни ейишдан бошқага сўйманглари. Қачон ўзларини

ибодатхонага бағишлаган қавмнинг олдидан ўтсангиз уларни ўзларини бағишлаган нарса ила тек қўйинглар. Қачон бошларининг ўртасини олдириб атрофини боғлаганга ўхшатиб олдирмаган қавмни кўрсангиз, қилич билан сочини олдирган жойига уринг. Қачон сизга таом қўйилса Аллоҳнинг исмини айтиб енг. Эй Усома, Қузоъа юртида Набиюллоҳ сенга амр қилган ишларни адо эт. Сўнгра Абулға бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини камчиликсиз адо эт», дедилар.

Сўнгра улар билан хайрлашиб Журфдан Мадинага қайтдилар.

Усома Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган ерга етиб борди. Қузоъа юртига лашкарлар юборди. Усома ва унинг одамлари Исломдан қайтмоқчи бўлиб турган қабилалар олдидан ўтганларида улар, агар буларнинг қуввати бўлмаганда бунчалик аскарни юбора олишмас эди, деб ниятларидан қайтдилар.

Усома Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини қирқ кун ичида амалга ошириб Мадинага музафар ҳолда қайтди. Бу лашкарнинг юборилиши катта фойда келтирилди. Дўсту душман Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин ҳам Ислом давлати кучли ҳолда эканлигини тушуниб етдилар.

МУРТАДЛАРГА ҚАРШИ УРУШ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг халифаликлари бошида араб қабилаларининг Исломдан қайтиб муртад бўлиш ҳодисаси юзага келди.

Ўша вақтда баъзи араблар Исломдан юз ўгириб яна буту-санамларга ибодат қилишга, мушрикликка қайтганлар.

Иккинчи турлари Мусайлима тул Каззоб, Сажоҳ, Тулайҳа ал-Асадий ва ал-Асвад ал-Анасий каби сохта пайғамбарларга эргашганлари ҳам бўлди.

Ўшанда Той, Асад қабилалари ва уларга тобеъ бўлган бошқа Ғатафон қабилалари ўзини пайғамбар деб эълон қилган Тулайҳа ибн Хувайлид ал-Асадийга эргашиб диндан чиққан эдилар.

Бану Ҳанийфа эса бутун боши билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳам у зотдан пайғамбарликнинг яримига шерик бўлишни талаб қилиб чиққан Мусайлима тул Каззобни пайғамбар деб тан олиб муртад бўлган эдилар.

Тарихчиларимизнинг таъкидлашларича Макка, Мадина ва Тоифдан бошқа тарафлар турли шакларда Исломдан қайтган эди.

Учинчи бир турлари эса иймон-Исломнинг ҳамма шартларини бажариб туриб, фақат закот беришдан бош тортдилар. Улар «биз закотни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга берар эдик. Энди, у вафот этди, закот

оладиган одам қолмади», дейишди.

Халифа Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ана шундоқ оғир ва хатарли бир пайтда саҳобаи киромларни тўплаб маслаҳат қилдилар.

Хатиб Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қабз қилиниб Мадинада нифоқ бош кўтарганда, араблар муртад бўлганда, ажамлар ҳам муртад бўлиб бир-бирлари билан хабарлашиб Ноҳавандда тўпланишга ваъдалашганда ва, «арабларнинг нусратига сабаб бўлган одам ўлди», дейишганда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу муҳожир ва ансорларни жамлади. У уларга қарата:

«Манави араблар қўйлари ва туяларини ман қилдилар ва динларидан қайтдилар. Анави ажамлар Ноҳавандда тўпланишга ваъдалашиб сизга қарши урушга одам йиғмоқдалар. Сизнинг нусратингизга сабаб бўлган одам ўлди деб даъво қилмоқдалар. Менга маслаҳат беринглар. Мен ҳам сизларнинг бирингизман. Сизнинг ичингизда бу балонинг юкини кўпроқ кўтарадиганингизман», деди.

Улар узоқ жим қолдилар. Сўнгра Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу гапирди:

«Аллоҳга қасамки, эй Расулуллоҳнинг халифаси, менимча, араблардан намозни қабул қилиб закотни қўйиб турсанг. Улар жоҳилиятдан эндигина чиқдилар. Исломга унча ўрганмаганлар. Ё Аллоҳ уларни яхшиликка қайтарар, ё Аллоҳ Исломни азиз қилиб уларнинг урушига қувватли бўлиб ҳам қоларсан. Муҳожир ва ансорларнинг қолганларининг ҳам арабларга, ҳам ажам-ларга икки қўллари йўқ (кучлари етмайди)», деди.

Усмонга қараган эди у ҳам шунга ўхшаш гап айтди. Алига қараган эди у ҳам шунга ўхшаш гап айтди. Муҳожирлар ҳам уларга эргашдилар. Аносрийларга қараган эди, улар ҳам ўшанга рози бўлдилар.

Бу ҳолни кўрганда минбарга чиқди, Аллоҳга ҳамду сано айтди ва:

«Аммо баъду; Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни юборганда ҳақ оз ва тирқираган эди. Ислом ғариб ва қувилган эди. Унинг арқони заиф ва аҳли оз эди. Бас, Аллоҳ уларни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жамлади ва боқий ҳамда энг яхши уммат қилди. Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг амрини адо қиламан! Аллоҳнинг йўлида токи Аллоҳнинг Ўзи бизга берган ваъдасини юзага чиқаргунча жиҳод қиламан! Биздан ким қатл этилса жаннати бўлади. Ким қолса Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси ва У зотнинг бандаларининг ҳақ вориси бўлиб қолади! Гапидан кейин бошқа гапга ўрин йўқ зот бўлган Аллоҳ, «Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни ваъда қилди», деган.

Аллоҳга қасамки, агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бериб турган бир улоқни ман қилсалар ҳам, сўнгра улар билан дову дарахтлар, тоғу тошлар ва инсу жинлар келса ҳам руҳим Аллоҳга эришгунча урушаман! Аллоҳ намоз билан закотни орасини ажратиб туриб кейин жамлагани йўқ!» деди.

Ушбу ривоятдан билинадикки, саҳобаи киромлар бошқа муртадларга қарши уруш эълон қилишда иттифоқ бўлсалар ҳам закотни беришдан бош тортганларни вақтинчалик тек қўйишни таклиф қилганлар. Аммо Халифа Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бунга кўнмаганлар. Кейинчалик саҳобаи киромлар номидан Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бу масалада Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан яна бир бор гаплашиб ҳужжат тортишишганлар.

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаийлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилиб У зотдан кейин Абу Бакр халифа бўлганида араблардан ким кофир бўлса бўлди. Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга:

«Қандоқ қилиб одамларга қарши уруш қиласан? Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Токи одамлар «Лаа илаҳа иллаллоҳ» дегунларича уруш қилишга амр қилиндим. Ким уни айтса, шубҳасиз, мендан молини ва жонини сақлаган бўлади. Магар ҳаққи билан бўлса бундан мустасно. Унинг ҳисоби Аллоҳнинг ўзига», деганларку?!»-деди. Абу Бакр:

«Аллоҳга қасамки, ким намоз билан закотнинг орасини фарқласа у билан, албатта, уруш қиламан. Чунки закот молнинг ҳаққидир. Аллоҳга қасамки, агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бериб турган бир улоқни ман қилсалар ҳам. Анашу ман қилингани учун, албатта, уларга қарши уруш қиламан»-деди. Умар:

«Аллоҳга қасамки, бу-Аллоҳ Абу Бакрнинг дилини урушга буриб қўйганидан бошқа нарса эмас эди. Мен унинг ҳақ эканини билдим»-деди».

Ушбу ҳадисида закот беришдан бош тортган қабилалар ҳақида сўз кетмоқда.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Токи одамлар «Лаа илаҳа иллаллоҳ» дегунларича уруш қилишга амр қилиндим. Ким уни айтса, шубҳасиз мендан молини ва жонини сақлаган бўлади», деган гапларини далил қилиб келтирдилар.

Ҳазрати Умар халифа Абу Бакр розияллоҳу анҳуга «Қандоқ қилиб «Лаа илаҳа иллаллоҳ», деб турган одамларга қарши уруш қиласан?!» дедилар.

Бунинг устига улар намоз ўқиб, рўза тутиб, ҳаж қилиб ҳамда яна бошқа ибодат ва амалларни ҳам қилар эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг бунчалик қаттиқ туришлари бежиз эмас эди. У кишининг бу борада жуда ҳам кучли далиллари бор эди:

1. Имом Бухорий ва имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар ҳатттоки, «Лаа илаҳа иллаллоҳ» ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ», деб шаҳодат келтиргунларича, намозни қоим қилиб, закотни бергунларича уларга қарши уруш қилишга амр қилиндим. Агар ўшани қилсалар, мендан қонларини сақлаган бўладилар. Магар Ислом ҳаққи ила бўлса бундан мустасно. Ҳисоблари эса Аллоҳнинг зиммасида», деган эканлар.

2. Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Насайлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар ҳатттоки «Лаа илаҳа иллаллоҳ» деб шаҳодат келтиргунларича ва менга ҳамда мен келтирган нарсага иймон келтиргунларича уларга қарши уруш қилишга амр қилиндим. Қачон шуни қилсалар мендан қонлари ва молларини сақлаган бўладилар. Магар ҳаққи билан бўлса бундан мустасно. Ҳисоблари эса Аллоҳнинг зиммасида»-деган эдилар.

3. «Магар ҳаққи билан бўлса бундан мустасно»-дейилган жумла ҳазрати Умар далил қилиб келтираётган ҳадисда ҳам бор эди. Закот бермаганларнинг қони тўкилиши ҳақ эканлиги шунга кирар эди.

Шунинг учун ҳам ҳазрати Умар дарҳол ўз фикрларидан қайтдилар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фикрига қўшилдилар.

Шундай қилиб, Ислом тарихида «Ридда урушлари» номи билан машҳур урушлар бошланди. Бу урушларда кўплаб мусулмонларнинг қони тўкилди. Ўша қон тўкилганларнинг баъзилари закотини бермаганлари учун шу ҳолга тушдилар. Чунки улар Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига исён қилган эдилар, бева-бечора, фақир-фуқаро ва мискин-камбағалларнинг ҳақларига хиёнат қилган эдилар. Улар Аллоҳ таоло Ўзларига берган неъматнинг шукрини қилмай, омонатга хиёнат қилган эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг қонини тўкиш жоиз кўрилди. Бунга уларнинг ўзлари осийлик тасарруфлари ила сабаб бўлдилар.

Иккинчи томондан чин мусулмон, Ислом умматининг гултожи бўлган кўплаб саҳобий ва тобеъинларнинг қонлари тўкилди. Аммо ҳақ йўлида, миллатнинг бева-бечоларлари, фақир-фуқаролари ҳаққини ҳимоя қилиш йўлида тўкилган қон бекор кетмайди, шон-шараф қони бўлади, деб ҳисобланди. Аллоҳнинг йўлида, ер юзида илоҳий адолатни ўрнатиш

йўлида берилган жон ўлган ҳисобланмайди, деб ҳисоб қилинди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳунинг лашкарини қайтиб келишини кутиб муртадларга қарши жанг бошламай турдилар. Аммо муртадлар айна Усома розияллоҳу анҳунинг лашкари сафарда экнлигидан фойдаланмоқчи эдилар.

АБАС ВА ЗУБЁН ИШИ

Нажд тарафлик Абас ва Зубён қабилалари Мадинаи Мунавварага ҳужум қилиш ниятида унинг яқинидаги Абрақ ва Зул қисса номли жойларга келиб тушдилар. Уларга Бани Асад ва бошқалар ҳам қўшилдилар. Улар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга элчилар юбориб намоз билан кифояланиб закотни бекор қилишни талаб қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу уларнинг бу таклифини қабул қилмадилар. Элчилар ноумид бўлиб қайтдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу уларнинг Мадинага беҳосдан ҳужум қилиб қолишларидан хавфсираб чора кўра бошладилар. Ҳазрати Али, Зубайр ибн Авом, Толҳа ибн Убайдуллоҳ ва Абдуллоҳ ибн Масъудлар бошчилигида шарҳарнинг чет тарафларига қўриқчилар қўйдилар. Шаҳар аҳолисини масжидга тўпланиб туришга амр қилдилар.

Закотни ман қилувчиларнинг элчилари қайтиб борганларида улардан хабарни эшитиб, Мадинада одам озлигини билиб шаҳарга юриш бошладилар.

Қўриқчилар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга одам юбориб душман бостириб келаётганини билдирдилар. У киши мусулмонларни туяларга миндириб олиб чиқдилар. Душман қоча бошлади. Мусулмонлар уларни Зи хушубгача қувиб бордилар. Ўша ерда душманлар пуфлаб шиширилган катта мешларни мусулмонлар томон думалатишди. Туялар мешлардан қўрқиб ортга қараб қочдилар. Аллоҳнинг фазли ила мусулмонлардан ҳеч ким туядан йиқилмади.

Кечаси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билдирмасдан душман устига бостириб бордилар. Улар мусулмонларни ўз устиларида турганларини кўриб саросимага тушиб тум тарақай бўлиб қочишга турдилар. Тонг отганда яқин орада бирорта ҳам душман қолмаган эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу одамлар билан уларни Зул қиссагача қувиб бордилар ва у ерга Нўъмон ибн Миқранни қўйиб қайтдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Мадинага қайтиб келганларидан кейин Усома розияллоҳу анҳу ўз лашкарлари билан қайтиб келди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу у кишини ўз ўринларига таъйинлаб, лашкарларига дам бериб ўзлари Зи хушуб ва Зул қисса томон йўл олдилар.

Кейин Рибда номли жойга бориб, у ердаги муртадларга қарши жанг қилиб энгдилар. Зубённи ҳам қўлга олиб мусулмонларнинг ҳайвонлари учун қўриққа айлантирдилар.

МУРТАДЛАРГА ҚАРШИ ЛАШКАРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу юқорида зикр қилинган юришлардан Мадинага қайтиб келганларидан кейин, Усома розияллоҳу анҳунинг лашкари дам олиб бўлгандан кейин Мадинаи Мунавваранинг ташқарисига аскаргоҳ қурдилар. Вазиятни чамалаб кўриб ўн битта лашкар туздилар ва уларга қўмондонлар таъйин қилдилар ҳамда уларнинг вазифаларини белгиладилар.

1-Холид ибн Валид лашкари.

Тулайҳа ибн Хувайлид ал-Асадийга боради. Ундан фориф бўлгандан сўнг Молик ибн Нувайрага ўтади.

2-Икрима ибн Абу Жаҳл лашкари.

Ямомадаги Мусайлима ал-Каззобга боради.

3-Шурҳабийл ибн Ҳасана лашкари.

Икримага ёрдамга боради.

4-Муҳожир ибн Абу Умаяя лашкари.

Ал-Анасийнинг аскарига қарши боради. Кейин Кинда томон ўтади.

5-Ҳузайфа ибн Муҳсон ал-Ғалақоний лашкари.

Аҳли Дубаа томон боради.

6-Арафжа ибн Ҳарсама лашкари.

Муҳра аҳлига боради. Кейин ўзларидан аввалги лашкар ила бирлашади.

Ҳар ким ўз амирлигини қилаверади.

6-Сувайд ибн Муқаррин лашкари.

Яманнинг Тухамасига боради.

8-ал-Алаа ибн ал-Ҳазрамий лашкари.

Баҳраинга боради.

9-Турайфа ибн Ҳожир лашкари.

Бани Салим ва ҳавазонликларга боради.

10-Амр ибн Осс лашкари.

Қузоъага боради.

11-Холид ибн Саъид ибн Осс лашкари.

Шом тарафларга боради.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу фақат лашкар тузиш уларга амирлар таъйин қилиш билан кифояланмадилар, ишни яна ҳам пухта қилишга ўтдилар. Шу мақсадда у киши амирларга қўлланма хати ҳам ёзиб бердилар. Лашкарлардан олдин муртадларга ҳам мактублар юбордилар.

Бу тадбирлар Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ўта уста сиёсати эди. Энди ўша пайтда амирларга ва муртадларга қаратилган мактубларнинг матни ила танишиб чиқайлик.

АМИРЛАРГА МАКТУБ БИСМИЛЛАҲИР РОҲАНИР РОҲИЙМ

Ушбу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг халифаси Абу Бакрдан Фалончига уни одамлар билан Исломдан қайтганларга қарши урушга юборганда берилган аҳдномадир. Унга қўлидан келганича барча ишида; сирида ҳам, ошқорида ҳам Аллоҳга тақво қилишга аҳд қилди. Аллоҳнинг ишида жиддий бўлишга Ундан қайтганларга, Исломдан юз ўгириб шайтоннинг алдовига учганларга қарши уларга узр айтишга имкон бергандан ва Исломга даъват қилгандан кейин жиҳод қилишга амр қилди. Агар унга ижобий жавоб қилсалар уларга тегмайди. Агар ижобий жавоб бермасалар, то иқрор бўлгунларича уларнинг устига ғарот қилади. Сўнгра уларга вазифалари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида хабар беради. Уларнинг зиммасидаги нарсаларни улардан олади. Уларнинг ҳақларини кеч қолдирмай беради. Мусулмонларни душманларининг қитолидан рад қилмайди. Ким Аллоҳнинг амрига ижобий жавоб қилса ва иқрор бўлса, уни ундан қабул қилади ва яхшилик ишларда ёрдам беради. Аллоҳнинг назидан келган нарсага иқрор бўлгандан кейин Аллоҳга куфр келтирганларга қарши қитол қилади. Қачон даъватни қабул қилса, унинг зиддига йўл йўқ. Уни қилган ҳар бир ишида Аллоҳнинг Ўзи ҳисобини қилади. Ким Аллоҳнинг даъватчисига ижобий жавоб қилмаса, қаерда бўлса ҳам қатл қилинади. Аллоҳ ҳеч кимдан ўзи берган нарсалар ичида фақат Исломнигина қабул қилади. Ким қабул қилса ва иқрор бўлса, ундан узри қабул қилинади ва унга ёрдам берилади. У кимга қарши уруш қилса ва Аллоҳ азза ва жалла уни ғолиб қилса уларни қатлнинг барча усуллари ила; силоҳ билан бўлсин, ўт билан бўлсин қатл қилади. Сўнгра Аллоҳ берган ўлжаларни бешдан биридан бошқасини тақсим қилади. Бешдан бирини бизга етказди. Ўз соҳибларини шошқалоқликдан ва фасоддан ман қилади. Уларнинг ичига бегоналарни киритмайди. Жосус бўлиб уларнинг сирларини билиб олиши бор. Мусулмонларни ичидан бузиши бор. У мусулмонларни эҳтиёт қилади. Уларга юриш пайтида ҳам, манзилда ҳам меҳрибон бўлади. Уларнинг ҳолида хабар олиб туради. Улар бир бирларига шошқалоқлик қилмайдилар. Мусулмонларга яхши суҳбатдош бўлиш ва юмшоқ сўз бўлиш ҳақида насиҳат қилади». (Тобарий келтирган)

Ушбу аҳдномадан бир нусхани ҳар бир амир доимо ўзи билан олиб юрар эди. Ўзига яраша қўлланма бўлган бу ҳужжат қанчалик аҳамиятли экани

унинг матнидан билиниб турибди. Албатта, бундоқ ҳужатни олиб юрган амир ҳам, унинг лашкари ҳам катта аҳамиятга эга ҳужжатни олиб, унга амал қилиб юргани турган гап.

МУРТАДЛАРГА МАКТУБ БИСМИЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаси Абу Бакрдан. Менинг ушбу мактубим етган Исломда тургану ундан қайтган барча оммага ва хосларга. Ҳидоятга эргашганларга, ҳидоятдан залолатга ва ҳавойи нафсга қайтмаганларга саломлар бўлсин. Мен сизлар учун Аллоҳга ҳамд айтаман. У зотдан ўзга илоҳу маъбуд йўқ. Ва Аллоҳдан ўзга илоҳу маъбуд ҳам, Унинг шериги ҳам йўқ деб, албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг бандаси ва Расули деб гувоҳлик бераман. Ва у зот келтирган нарсага иймон келтираман.

Аммо баъду; Албатта, Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Ўз ҳузуридан ҳақ ила халққа хушxabар берувчи ва огоҳлантирувчи, Аллоҳга даъват қилувчи ва нур таратувчи чироқ қилиб юборгандир. Ҳаёт бўлганларни огоҳлантириш ва ҳақ сўзни кофирларга ҳақ қилиш учун. Аллоҳ ҳаққа Унга ижобат қилганларни ҳидоят қилур. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам У зотнинг изни ила У зотдан қайтганларга зарба бердилар. Ҳаттоки итоат қилган ва қилмаган ҳолда Исломга келишди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар. У зот Аллоҳнинг амрини ижро келтирдилар. Ўз уматларига насиҳат қилдилар. Ўз зиммаларидагини адо этдилар.

Аллоҳ бу нарсани аҳли Исломга баён этган эди. Бас, У зот, «Албатта, сен ҳам ўлгувчисан, улар ҳам ўлгувчидирлар», деган. Ва яна У зот, «Сендан олдин ҳам бирор башарга абадийликни қилганимиз йўқ. Агар сен ўлсанг, улар абадий қолар эканларми?» деган. У зот мўминларга, «Муҳаммад ҳам бир Пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам Пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлар», деган.

Ким Муҳаммадга ибодат қилаётган бўлса, батаҳқиқ, Муҳаммад вафот этди. Ким шериги йўқ, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилаётган бўлса, албатта, Аллоҳ кузатиб турибди. У тирикдир. У доимо қоимдир. У ўлмайди. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди. У ўз ишини соқловчидир. У Ўз душманидан Ўз ҳизби орқали интиқом олувчидир.

Мен, албатта, сизларга Аллоҳдан қўрқишни тавсия қиламан. Сизнинг Аллоҳдан бўлган насибангиз ва улушингиз Набийингиз келтирган нарса ва

Аллоҳ азза ва жалланинг динини маҳкам тутишингиздир. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмаса, албатта, у залолатга кетадир. Ким У зотни танимаса, мубтало бўладир. Кимга У нусрат бермаса, ўша хордир. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, ўша ҳидоятга тушгандир. Кимни У зот адаштира, залолатдадир. «Кимни Аллоҳ ҳидоятга бошласа, ўша ҳидоят топгувчидир. Кимни адаштира, бас, ҳаргиз унга иршод қилувчи бирон дўст топа олмассан».

Ундоқ одамдан бу дунёда, ҳатто У зотга иқрор бўлмагунича, амал қабул қилинмас. Охиратда ундан сарфи ҳам адли ҳам қабул қилинмас.

Батаҳқиқ, менга сиздан Исломга иқрор бўлиб унга амал қилгандан сўнг, Аллоҳ азза ва жалла ҳақида ғурурга кетиб, ўз ишида жоҳил бўлиб ва шайтонга ижобат қилиб ўз динидан қайтганларнинг хабари келди. Саноси улуғ зот демишки, «Фаришталарга: «Одамга сажда қилинлар», деганимизни эсла. Бас, ўшанда улар сажда қилдилар. Магар Иблис қилмади. У жиндан бўлган эди. У ўз Роббининг амридан чиқди. Энди сизлар Мени қўйиб уни ва унинг зурриётларини дўст қилиб оласизларми?! Ҳолбуки, у сизларга душман-ку! У золимлар учун нақадар ёмон бадалдир», деган. Зикри буюк зот яна, «Албатта, шайтон сизга душмандир. Бас, уни душман тутинг. У ўз гуруҳини фақат ўта қизиган дўзахга эга бўлишларига чақиради», деган.

Мен Холид ибн Валидни муҳожирлар, ансорлар ва яхшиликла тобеъин бўлганлардан иборат лашкар ила юбордим. Уни Аллоҳнинг даъватчисига даъват қилмай туриб бирор кишига қарши уруш қилмасликка амр қилдим. Бас, ким ижобий жавоб берса, иқрор бўлса, тўхтаса ва солиҳ амал қилса, ундан ани қабул қилур ва унга ёрдам берур. Ким бош тортса унга қарши ўшанинг учун уруш қилишга, қодир бўлгунича бирортани қодирмасликка, уларни олов ила куйдиришга, қандоқ қилиб бўлса ҳам қатл қилишга ва хотинлар ҳамда болаларини асир қилишга амр қилдим. У ҳеч кимдан Исломдан бошқа нарсани қабул қилмайди. Ким иймон келтирса, ўзи учун яхши. Ким иймонни тарк қилса Аллоҳдан қочиб қутила олмайди.

Батаҳқиқ элчимга ушбу мактубимни сизларнинг барча тўпланиш жойларингизда ўқимоқни амр қилдим. Чақириқ озондир. Мусулмонлар озон айтганларида улар ҳам озон айтсалар, уларга тегманглар. Агар озон айтмасалар улар нимада эканларини сўрасинлар. Агар бош тортсалар, ишларини битиринглар. Агар иқрор бўлсалар, улардан қабул қилинур ва уларга лозим бўлган нарсага амр қилинур». (Тобарий келтирган)

Ушбу тарихий ҳужжатдан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қанчалик дақиқ сиёсатчи эканлари яққол кўриниб турибди. Бу мактубда ваъз насиҳат ҳам, эслатма ҳам, далил ҳужжат ҳам, меҳр шафқат ҳам, дўқ

пўписа ҳам, қаттиқ қўллик сиёсати ҳам ўз ўрнида ишлатилган. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу муртадларга ўзларини ўнглаб олиш учун кенг шароит яратганлар. Қайта-қайта уларга имкониятлар яратганлар. Ана ўшанда ҳам ўзига келмаганларга қатъият ила чора кўришларини англатганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ушбу мактубнинг турли нусхаларини ўз элчилари ила лашкарлардан олдин турли жойларга юбордилар. Шу билан муҳим бир тадбирни ўтказишдан олдин аҳолининг кенг оммаси ичида керагича тарғибот ишларини олиб бордилар. Ҳамма нарса тадбирни бошлашга тайёр бўлгандан кейингина лашкарларни юборишни бошадилар. Урва розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр муҳожир ва ансорийлар билан чиқиб Нажд тарафдаги Нақъгача борди. Аъробийлар бола-чақаларини олиб қочдилар. Одамлар Абу Бакрга: «Сен Мадинага; зурриётлар ва аёллар олдига қайт. Лашкарга амир таъйин қил», дедилар. Уни қайтмасига қўймадилар. У Холид ибн Валидни амир этиб таъйинлади ва унга:

«Қачон мусулмон бўлсалар ва закотни берсалар, булардан қайтишни истаганлар қайтсин», деди.

Дора Қутний Ибн Умардан ривоят қилади:

«Абу Бакр чиқиб, уловига минганда Али ибн Абу Толиб жиловдан тутди ва: «Эй Расулуллоҳнинг халифаси қаёққа? Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд куни айтган гапларини айтаман, қиличингни қинига сол. Бизни ўз нафсингда фожеъага учратма. Мадинага қайт. Аллоҳга қасамки, агар сенда фожеъага учрасак, абадул обод Исломнинг низоми бўлмас», деди».

Абу Бакр Мадинага қайтди.

ТУЛАЙҲАНИНГ ХАБАРИ

Тулайҳа ибн Хувайлид ал-Асадий аслида коҳин бўлган одам эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик пайтларида пайғамбарлик даъвосини қилган эди. Унга Бани Исроилдан афорийқлар эргашган эди. У Нажднинг шарқий тарафидаги, Ироққа яқинроқ, Бани Асаднинг Самийро номли юртида эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қарши урушиш учун Зирор ибн ал-Азвар ал-Асадийни юборган эдилар. У етиб борай деганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари хабари келиб қолди. Тулайҳанинг иши юришиб унга Ғатафон, Ҳавазон ва Той қабилалари ҳам қўшилди. Зирор Мадинага қайтди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Холид ибн Валидни ва унинг лашкарини

Тулайҳага қарши урушга юборганда Холиднинг лашкари ичида Адий ибн Хотим Тойи ҳам бор эди. У Холиддан олдин бориб ўз қавми-Бани Тойни Аллоҳнинг динига қайтишга даъват қилиш учун изн сўради. У бориб уларни даъват қилди. Улар уни қабул қилдилар ва Тулайҳани тарк қилиб Холиднинг лашкарига қўшилдилар. Адий розияллоҳу анҳу Тулайҳа билан бирга бўлган Бани Жудайлани ҳам даъват қилган эди, улар ҳам қабул қилдилар. Сўнгра Холид муртадлар билан Бузохада тўқнашда ва улар билан қаттиқ жанг қилди.

Тулайҳа урушга тоқати йўқлигини билганидан кейин олдиндан тайёрлаб қўйилган икки отга хотини билан миниб Шомга қочиб кетди. Унинг лашкари мағлуб бўлди.

Бани Асад ва Ғатафон қабилалари мусулмон бўлганидан кейин Тулайҳа ҳам Исломга кирди. У Ироқнинг фатҳ қилиш ишларида таҳсинга сазовор ишларни қилди. Тарихи ал-Хумийсда зикр қилинишича Тулайҳа Ноҳаванд жангида шаҳид бўлган.

Тулайҳа қочгандан кейин Ғатафон қабилалари Ҳавъаблик Салма бинти Молик ибн Ҳузайфа номли аёл атрофида тўпланишди. Бу аёл Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг даврларида мусулмонларга аср тушган эди. Уни Оиша онамиз озод қилган эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни уйга кирсалар, ўша аёл бир гуруҳ аёллар ичида Оиша онамиз билан ўтирган экан. Шунда у зот унга, «сизлардан бирингиз Ҳавъаб итларини ҳурдиради», деган эдилар. Мазкура аёлнинг ушбу қилган иши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўша гапларини тасдиғи эди. (Ибн Халдундан)

Холид бориб у аёлнинг лашкарига қарши жанг қилди. Аёл туяга миниб олган эди. Уни ҳимоя қиламан деб юз эркак ўлди. Сўнгра унинг ўзи ҳам қатл этилди ва лашкари мағлуб бўлди.

Бани омирликлар Асад ва Ғатафон қабилаларининг ҳолини кўриб Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг олдига келиб:

«Ўзимиз чиққан нарсага қайтамиз; Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирамиз», дедилар. Холид улардан буни қабул қилди ва намозни ўқиб, закотин бериш учун байъат олди. Ана ўша шарт асосида болалари ва аёллари ҳам байъат қилдилар. Сўнгра Холид Исломга қарши иш қилганларни келтиришни талаб қилди. Улар келтирилди ва қилганларига яраша жазоландилар.

Бани Сулайм қабиласини риддага қарши лашкарлардан Турайфа ибн Ҳожир лашкари Исломга қайтарди.

МОЛИК ИБН НУВАЙРА ХАБАРИ

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Тамимга олтита амир таъйин қилган эдилар. Улар; аз-Зарбуқон ибн Бадр, Қайс ибн Осим, Сафвон ибн Сафвон, Сабра ибн Амр, Вакиъ ибн Молик ва Молик ибн Навайралардир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин аз-Зарбуқон ибн Бадр ва Сафвон ибн Сафвонлар Абу Бакрга закотни бердилар. Қайс ибн Осим ва Молик ибн Навайралар эса закот беришдан бош тортдилар. Сўнгла уларнинг ичида Исломда боқий қолганлар билан муртад бўлиб закотни ман қилганлар ўзаро жанжал бошладилар.

Улар ўзаро ихтилоф қилиб турганларида уларнинг ерига Бани Тағлаблик Сажоҳ номли аёл келди. У насрония бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилганларидан кейин пайғамбарликни даъво қилган эди. Унга кўпгина араб авбошлари эргашган ҳам эди. У аёл Абу Бакрга қарши урушга отланди. Уларнинг ери Нажд тарафда эди. Бани Тамимга етганларида Сажоҳ Молик ибн Нувайрага одам юбориб, ярашишни талаб қилди. У ярашди ва уни Мадинага ғазот қилишни қўйиб Бани Тамимлик мусулмонларга қарши урушга чақирди. Улар эса аёлдан қочиб кетдилар.

Аёл бўлса Мадинага қараб юришда давом этди. У Нибожга етганида Бани Тамимлик бир қавм йўлини тўсиб чиқиб у билан уруш қилдилар ва кўпгина одамларини асир олдилар. Сўнгра у билан музокара олиб бориб ундан асирларни алмаштариш ва шу ердан қайтиб кетишни талаб қилдилар. Аёл Мадинага боришдан умид узиб Ямома томон юрди.

Бани Тамимликларнинг Молик ибн Нувайрадан бошқаси қилган ишларига надомат қилиб, Исломга қайтдилар. Унинг ўзи иккиланиб туриб қолди. Бутоҳ деган жойда қавми унинг атрофида тўпланди.

Холид Тулайҳа ишини битирганидан кейин у томон юрди. Молик унинг келаётганини эшитиб одамларини тарқалиб кетишга амр қилди. Холид уларнинг ортидан одам юбориб баъзиларини ушлатиб олиб келди. Уларнинг ичида Молик ибн Нувайра ҳам бор эди. Бас, Холид уларни қатл этишга амр қилди.

МУСАЙЛИМА ХАБАРИ

Бани Ҳанийфа элчилари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганда уларнинг ичида машҳур бузғунчи Мусайлима тул Каззоб ҳам бор эди. Бу набокор аввалроқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб юборган эди. Мактубда қуйидагилар айтилганди:

«Аллоҳнинг Расули Мусайлимадан, Аллоҳнинг Расули Муҳаммадга.

Аммо баъд; Мен бу ишда сенга шерик бўлдим. Бу ишнинг ярими бизгадир. Унинг ярими Қурайшгадир. Қурайш адолат қиладиган қавм эмаслар».

Ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қуйидаги жавобни ёзгандилар:

«Бисмиллаҳар роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан, Мусайлимага. Ҳидоятга эргашганларга саломлар бўлсин. Аммо баъд; Албатта, ер Аллоҳнинг мулкидир. Уни Ўз бандаларидан кимга хоҳласа ўшанга мерос қилур. Оқибат тақводорларникидир».

Бани Ҳанийфа элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирганларида Мусайлимани У зотдан кийимлари билан тўсиб турган эдилар. Бу каззоб шу ерда ҳам ўз набокорлигини қилганди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўз султонлари остидаги нарсанинг бир қисмини беришларини сўраганди. Шунда У зот қўлларидаги чўпни кўрсатиб:

«Сенга маншу чўпни ҳам бермайман», дегандилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Икрима ибн Абу Жаҳл лашкарини ўша Нажд тарафдаги, Ямомадаги Мусайлима ал-Каззобга юборди. Унинг ортида мадад учун Шурҳабийл ибн Ҳасанани яна бир лашкар билан юборди. Икрима Шурҳабийл ибн Ҳасанани кутиб турмасдан, ўзи ишни битирмоқчи бўлиб, шошилиб Мусайлиманинг аскарлари билан тўқнашди ва енгилди. Абу Бакрнинг ундан аччиғи чиқди ва Мадинага қайтиб келмасдан Яманга бориб Ҳузайфа ва Аржафага қўшилишга, улар билан бирга Аҳли маҳарга қарши уруш қилишга амр қилди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Холид ибн Валидга одам юбориб уни Мусайлима томон юришга амр қилди. Унга муҳожир ва ансорлардан иборат катта лашкарни мададга юборди. Шурҳабийл ибн Ҳасанани одам юбориб Холидни кутиб туришга амр қилди. Мусайлиманинг қирқ минг кишилик лашкари бор эди.

Мусайлима ва Бани Ҳанийфаликлар Холиднинг келаётганини эшитиб Ямоманинг четига аскаргоҳ қилиб одам тўпладилар. Уларга жуда кўп одам қўшилди.

Холид ҳам яқинлашиб келарди. Унинг лашкари олдида Шурҳабийл ибн Ҳасана боради. Бани Ҳанийфанинг аскаргоҳига бир кечалик йўл қолганда уларнинг Омирдан ўч олиб келайтган бир жангчи гуруҳини учратди. Бу гуруҳга Бани Ҳанийфанинг улуғларидан Мажоъа ибн Марора бошлиқ эди. Холид амр қилиб бошлиқларидан бошқасини қатл этдирди.

Сўнгра Холид бориб муртадлар лашкари ила тўқнашди. Икки томон қаттиқ жанг қилди. Дастлаб мусулмонларнинг иши юришмади. Муртадлар Холиднинг чодиригача етиб келдилар ва унинг хотинини асир олмоқчи бўлдилар. Уларни Мажоъа бу ишдан қайтарди. Сўнгра мусулмонлар бирлашдилар ва Аллоҳ уларга Ўз сакинасини нозил қилди. Холид ўз

одамлари ила ҳамла қилиб муртадларни ортига қайтарди.

Бани Ҳанийфаликлар аччиқланиб шиддатла жанг қилдилар. Холид уруш Мусайлиманинг зиддига бўлаётганини англади. Уни яккама-якка олишувга чақирди. У олишувга чиқди ва иши оғирлашиб қолганда қочди. Унинг одамлари ҳам қочишга турди. Холид мусулмонларга нидо қилди. Улар бирдан ҳамла қилиб муртадларни шармандаларча муғлуб этдилар. Муртадларнинг қолганлари Мусайлиманинг Ҳадийқатур Роҳман номли боғига кириб олишди. У қўрғонга кириш мусулмонлар учун қийин бўлди. Ансорийларнинг шижоатлиларидан Барроо ибн Молик, мени боғнинг ичига отинглар, деди. Шерикларни уни ўша боғнинг ичига улоқтирдилар. Унинг ёлғиз ўзи дашман билан жанг қила туриб эшикни очди. Мусулмонлар ундан кириб душманни қатл қилдилар. Қатл этилганлар ичида Мусайлима ҳам бор эди. Уни Ҳамза ибн Абдулмуттолибнинг қотили Ваҳ-ший билан яна бир ансорий ўлдирдилар. Ўша вақтда Мусайлима юз эллик ёшда эди.

Бу жангларда саҳобаи киромлардан етмиш киши шаҳид бўлдилар. Шаҳидлар ичида Абу Ҳузайфа ибн Утба, Солим мавло Абу Ҳузайфа, Шужоъ ибн Ваҳб, Зайд ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Саҳл, Молик ибн Амр, Туфайл ибн Амр ад-Давсий, Язийд ибн Қайс, Омир ибн Букайр, Абдуллоҳ ибн Махрама, Соиб ибн Усмон ибн Мазъун, Уббод ибн Бишр ва бошқа катта саҳобаи киромлар бор эди. Бу ҳодисалар ўн биринчи ҳижрий санада бўлиб ўтди.

Ўн иккинчи ҳижрий санада ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қолган муртадларга ўз лашкарларини юбордилар. Жумладан, ал-Алаа ибн ал-Ҳазрабийни лашкари билан Баҳрайнга юборди. У ўша ердаги муртадлар билан жанглар қилиб ғолиб келди ва аҳолини Исломга қайтарди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Икрима ибн Абу Жаҳлни Уммонга юборди. У ўз лашкари ила у ернинг аҳолисидан муртадларини Исломга қайтарди.

Муҳожир ибн Абу Умайя бошлиқ лашкарни Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Яманга, яна бир пайғамбарлик даъвосини қилганга қарши, Асвад Ал-Анасийнинг аскарларига қарши юборди. Муҳожир уларни енгиб Ислом ҳукмини қайтадан ўрнатди.

Сўнгра Муҳожир ибн Абу Умаяя яна бир муртад қавм Кинда аҳли томон юрди ва уларни ҳам мағлуб этди.

Ана шундоқ қилиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларининг халифалик вақтларида Ислом умматининг катта фитнадан сақланиб қолишига сабаб бўлдилар. Ҳамма диндан қайтганда қаттиқ туриб уларнинг Исломга қайтариш чораларини кўрдилар. Аллоҳ таоло у кишига ва биродарларига нусрат берди. Шу сабабдан фитна таг томири ила йўқотилди.

МАККА САФАРИ ВА ҲАЖ

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўн иккинчи ҳижрий сананинг Ражаб ойида Маккаи Мукаррамага сафар қилдилар ва ҳаж мавсуми келганда ҳаж қилдилар.

Бу ҳақда Ибн Саъд Ибн Умар, Оиша, Ибн Мусаййиб ва бошқалардан қилган қоришма ривоятда жумладан, қуйидагилар айтилади:

«Ўн иккинчи сананинг Ражабида Абу Бакр чошгоҳ вақтида Маккага кириб борди. Кейин манзилига борди. Абу Қўҳофа розияллоҳу анҳу ҳовлисининг эшигида ўтирган эди. У ўзи билан ўтирган ёш йигитлар билан гаплашаётган эди. Унга: «Ана! Ўғлинг!» дейилди. У ўрнидан турди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу уловини чўктиришга ҳам қарамасдан шошилиб тик (туя) турганда тушди. У, отажон ўрнингиздан турманг, деб югуриб бориб уни қучоқлади ва Абу Қўҳофанинг икки кўзи орасидан ўпти. Чол унинг келганига хурсанд бўлганидан йиғлай бошлади.

Маккага Итоб ибн Усайд, Суҳайл ибн Амр, Икрима ибн Аби Жаҳл ва Ҳорис ибн Ҳишом розияллоҳу анҳумлар келдилар. Бас, унга, «ассалому алайка, ё халифата Расулиллаҳ», деб салом бердилар. Уларнинг ҳаммаси у билан кўл бериб кўришдилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни зикр қилганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу йиғлай бошлади.

Сўнгра Абу Қўҳофа билан сўрашдилар. Абу Қўҳофа»

«Эй атийқ, манави қавмининг суҳбатини яхши қил», деди. Абу Бакр:

«Эй отажон! Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи, улуғ ишни бўйинга ўрадингиз. Унга Аллоҳнинг Ўзидан бошқа менда қувват ҳам икки қўл ҳам йўқ», деди.

Кейин кириб, ғусл қилди ва чиқди. Шериклари унга эргашдилар. У уларга, шошилмай юринглар, деди. Унга одамлар учрашди. Олдидан келиб сўрашишар ва Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида таъзия изҳор қилишар эди. У эса тинмай йиғлаган ҳолда Байтга етиб борди. Ридосига бир оз ёнбошлади. Сўнгра рукни истилом қилди ва етти марта тавоф қилди. Икки ракъат намоз ўқиди. Кейин манзилига қайтди. Пешин бўлганда яна чиқди, яна Байтни тавоф қилди. Сўнгра Доруннадвага яқин жойда ўтирди ва:

«Зулмдан шикоят қиладиган ёки ҳақ талаб қиладиган борми?» деди.

Унинг олдига ҳеч ким келмади. Одамлар волийларига яхши сано айтдилар. Сўнгра асрни ўқиди ва ўтирди. Одамлар у билан хайрлашдилар. Кейин у Мадинага қараб йўл олди.

Ўн иккинчи сананинг ҳаж вақти бўлганда, ўша йили Абу Бакр розияллоҳу анҳу одамлар ила ҳаж қилди. Ёлғиз ҳаж қилди. Мадинада ўз ўрнига Усмон ибн Аффонни қолдирди».

ҚУРЪОННИНГ ЖАМЛАНИШИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръон жамлаб китоб шаклига келтирилмаган эди. У кишининг вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг қалбида ва ёзган нарсаларида қолди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг мусулмонларга Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг даврида диндан қайтган муртадлар билан мусулмонлар орасида қаттиқ жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар шаҳид бўлдилар. Биргина Мусайлиматул Каззобга қарши Ямомада бўлган жангда етмиш саҳобаи киром шаҳид бўлди. Шунда ҳазрати Умар Абу Бакрга, Аллоҳ у зотлардан рози бўлсин, қорилар ўлиб кетаверса, Қуръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб жамлаб қўйиш керак, деган маслаҳатни берди.

Аввал бошда ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу иккиланиб турдилар, чунки бу иш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларида қилинмаган эди. У киши Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаган ишни қандоқ қилиб қиламан?!» деб туриб олдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳам айтганларидан қолмай:

«Аллоҳга қасамки, бу иш яхшидир», деб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ортларидан қолмай юравердилар.

Кейинроқ Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳам Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарур эканлигини англаб етдилар ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳуни чақириб:

«Биз сени ҳеч бир нарсада муттаҳам қилган эмасмиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Қуръонни ёзар эдинг. Энди яхшилаб суриштириб Қуръонни жамла», деб бу ишни амалга оширишни унга топширди. Чунки, Зайд ибн Собит Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръонни энг яхши ёд олган ва уни Пайғамбар ҳузурида ёзган, Пайғамбаримиз вафот этадиган йиллари Жаброил фариштага Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб ўтказганларида бирга бўлган эди.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ҳам аввал бошда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаган ишни қандоқ қилиб қиламан?!» деб туриб олдилар. Энди Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу:

«Аллоҳга қасамки, бу иш яхшидир», деб Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳуни бу ишга кўндиришга ҳаракат қилишга ўтдилар. Охири бориб Аллоҳ таоло Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қалбларига солган нарсани Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг

қалбларига ҳам солди. У киши Қуръонни жамлашга рози бўлдилар.

Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо ва бошқалар Қуръони Каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу улкан ишнинг мустаҳкам, ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда:

«Кимнинг қўлида ёзилган Қуръон бўлса ва уни Пайғамбаримиз ҳузурларида ёзилганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, Қуръонни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди», деб эълон қилдилар.

Икковлари масжидда ўтириб, гувоҳларни текшириб, ниҳоятда аниқлик билан бир йилдан ортиқ вақтда Қуръонни жамлаб бердилар. Сўнг кўпчиликка кўрсатдилар, ҳамма рози бўлди. Агар бирор ҳарфи ўрнида бўлмаса, минглаб ёд биладиганлар қарши чиқарди.

Лекин асосий таянч ёдлаш бўлиб қолаверади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам фариштадан ёдлаганлар, у кишидан саҳобалар, саҳобалардан эса улардан кейинги авлод ва ҳоказо, ҳозиргача етиб келган.

Шундай қилиб, Зайд ва Умар розияллоҳу анҳумоларнинг машаққатли уринишлардан кейин Қуръонни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб бўлдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўша саҳифаларни «мусҳаф» деб номладилар. Мусҳафни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар.

Бу иш Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида амалга ошган энг улуғ ишлардан бири бўлди. Аллоҳ таоло Ўзининг «Албатта, зикрни Биз нозил қилганмиз ва, албатта, уни Биз Муҳофаза қиламиз» деган ваъдасини амалга бир карра ошишига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни сабаб қилди.

Ислом тарихидаги бу улкан аҳамиятга молик иш ўн иккинчи ҳижрий санада бўлган дея оламиз. Чунки, Ямома уруши ўн биринчи сананинг охирида бўлди. Қуръонни жам қилиш бир йил давом этди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эса ўн учинчи санада вафот этдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг даврларида Қуръони Каримни жамлашдек нозик ва ҳассос ишни амалага оширилиши ўша вақтда у киши фақат жангу жадал билан овора бўлиб бошқа ишларга иккинчи даражали иш сифатида қарамаганларини кўрсатади.

Бу ерда яна бир муҳим масала бор. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Абу Бакр розияллоҳу анҳуга, «қорилар ўлиб кетаверса, Қуръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб жамлаб қўйиш керак», деган маслаҳатни берганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаган ишни қандоқ қилиб қиламан?!» деб туриб олишлари бежиз эмас эди. Абу Бакр Сиддиқ

розияллоҳу анҳу ва бошқа саҳобаи киромлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларидан ва қилганларидан қилча ҳам четга чиқмас эдилар. Аммо баҳслардан кейин бунга ўхшаш ишлар умматнинг ижтиҳодига боғлиқ қилиб қўйилгани маълум бўлди ва улар Қуръони Каримни жамлашга ижмоъ қилиб, ҳаммалари бир овоздан рози бўлдилар. Ана шунга ўхшаш суннат нимаю, умматнинг ижтиҳодига боғлиқ ҳолда қўйилган иш нима эканини ажратиб олиш доимо муяссар бўлавермаганидан ихтилофлар чиқади.

ИРОҚ ФАТҲИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ридда урушлари тамом бўлганидан кейин Ислом омонлиги, адолати, фазийлати, каромати ва нурини оламга тарқатиш ташвишига тушди. У киши ўзининг Ямомада турган музаффар лашкарбошиси Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуга қуйидаги мактубни ёздилар.

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳнинг бандаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаси Абу Бакрдан Холид ибн Валид ва у билан бирга бўлган муҳожир, ансорлар ва уларга яхшилик ила тобеъин бўлганларга.

Ассалому алайкум. Мен сизлар учун Аллоҳга ҳамд айтаман. У зотдан ўзга илоҳу маъбуд йўқ. Аммо баъду:

«Ваъдасини бажарган, бандасига нусрат берган, дўстини азиз қилган, душманини хор қилган ва ҳизбларга ёлғиз Ўзи ғолиб келган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Албатта, Аллоҳдан ўзга илоҳу маъбуд йўқ. У зот:

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди. Менгагина ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар», дегандир.

Бу Ундан ваъдадир. Хилофи йўқ. Айтилган гапдир. Шубҳаси йўқ. Ва мўминларга жиҳодни фарз қилиб:

«Сизга ёқмаса ҳам, жанг қилишингиз фарз қилинди. Шоядки ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядки ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ билади, сиз билмайсиз», деди.

Бас, Аллоҳнинг ваъдасини охиригача етказинглар. У зотга сизга фарз қилган нарсасида итоат қилинглар. Агар сизга қийинчилик катта, мусибат улуғ, машаққат узоқ бўлса ҳам. Бу йўлда молларингиз ва жонларингизда фожеъага учрасангиз ҳам. Албатта, улар Аллоҳнинг улуғ савобининг

олдида арзимас нарсадир. Бас, Аллоҳнинг раҳматига қолгурлар, Аллоҳнинг йўлида «Енгил бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам, қўзғолингиз ва Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз ила жиҳод қилингиз. Агар билсангиз, шу ишингиз ўзингиз учун яхшидир».

Огоҳ бўлинглар! Мен Холид ибн Валидни Ироқ томон юришга амр қилдим. У менинг амрим келмагунича ўша ерни тарк этмас. Сизлар у билан юринглар. Танбаллик қилманглар. Албатта, бу бир йўлки, унда ният яхши бўлса, яхшиликка рағбат кучли бўлса, Аллоҳ ажрни катта қилиб беради. Қачон Ироқда воқеъ бўлсангиз, менинг амрим келгунича ўша ерда бўлингиз. Бизни ҳам, сизни ҳам Аллоҳ бу дунё ва охиратнинг ташвишларидан соқласин. Вассалому алайкум ва баракотуху!» (Байҳақий сунанида келтирган)

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуга муртад бўлганлардан бирортасини ҳам ўз лашкарига олмасликни амр қилди.

Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу бошлиқ ушбу лашкарнинг ўша пайтдаги дунёнинг энг катта икки империясининг бири бўлган Форс империясига қарашли Ироқ ерларини фатҳ қилиш учун юришлари билан Исломнинг шонли фатҳлар аҳди бошланади.

Шу муносабат ила исломдаги фатҳ тушунчаси ҳақида бир оз ожизона фикр билдиришга ижозатингизни сўраймиз.

Мусулмон давлатида яшаётган иймонли-Исломли кишилар Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари ҳисобланадилар. Улар ер юзида адолат ўрнатиш, зулмни кўтариш, ҳамма ёқда ҳуррият ҳукм суришидан масъулдирлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлари шу масъулиятни тўлиқ тушунган ва ўшанинг тақозоси билан ҳаракат қилганлар. Улар масъулиятни адо этиш учун жиҳодга чиққанлар. Саҳобаларнинг жиҳодларини ва кейинги авлоднинг уни давом эттиришини кўпчилик турлича тушунади, турлича баҳолайди.

Душманлар буни босқинчилик ҳаракати, бошқа юртларни босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, халқларни қул қилиш, дея баҳолайдилар. Кофирлар ва уларнинг малайлари бу ҳаракатни «Араб истилоси» деб номлаганлар. Уларнинг айтишича, араблар бостириб келиб ҳаммаёқни ўзлариники қилиб олганлар. Кишиларни мажбуран Исломга киритганлар. Исломни қабул қилмаганларни ўлдирганлар ёки катта солиқ солганлар.

Ўзини Исломга дўст санаганлар ва кўпчилик мусулмонлар бу зулмкор баҳодан Исломни гўё «ҳимоя» қиладилар. Улар:

«Исломда жиҳод фақат ватанни ҳимоя қилиш учун жорий қилинган; Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам давридаги ҳамма урушлар

фақат мудофаа учун бўлган; Қуръони Каримдаги оятлар ҳам худди шу маънога далолат қилади», дейдилар.

Лекин бу икки тоифанинг даъволарини бир оз ўйлаб муноқаша қилинса, ҳамма нарса равшан бўлади.

Исломий фатҳларни «Араб истилоси» дейиш нотўғри эканлигини душманларнинг ўзлари ҳам билади, аммо Исломга қарши нимадир ўйлаб чиқариш керак бўлган. Натижада шу ибора ўйлаб топилган. Чунки фотиҳ мужоҳидлар ичида араб эмаслар ҳам кўп эди. Шу билан бирга, уларнинг ҳаракати ҳеч қачон истило бўлмаган. Мусулмонлар қаерга борсалар, динга даъват қилиш учун, адолат ўрнатиш учун борганлар. Ўша ерларнинг аҳолиси билан ака-ука бўлиб яшаб қолганлар.

Мусулмонлар ҳеч бир юртнинг молу мулкини талаб олиб кетмаган. Кишиларни Исломга киришга мажбур ҳам этмаган. Уларнинг муомаласи мустамлакачиларнинг номаъқул муомаласига мутлақо ўхшаган эмас. Буни инсофли ажнабий тарихчилар ва олимлар ҳам такрор-такрор қайд этганлар. Машҳур олим Томас Орланднинг «Исломга даъват» китобида бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган кўпгина ҳужжатли далиллар келтирилади.

Шуниндек, «ҳимоячи»ларнинг гапларига ҳам ўзига яраша эътирозлар чиқади. Масалан, агар Исломда жиҳод фақат мудофаа учун жорий қилинган бўлса, нима сабабдан саҳобалар Арабистон ярим оролидан чиқиб бошқа юртларга бордилар, у ерларда шаҳид бўлдилар, деган савол берилса, улар жавоб беришдан қийналиб қолишади.

Яхшиси, бу масалани саҳобаларнинг ўзидан сўраш керак. Тарихда шундай бўлган ҳам. Саҳобаи киромлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу бошчиликларида ўша даврдаги иккита катта империянинг бири Форс давлати чегарасига келиб тушдилар. Бундан хабар топган Форс давлати Рустам исми лашкарбоши раҳбарлигида тайёргарлигини кўриб қўйган эди.

Рустам мусулмонлар томон ўз элчиларини юборди. Форс элчилари мусулмонларнинг бошлиғини тополмай анча вақт овора бўлишди. Чунки Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг алоҳида ажратилган жойи ҳам, кийими ҳам йўқ эди. У киши лашкарлари билан аралашиб юрар эдилар. Элчилар у кишини одамлар орасида ерда ўтириб гаплашаётган ҳолда топдилар.

Ўзларини таништирган элчилар Форс давлати раҳбарлари мусулмонлар вакили билан гаплашмоқчи эканлигини билдиришди.

Саъд ибн Абу Ваққос орқаларига шундай қараган эдилар, ерда ёнбошлаб ётган, юпун кийинган Робиъ исми саҳобага кўзлари тушди. Унга:

«Сен булар билан боргин, бошлиқлари бизнинг вакилимиз билан

гаплашмоқчи экан», дедилар.

Робиъ розияллоҳу анҳу бир чапдаст ҳаракат билан найзасига таяниб от устига сакраб минди ва элчиларга қараб:

«Кетдик», деди.

Элчилар лол бўлиб туриб қолдилар. Бир жулдурвоқи кийинган «вакил»га, бир ерда ўтирган «амир»га қарашди. Ўзаро бир нималарни гаплашдиларда, ниҳоят, катталари Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга:

«Бундан кўра тузукроқ одам йўқми?» деди.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу:

«Ичимизда тузугимиз шу, вакил юборишни сизлар сўрадингиз, биз эмас», дедилар.

Ноилож қолган элчилар ўша вакилни олиб, йўлга тушдилар. Қароргоҳга яқинлашишлари билан элчилар отдан тушиб, таъзим қилиб юра бошладилар. Мусулмонларнинг вакили Робиъ розияллоҳу анҳу эса, уларнинг бу кулгули ҳолларини томоша қилиб, отдан тушмай кулиб ичкарига кирди. Аммо қоровуллар бирдан ёпирилиб, уни от устидан тортиб олишди ва улуғлари олдига от миниб бориб бўлмаслигини англатишди.

Аммо у киши бошини мағрур тутиб, найзасини ерга қадаб-қадаб кета бошлади. У ҳар сафар найзасини ерга урганида, ерга тўшалган бир йўлбарс терисини тешар эди. Робиъ розияллоҳу анҳу тўғри бориб, тахтда ўтирган бошлиқнинг ёнидан жой олди. Аммо хизматкорлар дарҳол у кишини пастга ўтиришга мажбур этишди. Шунда Робиъ розияллоҳу анҳу:

«Бизга сизлар ҳақингизда, адолатли подшоҳларингиз ҳақида хабарлар борар эди. Ҳаммаси беҳуда экан. Агар ўзингизга ўхшаш бир одамга шунчалар таъзим қиладиган бўлсангиз, бизга ҳеч ҳам тенг кела олмайсизлар», деди.

Форсларнинг каттаси таржимонга:

«Ундан сўра-чи, нима учун келишди экан?» деди.

Робиъ розияллоҳу анҳу бу савол жавобига асрлар бўйи қоида бўлиб қолган жумлани айтди.

«Аллоҳ таоло бизни бандаларни бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, динларнинг жабридан Исломнинг адлига, бу дунё торлигидан у дунё кенглигига чиқариш учун юборди», деди.

Ҳа, мусулмон фотиҳлар бошқа юртларга фойдаларини кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг амрини бажариш учун борганлар. Улар дунёдаги инсонлар қулликнинг турли кўринишларидан озод бўлиши учун курашганлар. Ер юзида фақат Аллоҳнинг ҳукми барқарор бўлишини истаганлар. Улар ер юзидаги бирон кимсага жабр ва зулмни раво кўрмаганлар. Ҳар ким хоҳлаган динини танлаб, Ислом адолатидан фойдалансин, деб ҳаракат

қилганлар. Улар қайси юрт тупроғига қадам қўйсалар, олдин ерли аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб борганлар. Чунки уларнинг вазифаси кишиларга Аллоҳнинг дини Исломни етказиш бўлган. Улар ҳақ динга тарғиб қила туриб, мусулмон бўл-саломат бўласан ёки динингда қолмоқчи бўлсанг, жизя бер; унга ҳам, бунга ҳам кўнмасанг, орамизда уруш бўлади, дейишган.

Мусулмон фотиҳлар:

«Биз тажовузкор уруш қилмаймиз, бировни динимизга киришга мажбур ҳам этмаймиз. Биз фақат бошқаларни Исломга даъват қиламиз, ким хоҳласа, мўмин бўлсин, хоҳламаса, кофирлигича қолсин. Ўзининг иши. Фақат бизнинг йўлимизни тўсмасин, бошқаларни даъват қилишимизга халақит бермасин. Исломга кирмоқчи бўлганларнинг ҳам йўлини тўсмасин. Бизнинг фикримизча, инсон фақат мусулмон бўлгандагина ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган бўлади. Бу ҳақиқатни одамларга етказиш бизга топширилган. Топшириқни адо этишимизга тўсиқ бўлма! Ким бетараф бўлса, марҳамат, четда тинч-омон тураверсин. Лекин ким бизга қарши чиқса, даъватга йўл бермаса, бошқаларнинг Исломни ўрганишига тўсиқ бўлса, у билан урушишдан бошқа илож қолмайди», дейдилар.

Исломда мусулмонларга уруш қилганларга қарши уруш қилинади, холос. Уруш пайтида Исломий қоида бўйича қари кишилар, ёш болалар, аёллар ва ибодатхоналарга тегиш мумкин эмас. Шунингдек, қурол кўтариб чиқмаганлар ҳам тинч қоладилар. Агар Аллоҳ нусрат бериб мусулмонлар ғолиб келсалар, душманни қуролсизлантириб, уларнинг Ислом соясида тинч-омон яшашлари жорий қилинади. Урушмасдан дастлабки даъватдаёқ ўз динида қолиб, жизя беришни ихтиёр этганлар ҳам мусулмонлар билан бирга тинч-омон яшайверадилар.

Жизя одамларни қийнаш учун жорий қилинган солиқ эмас. У ҳар бир бошга мажбурий ҳам эмас, балки қодир кишилардан маълум миқдорда олинадиган тўловдир. Биринчидан, жизя Аллоҳнинг динига даъват қилишнинг йўлини тўсмаслик, қарши турмаслик аломати сифатида берилади.

Иккинчидан, жизя берган шахсни мусулмонлар ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қиладилар. Унинг ўзи, молу мулки ва оила аъзоларининг ҳимоясини ўз зиммаларига оладилар. Жизя тўлаган киши ҳарбий хизматдан ва бошқа сафарбарликлардан озод қилинади.

Учинчидан, жизя тўлаган киши мусулмонлар тақдим этадиган оммавий-ижтимоий таъминотлардан фойда олади. Улар қурган кўприк, йўл, бозор ва бошқа нарсалардан фойдаланади. Қариганда, кексалик нафақаси олади.

Тўртинчидан, жия олгандан сўнг мусулмонлар юқорида зикр этилган ишларни бажара олмасалар, жияни қайтариб эгасига топширадилар.

Умуман, жия масаласига тузукроқ назар солинса, уни ҳар ким ўзи учун бериши аён бўлади. Худди шу маънода мусулмонлар ҳам Байтул молга закот-ушур ва бошқа йўллар билан ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ислондаги жиянинг адолатини янада яхши тушуниш учун уни танқид қилиб, адолатсиз деганлардан бирининг муомаласига назар солиш керак.

Демак, таклиф иккита; Ислон ёки жия бериш. Мусулмон бўлсалар, биродар бўлиб яшайверадилар. Жия берсалар, уларнинг ҳимояси, тинчлик-омонлиги ва диний эркинлиги мусулмонлар зиммасида бўлади. Урушни хоҳлаганлари уруш ҳам қилаверадилар. Мусулмонлар ўзлари эришган бахт-саодатга бошқалар эришишини ҳам истайдилар. Ана шу истак йўлидаги тўсиқларга, куфр, зулм ва туғёнларга қарши курашадилар. Фотиҳи музаффар Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу ўз халифаси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг кўрсатмаларига амал қилиб ишни ал-Убулла деган жойни фатҳ қилишдан бошлади.

Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг фотиҳ лашкарлари ал-Убулладан кейин ас-Сина, ал-Валжа ва Улайс деган жойларда душман билан тўқнашиб ғолиб келдилар. Кейин ал-Ҳайра, Анбор, Айнут тамр, Давматул жандал номли жойларни фатҳ қилдилар. Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг аскарлари ал-Ҳосийд, ал-Хунофис ва ал-Фирос номли ерларда ҳам рақибларни мағлуб этдилар.

Сўнгра Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу амр юбориб Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуни Шом томонга ўтишга амр қилдилар. Ироққа эса ал-Мусанна ибн Ҳориса аш-Шайбонийни таъйин қилдилар.

Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу Шомга кетганидан кейин форс подшоҳи Шаҳрийрон ибн Ардашер ал-Мусанна ибн Ҳориса аш-Шайбонийга қарши катта аскар юборди. Бобилда икки тараф тўқнашди ва мусулмонлар ғолиб бўлдилар.

Форс империяси танозулга юз тутди.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ СУННАТЛАРИГА АМАЛ ДАРАЖАСИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига оғишмай амал қилиш тимсоли эдилар, десак муболаға қилмаган бўламиз. У кишининг, «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаган нарсани қандоқ қиламан» деб туриб олганларини аввал ҳам бир неча бор кўрдик. Ана ўша ишлар ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига оғишмай амал қилишнинг кўринишларидан бири эди.

Энди бошқа кўринишларидан ҳам намуна учун ўрганайлик.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху бировдан тамаъ ила бир нарса сўрашни ёқтимас эдилар. У киши буни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: «Ким менга одамлардан бирор нарса сўрамасликнинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман»-деган ҳадисларга биноан қилар эдилар.

Имом Аҳмад Ибн Абу Маликадан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Гоҳида Абу Бакр розияллоху анхунинг қўлидан туясининг югани тушиб кетар эди. Шунда у туянинг биллагига уриб чўктирар ва уни олар эди. Одамлар:

«Бизга айтсангу, олиб берар эдик», десалар,

«Мени ҳабибим соллаллоху алайҳи васаллам одамлардан ҳеч нарса сўрамасликка амр қилган», дер эди.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан эшитилган ҳадисга амал қилиш қандоқ бўлишини бир кўриб ўйинг! Жаннатга кириш иштиёқи нечоғли кучли бўлишига бир эътибор қилинг! Бизни ҳам Аллоҳ таоло шундай даражаларга эриштирсин!

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига шароитга қараб ўзига фойда бўлса амал қилиб, бўлмаса тарк қилиш одати мутлақо йўқ эди. Балки ўша вақтда қандай ҳолат ёки оқибат бўлса ҳам тўла амал қилар эдилар. Бунга ҳам бир мисол келтирайлик.

Имом Муслим Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қизлари Фотима Абу Бакрга одам юбориб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан қолган Мадийнадаги, Фидкдаги ва Хайбарнинг хумсидан тегадиган меросини сўради. Шунда Абу Бакр:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам, «Биздан мерос олинмас. Биз тарк қилган нарса садақадир. Оли Муҳаммад манабу молдан ейди, холос», деганлар. Аллоҳга қасамки, албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг садақаларини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида бўлганидан бошқага ўзгартирмайман. Унда Фақат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қилган нарсдан бошқа нарсани қилмайман», деди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Фотимага бирор нарса беришдан бош тортди. Бунинг учун Фотима Абу Бакрдан аччиқланди».

Абу Бакр розияллоху анхунинг ушбу тасарруфларидан кўпгина ноқулайликлар келиб чиқди. Фотима онамиз у кишига гапирмай қўйдилар. У кишининг ҳурматларидан эрлари ҳазрати Али ҳам вақтинчалик бўлса ҳам муомалаларини ўзгартирдилар. Аммо Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху

учун булардан кўра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир оғиз гапларига амал қилиш устун эди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу фазийлатлари ўзларича, отамдан мерос олишим керак, деган ижтиҳодда бўлган Фотима онамизга бўлган кейинги муносабатларида яна ҳам яққол кўринади.

Имом Байҳақий ва Ибн Саъдлар аш-Шаъбийдан ривоят қиладилар:

«Фотима розияллоҳу анҳо бемор бўлганида унинг ҳузурига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу келиди ва киришга изн сўради. Али розияллоҳу анҳу:

«Эй Фотима, мана, Абу Бакр сенинг олдинга киришга изн сўрамоқда», деди.

«Унга изн беришимни истайсанми?» деди у.

«Ҳа», деди. У изн берди. Бас, у кириб ундан розилик сўраб:

«Аллоҳга қасамки, мен диёрни, молни, аҳлни ва қариндошларни тарк қилган бўлсам, фақат Аллоҳнинг розилигини деб, Унинг Расулининг розилигини деб ва сиз оли байтларнинг розилигини деб тарк қилдим, холос», деди. Кейин ундан розилик сўради, у рози бўлди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу суннатнинг ҳаммасига амал қилишга, амал қилганда ҳам бошқалар учун кичик иш кўринган нарсаларга ҳам ҳаммадан кўра яхшироқ амал қилишга ҳаракат қилар эдилар.

Имом Тобароний ал-Ағардан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ансорлардан бир кишидан бир журайб хурмо олишимни айтган эдилар. У бермай пайсалга солиб юрди. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган эдим, у зот:

«Эй Абу Бакр, бориб бунинг хурмосини олиб бергин», дедилар. Абу Бакр мен билан Бамдодни ўқигандан кейин, масжидда учрашишга ваъдалашди. Уни мен ила ваъдалашган еридан топдим. Биз юриб кетдик. Қай бир одам Абу Бакрни кўрса, унга салом берар эди. У менга:

«Бу қавмдан сенга етадиган фазлни кўргин. Бирор киши сендан аввал салом бермасин», деди. Биз бирор киши кўриниши билан ундан олдин салом берар эдик».

РУМ ҲАЗОТИ МАСЛАҲАТИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Румни фатҳ қилиш ҳақида кенгаш ўтказдилар. Ўша кенгаш ровийларимиз томонидан батафсил баён қилинган. Аниқ ва тўғри келтирилган васфлар сиз билан бизни саҳобаи киромларнинг шўро мажлисларига етаклаб боради. Келинг бир муддат бошқа нарсаларни унутиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бошлиқ саҳобаи киромларнинг шўро мажлисларида иштирок этайлик.

Ибн Асокир аз-Зухрийдан, у киши Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Румнинг ғазотини ирода қилганда Алини, Умарни, Усмонни, Абдурраҳмон ибн Авфни, Саъд ибн Абу Ваққосни, Саъид ибн Зайдни, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳни аҳли Бадр бўлган ва бошқалардан муҳожир ва ансорларнинг катталарини чақирди. Улар унинг олдига кирдилар. Мен ҳам уларнинг ичида бор эдим. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу:

«Албатта, Аллоҳ азза ва жалланинг неъматларининг ҳисоби йўқ. Амаллар уларнинг шукрига етмас. У зотга ҳамд бўлсин. Батаҳқиқ, Аллоҳ калиманингизни жам қилди. Ораларингизни ислоҳ қилди. Сизларни Исломга ҳидоят қилди. Сизлардан шайтонни қайтарди. У энди У зотга ширк келтиришингизни тамаъ қила олмайди. Бугунги кунда араблар бир ота, бир онанинг фарзандлари. Батаҳқиқ, мусулмонларни Шомдаги Румнинг жиҳодига сафарбар қилишни маъқул кўрдим. Бу Аллоҳ мусулмонларни қўллаши учундир. Аллоҳ Ўз калимасини олий қилиши учундир. Шу билан бирга бунда мусулмонларга улкан насиба бор. Чунки, улардан ким ҳалок бўлса, шаҳид ҳолида ҳалок бўлади. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса аброрлар учун яхшидир. Ким яшаб қолса динни мудофаа қилган ҳолида ва Аллоҳдан мужоҳидларнинг савобига ҳақдор бўлган ҳолида қолади. Бу менинг фикримдир. Энди менга маслаҳат беринглар», деди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб:

«Ўз халқидан кимга хоҳласа ўшанга хайрни хос қиладиган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳга қасамки, қачон бир яхшилик учун мусобақа қиладиган бўлсак, сен ҳаммамиздан ўзиб кетасан. Бу Аллоҳнинг фазлидир. Уни У зот кимга хоҳласа ўшанга берадир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир. Аллоҳга қасамки, мен сенга учрашиб сен айтган фикрни айтмоқчи эдим. У иш бўлмасдан аввал сенинг ўзинг айтиб қолдинг. Сен тўғри топдинг. Аллоҳ сенга тўғри йўлни кўрсатди. Уларга отлиқларни кетма-кет юбор. Одамларни ҳам бирин кетин юбор. Лашкарларни ҳам ортма-орт юбор. Албатта, Аллоҳ Ўз динига нусрат берувчидир, Ислом ва унинг аҳлини азиз қилувчидир», деди.

Кейин Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу туриб:

«Эй Расулуллоҳнинг халифаси! Албатта, у Румдир. Бани Асфардир. Қаттиқ темирдир. Шаддатли рукндир. Менимча улар устига бирдан бостириб боришимиз дуруст эмас. Лекин бир гуруҳ отлиқларни юборамиз. Улар чек ўлкаларга ғарот қилиб ҳузурингга қайтадилар. Агар бир неча марта шундоқ қилсалар, уларга катта зарар етказадилар. Уларнинг ерларидан ўлжалар оладилар. Шудоқ қилиб душманлар ўтириб қоладилар. Сўнгра сен

Яман ерларига Рабийъа ва Музарга одам юбориб ҳаммаларини ҳузурингда йиғасан. Кейин хоҳласанг ўзинг ғазот қиласан, хоҳласанг бошқани ғазот қилдирасан», деди-да жим қолди. Одамлар ҳам жимиб қолдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу уларга:

«Нима дейсизлар?» деди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб:

«Менимча, сен ушбу дин аҳлининг насиҳатчисисан ва уларнинг меҳрибонисан. Агар бирор фикр қилсанг қўпчиликнинг фойдасини ўйлаб қиласан. Ўзинг азму қарор қилавер. Биров сендан гумон қилмайди», деди.

Толҳа, Зубайр, Саъд, Абу Убайда, Саъид ибн Зайд ва ўша мажлисга ҳозир бўлган муҳожир ва ансор розияллоҳу анҳумлар:

«Усмон тўғри айтди. Ўз фикрингни амалга оширавер. Биз сенга хилоф ҳам қилмаймиз, тухмат ҳам қилмаймиз», дедилар. Яна шунга ўхшаш гапларни айтдилар. Али розияллоҳу анҳу одамлар ичида гапирмади. Абу Бакр:

«Сен нима дейсан? Эй Абул Ҳасан!» деди. У:

Менимча, сен улар томон ўзинг борсанг ҳам, бировни юборсанг ҳам иншааллоҳ нусрат топасан», деди.

«Аллоҳ сенга яхшилик башоратини берсин! Буни қаердан билдинг?» деди Абу Бакр.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, «Ушбу дин унга душман бўлганларга доимо ғолиб келадир. Токи дин ва унинг аҳли ғолиб бўлгунларича», деганларини эшитганман», деди Али.

«Субҳаналлоҳ! Бу қандоқ ҳам яхши ҳадис! Батаҳқиқ, у билан мени масрур қилдинг! Аллоҳ сени масрур қилсин!» деди Абу Бакр.

Сўнгра Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб Аллоҳни У зотга лойиқ эсга олди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва дуруд айтди ва:

«Эй одамлар! Албатта, Аллоҳ сизга Ислом неъматини берди. У зот сизларни жиҳодила мукаррам қилди. Аллоҳнинг бандалари! Тайёрланиглар! Шомдаги Румнинг ғазотига! Мен сизларга амирлар таъйин қилурман. Сизлар байроқлар тикурман. Бас, Роббингизга итоат қилинг. Амирларингизга хилоф қилманг. Ниятингиз, шаробингиз ва таомингиз яхши бўлсин. Албатта, Аллоҳ тақводорлар ва муҳсинлар биландир», деди Одамлар сукут сақладилар. Аллога қасамки, жавоб бермадилар. Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«Эй мусулмонлар жамоаси! Сизларга нима бўлди?! Расулуллоҳнинг халифасига жавоб бермайсизлар!? Ахир у сизларни ҳаётга даъват қилмоқдаку! Аммо, агар орзу ҳавас ва яқин сафар бўлганда шошилар эдингиз!» деди. Амр ибн Саъид розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб:

«Эй Ибн Хаттоб! Сен бизга мисол келтирасанми?! Мунофиқларнинг мисолини-я?! Бизни айблаётган нарсангни ўзинг бошласанг бўлмасмиди!» деди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«У агар мени даъват қилса жавоб беришимни, ғазот қилдирса ғазот қилишимни яхши билади», деди.

«Лекин биз ғазот қилсак сизлар учун қилмаймиз! Аллоҳ учун ғазот қиламиз!» деди Амр ибн Саъид розияллоҳу анҳу

«Аллоҳ тавфиқ берсин! Яхши айтдинг», деди Умар.

Шунда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Амр розияллоҳу анҳуга:

«Ўтир. Аллоҳ сенга раҳим кўрсатсин. Умар сен эшитган нарса ила бир мусулмонга озор бермоқи ҳам, уни айбламоқчи ҳам эмас. У сен эшитган нарса ила ерга ўтириб қолганларни жиҳодга чорламоқчи бўлди, холос», деди.

Кейин Холид ибн Саъид розияллоҳу анҳу туриб:

«Рост айтдинг. Эй Расулуллоҳнинг халифаси. Ўтир. Эй биродарим», деди. У ўтирди. Холид гапида давом этиб:

«Ўзидан бошқа илоҳи маъбуд йўқ бўлган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳидоят ва ҳақ дин ила мушриклар ёқтирмаса ҳам барча динлардан устун қилиш учун юборган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ваъдасини ижро қилувчи, айтганини зоҳир қилувчи ва душманини ҳалок қилувчи Аллоҳга ҳамд бўлсин. Биз хилоф қилувчи ҳам, ихтилоф қилувчи ҳам эмасмиз. Сен волий, насихатчи ва шафиқу меҳрибонсан. Бизни сафабар қилсанг сафарбар бўламиз. Бизга амр қилсанг итоат қиламиз», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу унинг гапидан хурсанд бўлиб кетди:

«Аллоҳ хайрингни берсин! Биродарим ва дўстим. Рағбат ила мусулмон бўлган эдинг. Савоб тилаб ҳижрат қилган эдинг. Аллоҳни ва Унинг Расулини рози қилиш учун, Унинг калимасини устун қилиш учун кофирлардан динингни олиб қочган эдинг. Сен одамларнинг амирисан! Қани, юр Аллоҳ раҳим қилгур!» деди.

Кейин у (минбардан) тушди. Холид ибн Саъид розияллоҳу анҳу қайтиб тайёргарлик кўра бошлади. Абу Бакр Билолга, «Одамлару одамлар! Шомдаги Рум жиҳодига қўзғолинглар!» деб жар чақиришни амр қилди.

Одамлар Холид ибн Саъидни ўз амирлари деб билдилар. Одамлар Холид ибн Саъиднинг ўз амирлари эканлигига шак қилмас эдилар. У эса ҳаммадан олдин аскаргоҳга чиққан эди. Сўнгра одамлар ҳар куни ўнтадан, йигирматадан, ўттизтадан, қирқтадан, элликтадан, юзтадан бўлиб аскаргоҳга кела бошладилар. Жуда кўп одам йиғилди.

Бир куни Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бир гуруҳ саҳобалар билан чиқиб аскаргоҳга етиб келди. Яхшигина ададни кўрди. Лекин Рум учун бу

ададга рози бўлмади. У ўз шерикларига:

«Манабунларни шу ададлари ила Шомга юборишим ҳақида нима дейсизлар?» деди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«Бани Асфар жамоалари учун бу ададга рози эмасман», деди. Абу Бакр шерикларига:

«Сизлар нима дейсизлар?» деди.

«Умар нима деган бўлса биз ҳам шуни деймиз», дейишди.

«Яманга мактуб ёзиб, уларни жиҳодга даъват қилиб, савобига тарғиб қилсакмикан?» деди у. Унинг ҳамма шериклари буни маъқул кўришди:

«Ҳа. Шу фикрингни амалга ошир», дейишди. У мактуб ёзди».

РУМ ҲАЗОТИНИНГ БОШЛАНИШИ

Ҳамма тайёргарликлар кўрилиб бўлгандан сўнг Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Рум ҳазотига бирин кетин аскарларни жўната бошлади.

Холид ибн Саъид бошлиқ лашкарни Шомнинг кириш қисмига юборди.

Амр ибн Осс бошлиқ лашкарни Фаластинга юборди.

Шурҳабийл ибн Ҳасана бошлиқ лашкарни Урдунга юборди.

Язид ибн Абу Суфён бошлиқ лашкарни ал-Балқо томонга юборди.

Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ бошлиқ лашкарни Ҳимс томонга юборди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳар бир лашкарни пиёда юриб кузатгани чиқар ва уларга дунё ва охиратларига фойдали бўлган насиҳатлар қилар эдилар. Ана ўша насиҳатлардан бирини, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Язид ибн Абу Суфёнга қилган насиҳатларини ибрат учун келтирамиз:

«Албатта, мен сени синаш учун, тажриба учун ва танлаб олиш учун бошлиқ қилдим. Агар яхши бўлсанг амалингга қайтараман ва зиёда ҳам қиламан. Ёмон бўлсанг бўшатаман. Аллоҳга тақво қилишни лозим тут. Зоҳирингдан кўринган нарса ботинингдан ҳам кўринади. Аллоҳга энг ҳақли киши Унга энг кучли дўст тутингандир. Одамларнинг Аллоҳга энг яқини Унга ўз амали билан кучли яқинлашганидир. Сенга Холиднинг ишини топширдим. Жоҳилиятнинг айбларидан сақлан. Аллоҳ уларни ва уларнинг аҳлини ёмон кўради. Қачон лашкаринг олдига борсанг, уларнинг суҳбатини яхшила, уларга яхшилик қилишдан иш бошла ва яхшиликни ваъда қил.

Ваъз қиладиган бўлсанг, қисқа қил. Чунки гапнинг кўпи баъзиси баъзисини унуттиради. Ўзингни яхши тутсанг, одамлар сенга яхшилик қиладилар. Намозларини ўз вақтида рукуъ, сужуд ва хушуъини батамом қилиб ўқи. Қачон олдинга душманинг элчилари келса, уларга икром кўрсат ва оз туришларига урин. Токи улар аскаргоҳингдан жоҳил ҳолларида чиқиб кетсинлар. Улар сенинг камчиликларингни ва билимингни англаб

олишларига фурсат берма. Уларни аскарингнинг бой жойига тушир. Бошқаларни улар билан гаплаштира. Улар билан фақат ўзинг гаплаш. Сирингни ошкорингга ўхшатма, яна ишинг аралаш-қуралаш бўлиб кетмасин. Қачон маслаҳат қилсанг сидқ ила гапир, содиқ маслаҳат оласан. Маслаҳат берувчидан яхшилигингни аяма.

Кечаси шерикларинг ила суҳбат қур, сенга хабарлар келади ва сендан пардалар очилади. Қўриқчиларингни кўпайтир ва уларни аскаринг ичига тарқатиб юбор. Уларга билдирмай, қўриқлаётган нарсаларини бирдан текшириб туришни кўпайтир. Кимни ўзи қўриётган нарсасидан ғофил қолганида ушлаб олсанг, яхшиликла адабини бер, уни жазолашни ҳаддан ошириб юборма. Уларни кечаю кундуз алмаштириб тур. Биринчи навбатни кейингисидан узунроқ қил. Чунки биринчиси кундузга яқин бўлгани учун осон бўлади.

Айбдорни иқоб қилишдан қўрқма. Бу ишда адашма. Унга шошилма ҳам. Уни хорловчи даражага етказма. Аскаргоҳинг ҳолидан ғофил қолиб, уни бузилишига йўл қўйма. Уларнинг ортидан жосуслик қилиб, шарманда қилма. Одамларнинг сирларини очма, сирингдаги билан кифоялан. Бекорчилар билан ўтирма. Аҳли сидқ ва вафодорлар билан мажлис қур. Учрашувларда содиқ бўл. Қўрқоқ бўлма, одамларинг ҳам қўрқоқ бўлиб қоладилар. Ўлжадан беркитиб олишдан четлан. У фақрни келтириб. Нусратни кеткизади. Ҳали ўзини ўша учун тиккан одамларни кўрасизлар». («Комил»дан)

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу юборган лашкарлар Шомга етиб бордилар.

Бу хабар Рум подшоҳи Гераклга етиб борганда у ўз қавмига мусулмонлар билан сулҳ тузушни таклиф қилди. Улар бош тортдилар. Кейин румликлар жуда ҳам кўп сонли аскар тўпладилар.

Амр ибн Осснинг таклифига биноан аскарбошилар тўпланиб маслаҳат қилдилар ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга хабар юбордилар. У киши уларга, «сизга ўхшаганлари озликлари учун эмас, гуноҳлари учун мағлуб бўладилар. Гуноҳлардан сақланиглар», деган хабар юборди.

ЯРМУК ЖАНГИ

Икки томон Ярмук деган жойда бир-бирига қарама-қарши ерлашди. Ўн учинчи ҳижрий сананинг Сафар, Робеъул аввал ва Робеъус сони ойларини ўша ерда ўтказишди.

Амирлар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ёрдам сўрашди. У киши Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуга ўз лашкарининг яримини олиб Ироқдан шомга ўтишга амр қилди. Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу етиб

келди ва ҳаммани бир қўмонданлик остида бирлаштиришни таклиф қилди. Кўпчилик унинг ўзини амир қилиб сайлашди. Жанг бошланди. Муслмонлар ғалабага эришдилар.

Тарихда «Ярмук жанги» номи ила машҳур бўлган ушбу муслмонларнинг тарихий ғалабаси билан тамом бўлган жанг тугаши билан музаффар фотиҳларга уларнинг маҳбуб халифалари Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳунинг вафотлари ҳақидаги хабарни эшитдилар.

Аслида хабар жангдан олдин келган эди. Унда Холид ибн Валид розияллоху анҳунинг амирликдан бўшатилигани Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоху анҳунинг амир бўлигани ҳақида ҳам гап бор эди. Лекин ҳал қилувчи жангдан олдин муслмонларга машъум хабарни билдирмаслик учун ҳам Холид ибн Валид розияллоху анҳу, ҳам Абу Убайда розияллоху анҳу уни беркитган эдилар.

АБУ БАКРНИНГ ВАФОТИ

Ўн учинчи ҳижрий сана Жумадул охира ойининг саккизинчи куни Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳу иситма касалига чалиндилар. Хасталик зўрая бошлади.

Имом Тобарий, Ибн ал-Жавзий ва Ибн Касирларнинг таъкидлашларича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳу хасталиклари оғирлашганда халқаро ва ички вазиятни ҳисобга олиб, ўзларидан кейин муслмонларнинг ихтилофга тушишларидан қўрқиб уларга ўз ўлимларидан олдин янги халифа танлашни таклиф қилдилар. Муслмонлар Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан кейин ким халифа бўлиши кераклигига тезда келиша олмадилар. Улар ишни Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳунинг ўзига оширдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳу хаста ҳолларида Абдурраҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон, Саъид ибн Заъд, Усайд ибн Ҳузойр ва бошқа муҳожир ансорлардан бўлган саҳобаи киромларни якка-якка чақириб бу иш хусусида маслаҳат қилди. Ҳаммининг фикри Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуга тўхтади.

Ҳамма маслаҳатчилар бир фикрга келганларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳу Усмон ибн Аффон розияллоху анҳуга айтиб туриб қуйидаги аҳдномани ёздирди:

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ушбу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг халифаси Абу Бакрнинг бу дунёдаги охириги пайти, у дунёдаги аввалги пайти, кофир мўмин бўладиган, фожир таслим бўладиган пайтда берган аҳдномасидир. Албатта, мен сизларга Умар ибн Хаттобни омил қилдим. Сизлардан

яхшилиқни аямадим. Агар у сабр ва адолат қилса, унинг ҳақида менинг билганим шу. Агар у жавр ва ўзгариш қилса, менинг ғайбдан илмим йўқ. Фақат яхшилиқни ирода қилдим. Ҳар бир киши қилганига яраша тортади. «Зулм қилганлар эса, тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар». (Тобарий)

Сўнгра хаста ҳолдаги Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни кўтариб одамларга кўрсатилди ва аҳднома ўқиб берилди. У киши:

«Сизларга ўзимдан кейин қодирган кишидан розимисизлар? Мен сизларга қариндошимни қолдирмадим, мен сизларга Умарни қолдирдим. Бас, унга кулоқ осинглар ва итоат қилинглар. Аллоҳга қасамки, мен фикрлашда бўшашмадим», дедилар. Одамлар:

«Эшитдик ва итоат қиламиз!» дедилар.

Сўнгра у киши Умарни ўзига чорлаб қуйидагиларни айтди:

«Албатта, мен сени ўзимдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига қолдирдим.

Эй Умар! Аллоҳнинг кечасиги ҳаққи бор, уни кундузи қабул қилмас. Кундузиги ҳаққи бор, уни кечаси қабул қилмас. У зот фарз адо қилинмагунча нафлни қабул қилмас.

Эй Умар! Билгинки, қиёмат куни тарозулари оғир бўлганларнинг тарозуларнинг оғир бўлиши уларнинг ҳаққа эргашганларидан ва унинг уларга оғир бўлганидандир. Эртага унга ҳақдан бошқа нарса қўйилмайдиган тарозу учун оғир бўлмоқ ҳақдир.

Эй Умар! Билгинки, қиёмат куни тарозулари енгил бўлганларнинг тарозуларнинг енгил бўлиши уларнинг ботилга эргашганларидан ва унинг уларга енгил бўлганидандир. Эртага унга ботилдан бошқа нарса қўйилмайдиган тарозу учун енгил бўлмоқ ҳақдир.

Эй Умар! Билгинки, енгиллик ояти шиддат ояти ила бирга, шиддат ояти енгиллик ояти ила бирга нозил бўлгандир. Мўмин ҳам рағбат қилиб, ҳам кўрқиб туриши учун шундоқ бўлгандир. У Аллоҳдан ўзига номуносиб нарсани сўрайдиган даражада рағбат қилмайди. Шунингдек икки қўли бўшашиб қоладиган даражада кўрқмайди ҳам.

Эй Умар! Билгинки, Аллоҳ дўзах аҳлини уларнинг энг ёмон амаллари ила зикр қилган. Қачон уларни эсласам, ҳеч-ҳеч улардан бўлмасликни орзу қиламан. У зот жаннат аҳлини уларнинг энг яхши амаллари ила зикр қилган. Чунки У зот уларнинг ёмонликларини кечиб юборган. Қачон уларни эсласам, уларнинг амаллари олдида менинг амалим нима бўлибди, дейман. Агар менинг васиятимни ёдлаб олган бўлсанг, ўлим туфайли ғоиб сен учун ҳозирдан маҳбуброқ бўлмасин. Сен ундан қочиб қутила олмасан».

Аммо бу Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуни халифа этиб таъйин қилинди деган гап эмас эди. Бу халифаликка номзод кўрсатиш эди. Халифани

сайлаш эса халқ томонидан кейин бўлади.

Кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу яна ётган жойларига олиб кирилди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг бу тасарруфлари кишини ҳайратга солади. Ўлимни шучалик хотиржамлик билан кутиб олиш осон иш эмас. Айниқса бир миллат устидан ҳоким бўлган одам бундай пайтларда беморлигини қаратишга уринади одатда.

Ҳа, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу одатдан ташқари одамлар тоифасидан эдилар. У киши ўлимни мардлик, балки хурсандлик билан кутиб олдилар.

Имом Аҳмад ва Ибн Саъд ва бошқалар Абу Сафардан ривоят қиладилар:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг олдига охириги беморлигида одамлар кўргани киришди. Улар:

«Эй Расулуллоҳнинг халифаси, сизга табиб чақирайлик, кўриб қўйсин?» дейишди.

«У мени кўрди», деди у.

«Хўш, нима деди?» дейишди.

«Мен нимани хоҳласам шуни қилувчиман», деди», деди у киши розияллоҳу анҳу.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга у кишининг қизлари Оиша онамиз ҳам қараб ўтирган эдилар. У киши розияллоҳу анҳодан Ибн Саъд қуйидагиларни ривоят қилади:

«Абу Бакр муҳтазар ҳолга келганда:

«Қасамки, йигитга моли фойда бермас

Ҳалқумига келиб қолганда жони...»

«Қизим, ундоқ дема. Лекин, «Ўлимнинг мастлиги ҳақиқат бўлиб келди. Сен қочиб юрган нарса шулдир», дегин. Манабу икки кийимимни кўринглар. Иккаласини ювиб мени шуларга кафанланглар. Тириклар янги нарсага ўликлардан кўра муҳтож-лар. Бу (кафан) бир оз муддатга, холос», деди».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Жумадул охира ойдан саккиз кун қолганда сешанба куни, олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. У кишининг халифаликлари икки йил, уч ой, ўн кун давом этди.

Ҳазрати Абу Бакр вафотларидан олдин Байтулмолдан олган маблағни ҳисоблаганларида етти минг дирҳам чиққан. Сўнг ўз молларидан маълум нарсани Байтулмолга қайтариб беришни амр қилганлар. Ўша қайтарилган мол олинган етти минг дирҳамдан кўпроқ чиққан.

Имом Ибн Саъд ва Ибн Мунзирлар келтирган ривоятда Оиша онамиз қуйидагиларни айтадилар:

«Абу Бакр вафот этишидан олдинги хасталиги билан хасталанганда:

«Амир бўлганимдан кейин молимга бирор нарса қўшилган бўлса, уни

мендан кейинги халифага юборинглар», деди.

У вафот этганидан кейин қарасак, унинг болаларини кўтариб юрадиган нубалик қул ва унинг боғини суғоришда ишлатиладиган туя чиқди. Икковини Умар розияллоҳу анҳуга юбордик. У:

«Абу Бакрга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ўзидан кейин келадиганларга қийин қилди»-деди.

Яъни, амалдор бўлиб туриб молу-дунё оширишни йўқ қилиб қўйди, деди.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу халифа бўлганларидан кейин зиёда бўлган молларини меҳнат туфайли эмас, мансаб туфайли кўпайган, деб эътибор қилдилар ва Байтулмолга қўшилиши керак, деб топдилар.

Бу иш у кишидан кейин бўладиган Ислом давлати бошлиқларига ҳам вожиб бўлиб қолди. Мансабдан фойдаланиб молу-мулк ортдириш шубҳаси бўлмаслиги учун, умуман зиёда қилишга рухсат йўқ бўлиб қолди. Бу маънода Ислом давлати бошлиқларининг ажойиб тасарруфотлари бор.

Ибн Саъд Саҳл ибн Абу Ҳасма ва бошқалардан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Сунҳда машҳур байтулмоли бор эди. Уни биров қўримас эди. Унга:

«Эй Расулуллоҳнинг халифаси, уни биров қўримади-я?» дейилди.

«Унга хавф йўқ», деди.

«Нима учун?» дейилди.

«Қулфи бор», деди.

У ундаги нарса қолмагунча берар эди. Абу Бакр Мадинага кўчиб ўтганда, байтулмолни ҳам ўз ҳовлисига кўчирди. Унга Қубалия конларидан ва Жуҳайна конларидан кўп мол келган эди. Абу Сулайм кони ҳам Абу Бакрнинг халифалигида очилди. Ундан ҳам садақалар келди. Ўшаларнинг ҳаммасини байтулмолга қўяр эди. Абу Бакр тилло кумушларни одамларга парча-парча қилиб тақсимлар эди. Юз кишига бунча-бунчадан тегар эди. У мол тақсимлашда одамлар орасида; қул бўлсин, ҳур бўлсин, эркак бўлсин, аёл бўлсин, катта бўлсин, кичик бўлсин тенг тақсим қилар эди. Туя, от ва силоҳ сотиб олиб Аллоҳнинг йўлига ишлатар эди. Бир йили саҳродан келтирилган қатийфа-тўнларни сотиб олиб қишда аҳли Мадийнанинг тул аёлларига бўлиб берди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу вафот этиб, дафн қилингандан сўнг Умар ибн Хаттоб омборчиларни чақириб улар билан Абу Бакрнинг байтулмолига кирди. У билан бирга Абдурраҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон ва бошқалар розияллоҳу анҳумлар бор эди. Улар байтулмолни очиб унда динор ҳам, дирҳам топмадилар. Бир пул халтани топиб очишган эди бир дирҳам чиқди. Барчалари, Абу Бакрга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, дедилар. Мадинада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларидан бери

бир торозубон бор эди. У Абу Бакрга ҳам торозубонлик қилган эди. Торозубондан Абу Бакрга келган мол қанча эканлиги сўралди. У икки юз минг эканини айтди».

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху муртадларни динга қайтардилар. Арабларни Исломда қайта бирлаштирдилар. Ўша пайтдаги икки улкан империяни фатҳ қилишни бошладилар. Қуръони Каримни бир мусҳафга жамладилар ва бошқа кўплаб улкан ишларни амалга оширдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху у кишининг қозилари эди.

Абу Убайда розияллоху анху девонбегилари эди.

Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ва Зайд ибн Собит розияллоху анхумлар у кишининг мирзалари эди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг даврларида Ислом давлати вилоятларида қуйидаги волийлар иш юритар эдилар:

1-Маккаи Мукаррамада-Аттоб ибн Усайд.

2-Тоифда-Усмон ибн Абул Осс ас-Сақафий.

3-Санъо-ал-Муҳожир ибн АбуУмаяя.

4-Ҳазарамавт-Зиёд ибн Лубайд.

5-Хавлон(Ямандаги машҳур қабила)-Яъло ибн Умаяя.

6-Зубайд-Абу Мусо ал- Ашъарий.

7-Нажрон-Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий.

8-Баҳрайн-ал-Аъло ибн ал-Ҳазрабий.

9-Жирш-Абдуллоҳ ибн Савр.

10-Давматул жандал-Иёз ибн Ғанам.

Ироқдаги лашкар амири-ал-Мусанна ибн Ҳориса.

Шомдаги лашкар амири-Холид ибн Валид.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг охирги сўзлари «Мени мусулмон ҳолимда вафот этдиргин ва солиҳларга қўшгин» ояти бўлган экан.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуни хотинлари Асмаа бинти Умайс ва ўғиллари Абдурраҳмонлар ювган. Ўзларининг кийимларига кафанланганлар.

Жанозаларига Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўтганлар.

Оиша онамизнинг хужраларига, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ёнларига кечаси дафн қилинганлар. У кишининг бошлари Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг елкаларига тўғрилаб қўйилган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг қабрларига ўғиллари Абдурраҳмон, Умар розияллоху анху, Усмон, Абдурраҳмон ибн Авф ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхумлар тушганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху жаннати экани аниқ бўлган оз сонли кишилардан бири эканликлари ҳаммамизга маълум. Бунинг баъзи

далилларини илгари ўрганиб ҳам ўтдик. У киши ҳақидаги ожизона сатрлар охирини кўтаринки руҳда битириш маъносида худди шу маънодаги яна бир ҳадиси шарифни ва унга боғлиқ таълиқни келтиришга ижозат бергайсиз:

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, ва Насаийлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир жуфт нарсани Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилса, жаннатда нидо қилиниб:

«Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшилик», дейилади. Бас, ким аҳли намоздан бўлса, намоз эшигидан чақирилур. Ким аҳли жиҳоддан бўлса, жиҳод эшигидан чақирилур. Ким аҳли садақа бўлса, садақа эшигидан чақирилур. Ким аҳли рўзадан бўлса Раяян, эшигидан чақирилур», дедилар. Абу бакр Сиддиқ:

«Эй Аллоҳнинг Расули, биров ўша эшикларнинг ҳаммасидан чақирилса зарари йўқми? Ўзи бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан чақириладими?»-деди.

«Ҳа, умид қиламанки, сен ўшалардан бўласан»-дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда «Бир жуфт нарсани Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилса» дейилганидан мурод икки қўй, икки мол, икки от, икки кийим ёки шунга ўхшаш нарсалардир. Яъни, кўпроқ инфоқ қилиш маъноси олдинга сурилгандир.

Ана шундай инфоқ қилган одамга алоҳида илтифот бўлиб, жаннатга кираётганида, жаннатнинг хизматини қилиб турувчи фаришталар ўша инфоқ қилинган нарсаларга ишора қилиб: «Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшилик», дер эканлар.

Албатта, бу илтифот жаннатга кириб кетаётган кўпчилик ичида молини инфоқ қилган киши учун улуғ мартаба бўлади.

Аллоҳ таоло фарз қилган амалларни тўлиқ адо этиб, Парвардигори оламнинг фазли-карами ила жаннатга сазовор бўлган бандалар умумий эшикдан оммавий равишда кирар эканлар.

Аммо, фарз амалларни кўрсатилгандек адо этиш билан бирга уларнинг баъзи бирида алоҳида ижтиҳод қилган нафлларини ҳам кўнгилли равишда адо этиб, маълум мартабага эришган бандалар учун алоҳида шараф эшиклари қилинган бўлар экан. Улар жаннатга эҳтиром ила ўша эшиклардан киришар экан.

Тасаввур қилайлик, умр бўйи жаннат орзусида ўтган, ўлганидан сўнг қиёмат қоим бўлгунча кутиб ётган одамлар жаннатнинг умумий дарвозаси олдида интиқ бўлиб навбат кутиб туришибди. Ўзларига қачон навбат келишини билмайдилар. Шунда бирдан алоҳида эшик очилиб фаришталар:

«Қани, аҳли намозлар, марҳамат! Бу намоз эшиги», деб қолсалар.

«Бу дунёда намозни алоҳида кўп ўқиш билан машҳур бўлган кишигина бу эшикдан киради», десалар. Бу дунёда фарз намозларни ўз ўрнида адо этишдан ташқари алоҳида куч-ғайрат билан нафл, таҳажжуд ва бошқа намозларни кўплаб ўқиб, аҳли намоз бўлиб танилган одамлар бундан ғоятда хурсанд бўлиб кетмайдиларми? Бошқаларнинг уларга ҳаваси келмайдими? Худди шу ҳолат аҳли жиҳод, аҳли садақа ва аҳли рўзалар учун ҳам бўлади. Ажойиб бир ҳолат! Ҳамма ўша мартабага эришишни орзу қилади. Мазкур махсус. еҳтиром эшикларидан жаннатга киргиси келади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳақдаги гапларини эшитиб саҳобаи киромларда ҳам катта қизиқиш пайдо бўлган. Бундоқ нарсага қизиқмай, уни орзу қилмай бўлармиди?! Зотан саҳобаи киромлар бунга ўхшаш каттаю-кичик ҳар бир ишга маҳкам ёпишганлар. Ҳатто ўшанда бир эмас, бир неча эшикдан киришни орзу қила бошлаганлари ҳам бўлган. Уларнинг пешқадами бўлмиш Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу:

«Биров ўша эшикларнинг ҳаммасидан чақириладими?» деб сўрадилар. Бу-у зот розияллоҳу анҳудаги жаннатдаги олий мартабаларга эришиш истаги қанчалар зўр эканини кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, умид қиламанки сен улардан бўласан», дедилар.

Бу-Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу учун улкан башоратдир. Бу-у зотнинг қанчалар фазийлатли зот эканлари далолатидир.

Аллоҳ таоло у кишидан Ўзи рози бўлсин! Омийн!